

ҲАЁТ ВА ИҚТИСОД

Ўзбекистон ССР Иқтисодиёт
қўмитасининг ойлик
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ журнали

№ 4 (10)
апрель 1991

1990 йилнинг июль ойидан
чиқа бошлаган.

Бош муҳаррир

Исмат ХУШЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ
Карим БАҲРИЕВ
Виль БЕГАНОВ
Евгений БЕРЕЗИКОВ
Дилшод ЖАЛОЛОВ
(масъул котиб)
Искандар ЕҚУБОВ
Хайрулло ИСМАТУЛЛАЕВ
Геннадий МАРА-НОВИК
(бош муҳаррир ўринбосари)
Анвар МАҲМУДОВ
Нуриддин МУҲИДДИНОВ
Валерий СААКОВ
Баҳодир УМУРЗОҚОВ
Мавлон УМУРЗОҚОВ
Игорь ЧИРГАДЗЕ
Бахтиёр ҲАМИДОВ
Эркин ШАЙХОВ
Мурод ШАРИФХУҲАЕВ
Виктор ШОЛОХОВ
(масъул котиб)

Муаллифлар фикри таҳрир
ҳайъатининг фикридан бўлакча
бўлиши ҳам мумкин. Журнал идо-
раси фикрлар ранг-баранглиги та-
мойилига амал қилади.

Мазкур сонда:



Саидахмад ҒУЛОМОВ:

«Муаллим ишида қийинчиликлар жуда кўп, масъу-
лияти ҳам улғудир. Бирон фанни ўқитиш, албатта, энг
асосий иш... Ҳеч бир касб эгаси муаллим-устоздек олий
мартаба ва ҳурмат-иззатга сазовор эмас».

Саидкарим ЗИЕДУЛЛАЕВ:

Ўлкамиз иқтисоди ҳақида гапирсак, 1917 йилда унинг
даражаси Афғонистонники билан бир хил эди. Лекин
ҳозир ҳар икки мамлакатни таққослаб кўрингчи.



Шарват ЭШОНҚУЛОВА:

Пул муомаласи қонуннинг бузилиши, муомалада то-
варларга нисбатан пул ҳажмининг кўпайиб кетиши
пулнинг қадрсизланишига олиб келади. Худди мана
шундай аҳволни мамлакатимиз бошидан кечирмоқда.



Қосим ЯҲЕЕВ:

Бозор иқтисодиёти шароитидаги бошқарув эса ишлаб
чиқарувчининг ўз маҳсулотини ўзи сотиши, истеъмолчи-
ларни ўзи топиши, уларнинг талабига кўра товар баҳоси,
сифати, турини белгилаб боришига эътибор беради.



Ибодулла УСАРОВ:

Умуман, жумҳуриятимиз халқ хўжалигининг мате-
риал қувватларга бўлган эҳтиёжининг жуда кам қисми-
гина қайта ишланган чиқиндилар ҳисобига қондирил-
моқда. Нима қилмоқ зарур?



ва бошқаларнинг қизиқарли мақолалари билан танишасиз.



Бозор ва жамиятни информатизациялаш

Бугунги оғир иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳолатдан чиқишнинг ягона йўли бозор иқтисодиёти эканига шубҳа қолгани йўқ. Бозор муносабатларига ўтишимиз муқаррар экан, хориж тажрибасини ўрганишимиз шарт. Жаҳонда ягона бозор йўқ, ҳар бир мамлакат ўз шарт-шароитлари, имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўз моделини ишлаб чиққан ва жорий этган. Ҳозирда иқтисодиётни бошқаришнинг «швед», «япон», «америка» моделлари машҳур.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, «швед модели» ижтимоий соҳага йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Давлат аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги мулкӣ фарқни қисқартиришга йўналтирилган қаттиқ сиёсат олиб боради. Бу ривожланган солиқ системаси асосида амалга оширилмоқда. Юқори ҳақ олувчи аҳоли ўз даромадидан тўлайдиган солиқ миқдори 60 фоизгача боради. Мана шу маблағлар ҳисобига ижтимоий дастурлар молиявий жиҳатдан таъминланади. Ижтимоий соҳанинг ривожлангани туфайли Швеция ишсизлик муаммосини ҳал этиш бўйича анча ютуқларга эришди. Бу ерда кадрлар тайёрлаш ва қайта ўқитишнинг самарали системаси шаклланган, тиббий хизмат ва ўқиш бепул.

Шведларникидан фарқли ўлароқ, бозорнинг «япон модели»га ишбилармонлик ва ташаббускорликни рағбатлантириш хос. Японияда аҳолининг мулкӣ ажралишини назорат этиш бўйича ҳеч қандай жиддий чоралар белгиланмаган.

Иқтисодиётни тартибга солиб туришнинг «америка модели» аҳолининг оммавий фаол-

лигини талаб қилади, ишбилармонликни рағбатлантиришга асосланган. Бу модел учун кам таъминланган аҳоли қатламларига ёрдам кўрсатиш мақсадида турли суғурта ва меҳр-шафқат фондлари тузиш хос. «Америка модели» аҳолининг иқтисодиётнинг барча соҳаларини бошқаришда ва миллий бойлик тақсимотидаги бевосита иштирокини кўзда тутлади.

Бозор механизми ва бозор муносабатлари жорий этилишининг шarti меҳнаткашларнинг жамиятни бошқаришдаги кенг иштирокидир. Бунга ходимларни фирма ва концернларни бошқаришга жалб этиш ҳамда турли ўз-ўзини бошқариш органлари ишига тортиш орқали эришилади. Аҳолини у ёки бу ижтимоий-сиёсий қарорлар қабул қилишга жалб этиш эса жамиятни информатизациялашга асосланган. Капиталистик мамлакатларда биздаги каби тақиқланган мавзу ва тақиқланган зоналар йўқ. Аҳолининг ҳамма нарсадан бохабарлиги асоси — турли техника воситаларидан, шу жумладан, ЭҲМлардан (АҚШда 20 миллион дона) кенг фойдаланиш. Алоқа воситалари ва информацияни ишлаб берувчи системаларнинг жуда ривожланганлиги натижасида аҳолининг маълумоти даражасини ошириш имконияти бор.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жамиятни информатизациялашнинг мавқеи ва аҳамиятини кескин оширади. Яқин орада унинг тараққиёти кўп томонлама турли, шу жумладан, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари тўғрисидаги информацияларни йиғиш, ишлаш ва тарқатишнинг қамрови ва қанчалик самарали-сифатлилигига боғлиқ бўлиб қолади. Бунинг учун эса янги тармоқ-информатикани, ўз масштабларига кўра, айтилик, ҳозирги энергетика системаси билан қиёслаш мумкин бўлган тармоқни бунёд этиш керак бўлади. Ҳозир шу асосдагина, аҳолини кенг биланларга, жаҳон маданияти марказларига яқинлаштириш, таништириш мумкин.

Бозор иқтисодиёти учун зарур информация йиғиб ишлаб чиқиш ва узатишнинг замона-

вий системасини яратиш ва жорий этиш — бошқаришнинг иқтисодий усулларига ўтишнинг энг мақбул самарали йўлларида бири. Бизнингча, жамиятни информатизациялашгана уни волонтеристик қарорлар қабул қилишлардан асрайди.

Янги тармоқни жамият етарли даражада компьютерлар билан таъминланган бўлсагина яратиш мумкин. Кейинги босқич компьютерлар тармоғи ташкил этиш ва бу тармоқларнинг минтақа, жумҳурият, иттифоқ ва жаҳон даражасига кўтарилишни ўз ичига олади. Аҳоли замонавий технологиялар, фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари билан танишади. Жамиятимизнинг бир қатор жиддий ижтимоий-сиёсий, иқтисодий илмий-техник, экологик муаммоларини қисқа муддатларда ҳал этиш имкони туғилади, чунки, қўлимизда бу муаммоларнинг бошқа мамлакатларда синовдан ўтган тайёр ҳал этиш йўллари бўлади.

Масалан, жумҳуриятимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши арафасидаги аҳволи Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларининг (Таиланд, Малайзия, Индонезия, Жанубий Корея ва бошқалар) бундан унча узоқ бўлмаган даврдаги аҳволига ўхшаш. Демак, информациялар тармоғи орқали бу мамлакатларда бозор муносабатларининг қай йўсинда қарор топгани тўғрисидаги бой маълумотлардан жуҳуриятимиз халқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказишда кенг фойдаланиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитларида жамиятнинг компьютерлаштириш заруриятининг навбатдаги жиҳати қўшма корхоналарнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бугун қўшма корхона илғор технологияларни эгаллашимиз, жаҳон бозорига чиқишимизнинг энг самарали йўлларида бири. Жумҳуриятимиз ажойиб иқлим шароитига ва халқимизнинг меҳнатсеварлигига эга. Бу бой имкониятлардан ишлаб чиқаришни ривожлантиришда қўшма корхоналар орқали кенг фойдаланишимиз керак. Қўшма корхоналар нафақат саноат, қишлоқ хўжалигида ҳам тузилиши лозим. Иқлимимиз унча катта ҳажмда куч ва ресурслар сарфламасдан йил бўйи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имконини беради.

Бизда арзон қурилишни ташкил этиш учун ҳам барча имкониятлар бор. Уй-жой, завод-фабрикалар қурилишини бизда енгиллаштирилган конструкция ва маҳаллий қурилиш материаллари ҳисобига, Сибир ёки Қозоғистондагидан 2—3 марта арзонга тушириш мумкин. Афсуски, маҳаллий қурилиш материалларидан маҳаллий қурилиш усуллари каби деярли фойдаланилмапти. Ҳозир, аynиқса, шаҳар ва қўрғонларда, камдан кам киши тоғларда уюлиб ётган тошлар яхши

пойдевор бўлишини ёдга олади. Ваҳоланки, бу қанча цементни тежаб қолган бўларди.

Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистонда қадимдан лойдан қурилиш материали сифатида фойдаланиб келинган. Қадимги Бухоро қўрғони деворлари ҳанузгача бузилмай турибди. Уй-жой муаммосини ҳал этиш учун лойдан пахса уйлар қуриш анъаналарини жонлантириш зарур. Ерни тежаш мақсадида, икки қаватли лой уйлар қуришни ҳам кенг тарғиб қилиш лозим.

Тўхталмоқчи бўлган кейинги масаламиз — оммавий ахборот воситаларига якка ҳукмронликни бартараф этиш. Ҳозир деярли барча газета-журналлар ва телевидение асосан мафкуравий вазифаларни ҳал этишга қаратилган, натижаси эса кам.

Бозор иқтисодиётининг энг асосий муаммоларидан бири — ресурслардан тежамли фойдаланишдир. Бироқ, бугун на мамлакатимиз, на Ўзбекистонда бу масалага жиддий эътибор берилмапти. Тежамлиликка инсонни оиладан бошлаб ўргатиш керак. Бунинг учун газета-журналларда махсус бўлимлар, телевидениеда доимий кўрсатувлар ташкил этиш, тежамли хўжалик юритишни ўргатиш лозим. Фарзандларимизга оиладан тежамлиликни ўргатмас эканмиз, халқ хўжалигимиз унга қанча маблағ сарфламайлик самара бермайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш пухта, кучли билимли кадрларни талаб қилади. Чунки, бу шароитларда маҳсулотнинг янгиланиши ва шу асосда ишлаб чиқаришнинг ўзгариши доимий, мунтазам тус олади. Фақат юқори малакали ва билимли мутахассисларгина замонавий техника ва технологияларни бошқариб, фан-техника ютуқларидан тўла фойдаланиб, шу асосда меҳнат унумдорлигини ошира оладилар. Инсониятнинг кўп йиллик тажрибаси шунини кўрсатадики, жисмоний кучлилики кишининг турмуш фаровонлиги даражасини 1—2 барабар, билим эса 5—6 барабар оширади.

Юқорида тилга олинган муаммоларни ҳал этишнинг асоси — жамиятнинг компьютерлаштириш воситасида информатизациялашдир. Фақат информацияни қайта ишлашнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш, жаҳон маълумотлар банкига чиқиш, матбуот, радио-телевидениедан ва бошқа восита ҳамда омиллардан мақбул ҳолда фойдаланиш мураккаб муаммоларни ҳал эта оладиган янги типдаги ишчи-ходими тарбиялаб етиштиришга ҳамкорлик кўрсатади.

Саидахрор ҒУЛОМОВ,
Тошкент халқ хўжалиги институти
ректори, ЎзССЖ ФА мухбир аъзоси,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

ТОВАРЛАР БИРЖАСИ

Халқ хўжалигининг бозор иқтисодиётига ўтиши, унинг қатор янги механизмларини яратиш билан боғлиқдир. Бозор иқтисодиётининг биз учун шундай янги механизмларидан бири хом-ашё, товарлар билан савдо-сотиқ қилиш, яъни товарлар биржасидир. Тарихий нуқтаи назардан қараганда бу мамлакатимиз учун янгилик эмас, чунки 20-йилларда янги иқтисодий сиёсат (НЭП) даврида мамлакатнинг йирик шаҳарларида 114 та товарлар биржаси мавжуд бўлган.

Дастлабки товарлар биржаси XV—XVI асрларда Ғарбий Европада пайдо бўлган ва ҳозирги пайтда ривожланган капиталистик мамлакатларда уларнинг сони 60 дан ортиқ. Социалистик мамлакатлардан Венгрия ва Хитойда мавжуд. 80-йилларнинг охирида жаҳон бозорида хом ашё ва озиқ-овқат алмашувининг 20 фоизидан камроғи товарлар биржаси орқали амалга оширилган.

Жаҳонда биржа савдо-сотиқ маркази бўлиб: рангли металлар (мис, қўрғошин ва бошқалар) бўйича — Лондон, Нью-Йорк, кофе бўйича — Нью-Йорк, Лондон, Роттердам, Гавр, Гамбург, Амстердам, қанд бўйича — Нью-Йорк, Лондон, Гамбург; какао ва пахта ёғи бўйича — Нью-Йорк, Лондон, Амстердам; пахта бўйича — Нью-Йорк,

Нью-Орман, Чикаго, Ливерпуль, Бремен (ГФР), тери бўйича — Нью-Йорк, Амстердам, дон бўйича — Чикаго, Виннипег (Канада), Лондон, Ливерпуль, Роттердам, Антверпен, Милан, гуруч бўйича — Милан, Амстердам ва Роттердам шаҳарлари ҳисобланади.

Совет Иттифоқи ҳам жаҳон бозорида фаол иштирок этади. Масалан: Англиянинг «Металл буллетин» журнали маълумотларига кўра шу йил август ойининг ўрталарида икки ҳафта ичида Совет Иттифоқи жаҳон бозорида умумий ҳажми 1 миллиард доллар бўлган 85 тонна олтинни сотган. Бу эса СССР томонидан бир йил давомида сотиладиган олтиннинг учдан бирини ташкил қилади. 1990 йил январь — май ойлари ичида СССР Лондон ва Цюрих бозорларида 300 тонна олтинни сотди.

Айни пайтда бизнинг мамлакатимизда ҳам товарлар биржаси ишлай бошлади. Халқаро биржа савдосининг объекти бўлиб, асосан ялпи ишлаб чиқариладиган бир турдаги ва ўзаро алмашинадиган хом ашё товарлари, ярим тайёр маҳсулотлар ҳисобланади. Одатда улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: дон, озиқ-овқат, саноат хом ашёси, рангли ва қимматбаҳо металлар. Биржада энг йирик ўринларни эгалловчи товар-

лардан бири кофе ҳисобланади, чунки у ишлаб чиқариш жуғрофий — ҳудудий жиҳатдан асосий истеъмолчилардан узоқдалиги билан боғлиқдир.

Товарлар биржаси савдо-сотиқ операцияларининг бевосита предмети махсус контракт ҳисобланади. Бундай контрактлар ўз навбатида зудлик билан битим тузиш имконини туғдиради, бу ерда фақат товарнинг баҳоси ва уни етказиб бериш вақти келишилади холос.

Биржа товарларининг кўпчилик қисми биржасиз битимлар орқали сотилса-да, улар билан савдо-сотиқ ишлари товар биржалари томонидан ўрнатиладиган баҳоларда амалга оширилади. Котировка баҳолари эса биржалар бюллетенида ва матбуотда эълон қилиниб борилади. Масалан: «Хандельсбалтт» журналининг маълумотларига кўра Нью-Йорк биржасида пахтанинг баҳоси турлича бўлган.

Шу ўринда яна таъкидлаб ўтиш керакки, «Блих дурх ди виртшафт» журналининг маълумотларига кўра пахта бўйича халқаро консультатив комиссиясининг (ИКАК) экспертлари жаҳон пахта хўжалиги ривожланиши истиқболли ишлаб чиқдилар. Уларнинг фикрича, 1990 йилда жаҳонда пахтанинг ялпи йиғими 17 миллион 830 минг тоннани ташкил қилган. 1989

йилда эса 19 миллион 650 минг тонна эди. Бу камайиш СССР, ХХР ва АҚШда пахта ялпи ҳосилининг камайиши билан боғлиқдир. Истиқбол белгиларига мувофиқ 1991 йилда пахта ҳосили 19 миллион 310 минг тоннага етади.

Пахтага бўлган талаб ошмоқда. 1989 йилда у 18 миллион 470 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 1990 йилда эса 19 миллион 100 минг тоннага ўсган. 1991 йилда эса ундан ҳам ортиши кутилмоқда. Бир вақтнинг ўзида пахтанинг йилдан-йилга ўтадиган қўшимча қисми ҳам кўпаймоқда. У 1988 йилнинг охирида 7 миллион 77 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1989 йилнинг охирига келиб эса 7 миллион 330 минг тоннани ташкил этди. Бундай ҳолат яқин йилларда сақланиши мўлжалланмоқда.

ХХР кўп миқдордаги пахтани ўзида қайта ишлаши жаҳон бозорида унинг баҳоси ошишига олиб келди ва бу баҳо кўрсаткичи 1991 йилда ҳам сақланади. Ташкил қилиш принципи бўйича товарлар биржаси икки хил турга бўлинади. Булар ижтимоий очик ва хусусий биржалардир.

Очик биржа давлат назорати остида бўлиб, биржа тўғрисидаги қонун асосида ташкил қилинади. Бундай биржалар Франция ва Бельгияда мавжуд бўлиб, у ердаги савдосотиққа ҳамма хоҳловчилар қатнашишлари мумкин.

Хусусий биржа махсус кишилар томонидан акционер компанияси формасида, улар ишлаб чиққан устав асосида ташкил қилинади. Бундай биржага фақат биржа корпорацияси аъзоларигина қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Пахта, дон ва ҳоказолар билан савдо-сотиқ қилинадиган биржалар ҳам ана шундай гуруҳга киради.

Акционерлик жамиятидан биржа корпорациясининг фарқи шундаки, унда биржа сертификати дивиденд суммасини олиш ҳуқуқини бермасдан

шу биржада битим тузиш имконини беради ҳолос.

Биржа битимларининг ҳам иккита тури мавжуд: реал товар ва фьючерс битимлардир. Реал товар битимида (спот) товарлар биржага келтирилган бўлса ёки улар тайёр ҳолда бўлса, мавжуд тажриба бўйича контракт тузилгандан кейин 14 кундан кечикмасдан товарлар сотиб олувчиларга топширилиши шарт.

Бундан ташқари реал товар битими келгусида етказиб бериладиган ёки йўлдаги товарларга ҳам тузилиши мумкин. Бу Халқаро савдо алоқаларида «форвард» деб ном олган. Бу битимда товарларни етказиб беришнинг аниқ муддати албатта кўрсатилиши шарт. Биржа орқали товар олувчи харидорлар битимнинг 10 фоиз суммасини битим тузувчи биржа аъзосига гаров сифатида тўлаб қўйишлари шарт. Фьючерс битими асосан олиб-сотарлик характерига эгадир.

Фьючерс битими асосан савдогарлик (олиб-сотарлик) табиатига эга. Бу ерда харидорни ва сотувчини товарнинг ўзи эмас, балки «тугатиш» (ликвидация) деб аталмиш йўли билан унинг қийматини, фарқини олиш имконияти қизиқтиради, яъни тескари битим амалга оширилиши керак. Фьючерс битими «форвард» битими каби, доимо тезкордир, яъни у товар жўнатишни келгусида аниқланган маълум бир ойларда амалга ошириш шарти билан тузилади. Бироқ унинг «форвард» битимидан фарқли хусусияти шундаки, товар жўнатишда аниқ мақсадни кўзланади. Бу борада фьючерс битими савдогарлик ёки бўлмаса баҳоларнинг ошиши, кўтарилишини суғурта қилиш мақсадида қўлланилади. Харидор фьючерс шартномаси бўйича одатда товар олишни мақсад қилиб қўймайди, унинг сотувчиси эса товарни харидорга беришга шояшмайди.


Одатда сотувчи фьючерс

шартномасини тузиб, келгусида товарнинг баҳоси пасайишини мўлжаллайди, харидорнинг мўлжалли бўйича эса, товарнинг баҳоси кўтарилади. Шартнома баҳоларининг пасайиши кўзланса «шорт» деб аталади, баҳоларнинг ошишини кўзлаб тузилган шартнома эса «лонг» (узун) деб аталади. Тезкор биржалар кўпинча биржадаги товарнинг бозор баҳолари ўзгариши натижасида кўриладиган йўқотишларни суғурта (хеджирование) қилиш мақсадида фойдаланилади. Мазкур операция шундан иборатки, фирма томонидан аниқ товарлар биржасида маълум бир миқдордаги товарни олишга ёки сотишга мўлжалланган тезкор битим тузилиб, тезлик билан фьючерс биржасида тескари битим йўли билан бу битимни суғурта қилдирадилар, яъни фьючерс шартномаси бўйича товарларни сотиш ёки харид қилиш айна муддатда ва ўша миқдордаги товарга белгиланади. Реал (аниқ) товар биржасидаги битимнинг тугатилиши билан бир вақтда фьючерс биржаси битими ҳам барҳам топади. Суғурта операцияси ёрдамида аниқ товарнинг харидори ўзини бозорда баҳоларнинг ўзгариши натижасида кўтариладиган йўқотишдан ҳимоя қилади, аммо ҳеч қандай фойда ололмайди.

Шундай қилиб, товар биржаларининг роли ҳақида қуйидагича хулоса қилиш мумкин: улар асосан учта мақсадда фойдаланилади — аниқ товарни олди-сотди қилиш учун, савдогарчилик, суғурта. Бундан ташқари, улар қуйидаги ёндош операцияларни бажарадилар: битимлар тузиш учун бозор ўрнини таъмин этадилар ва зарур қулайлик яратадилар, баҳоларни белгилайдилар, стандарт ўрнатадилар.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
Аликул ЭРДОНОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

Бозор иқтисодиётида МОЛИЯ ВА КРЕДИТ



Назарий ва амалий иш билан шуғулланувчи иқтисодчиларнинг деярли ҳаммаси халқ хўжалигини танг аҳволга олиб келган маъмурий планли бошқариш ва тақсимлаш системасидан қутулишнинг ягона йўли бозор иқтисодиётидир, деган хулосага келдилар. Демак, бугунги иқтисодий танглик маъмурий-буйруқбозликнинг сўзсиз емирилиши оқибатидир. Бозор муносабатларини амалда жорий этиш, объектив иқтисодий қонунлар ва бу қонунларнинг асосий негизи бўлмиш баҳо, пул, молия ва кредитлар орқали иш юритишга ўтишдир.

Бошқаришнинг маъмурий-режалаштириш системаси ишлаб чиқарилган маҳсулотларни мажбурий тақсимлаш (керак бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар), унга мажбурий кредит бериш, бунда ишлаб чиқарувчиларда ҳеч қандай иқтисодий қизиқиш яратмасдан, истеъмолчиларнинг талабини ҳисобга олмасдан тақсимлашда аке этарди.

Бозор иқтисодиёти шароитидаги бошқарув эса ишлаб чиқарувчининг ўз маҳсулотини ўзи сотиши, истеъмолчиларни ўзи топиши, уларнинг талабига кўра товар баҳоси, сифати, турини белгилаб боришига эътибор беради. Бу ерда маҳсулот сотувчи ва уни олувчи эркин ва тенг ҳуқуққа эга. Ҳеч ким мажбурий йўл билан ўз товарларини истеъмолчиларга сотмаслиги керак. Бунинг учун ишлаб чиқарувчиларнинг

маҳсулот сотишдаги ҳокимлиги ҳам тугатилиши зарур. Ҳозир товар сотувчилар асосан давлат корхоналари бўлган шароитда уларни молиявий мустақилликка етаклаш қийин. Ҳар қандай шароитда давлат корхоналар ишига араллашиб, уларга бюджетдан маблағ беришни тўхтата олмайди. Жуда бўлмаса вазирликлар фойдали ишлайдиган корхоналардан маблағни олиб зарарга ишлайдиган ташкилотларга бўлиб беради. Ваҳоланки бу ҳол корхона мустақиллиги йўлидаги тўсқинлик ҳисобланади.

Шунинг учун бозор иқтисодиёти режаларида давлат мулкчилигини анча камайтириб, 25—30 фоизга тушириш мўлжалланади. Ҳозир халқ хўжалиги соҳаларидаги бундай мулкчилик салкам 100 фоизга етган. Лекин бозор муносабатлари шароитида ҳам темир йўл, ҳаво, сув транспортида, алоқа, мудофаа корхоналарида давлат мулки сақланиб қолиши керак, деб ҳисобланмоқда. Шунинг доим эсда тутиш зарурки, жамият қанчалик маъмурий бошқариш системасидан тўлиқ қутула олса, янги иқтисодиёт шунчалик мустақкам бўлади.

Бозор иқтисодиёти мулкчилигининг хилма-хил турлари бўлишини ва бир хил товар ишлаб чиқарувчилар қанчалик кўп бўлса, бозор шунчалик эркин бўлишини тақозо этади. Йирик капиталистик мамлакатлар иқтисодчиларининг таъкидлашича бозор иқтисодиёти шароитида бир хил товарни камида 8-15 турдаги корхоналар ишлаб чиқаришлари зарур.

Шунинг учун товар ишлаб чиқарувчиларни кўпайтириш мақсадида давлат корхоналаридан ташқари кўплаб кооператив ташкилотлар, ижара, акционер, қўшма корхоналар, ўрта ва кичик корхоналар, ҳаттоки кичик хусусий корхоналарни ташкил этиш амалга оширилмоқда. Ана шу мақсадларда корхона ва ташкилотларни тузиш учун ҳар томонлама молия ва кредит ёр-

Қосим Яхъев 1960 йилда Тошкент молия-иқтисод институтини имтиёзли диплом билан тугатган. Иқтисод фанлари номзоди. Бугунги кунда Тошкент халқ хўжалиги институти молия кафедрасининг доценти.

дами кўрсатилиши белгиланган. Уларнинг фаолиятини тиклашга ёрдам берувчи 500 та махсус савдо-сотик, тижорат банклари тузилган. Бундан ташқари товар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда якка меҳнат қилувчилар, қишлоқларда шахсий деҳқон хўжаликлари маҳсулотларидан ҳам кенг фойдаланиш зарур.

1990 йилда мамлакатимизда хилма-хил мулкчилик корхоналарининг қуйидагилари иш олиб борган: саноатда ижара корхоналари 2,1 мингта бўлиб, 31 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган, савдода 23 минг магазин 36,1 миллиард сўмлик товар сотган, маиший хизмат кўрсатишда 1,5 минг ателье ва устахоналар ишлаган, юзлаб акционер жамиятлари ишламоқда. 1100 га яқин қўшма корхоналар, Москва шаҳри ва вилоятида товар биржалари, ишчи кучи биржалари ишламоқда. 209,7 минг ширкатлар ишлаб, улар 1990 йилнинг биринчи ярмида 27,3 миллиард сўмлик маҳсулот чиқарган, шу жумладан 4,8 миллиард сўмлик халқ истеъмол товарлари харидорларга етказилди.

Энг муҳими шундаки, бозор иқтисодиётини муваффақиятли амалга ошириш учун мамлакатни иқтисодий тангликдан қутқариш, товар ва пулни тенглаштириш, иқтисодий ривожланишни барқарорлаштириш, молиявий муносабатларни соғломлаштириш, кредитнинг ролини ошириш, бозор муаммоларини тўғри ҳал қила оладиган махсус кадрларни тайёрлаш керак.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига кечикиб, жуда оғир шароитларда ўтмоқда. Муомалага мўлжалланган товарлар ва хизматларга қараганда йирик иқтисодчиларнинг ҳисоблари бўйича қарийб 300 миллиард сўмлик ортиқча пул мавжуд. Муомалага қўшимча пул чиқариш давом этмоқда. Иттифоқ бюджети камомади ССЖИ Олий Кенгаши томонидан 26,6 миллиард сўм қилиб тасдиқланди. Бундан ташқари Иттифоқ Барқарорлаштириш фонди ташкил этилди. Шундай шароитларда ССЖИ Президенти ва жумҳурият Президентларининг Фармонларига кўра ижтимоий-маданий тадбирларга (нафақалар, стипендиялар, бошланғич синф ўқитувчиларининг маоши ошиши) қўшимча маблағлар зарур. Бу эса ўз ўрнида молиявий қийинчиликларни яратмоқдаки, бундан кейин то иқтисодиётни мустаҳкамлагунга қадар бундай харажатларни қилишда эҳтиёткор бўлмоқ зарур. Акс ҳолда тангликда турган мамлакатимизда янада мураккаб молиявий қийинчиликлар юзага келиши мумкин.

Баъзи иқтисодчилар муомалага кўплаб товар билан таъминланмаган пуллар чиқаришнинг, яъни инфляция ҳолатининг асосий сабаби бюджет камлигидир, деб тушунтирадилар. Тўғри, пул чиқариш (эмиссия) ва бюджет танқислиги ўртасида алоқа мавжуд. Лекин кадрсизланган пуллар чиқаришнинг асосий сабаби буйруқ иқтисодиёти системасининг ўзи бўлиб, ҳар қандай ишлаб чиқаришга, самаралими, самарасизми

ёки халқ хўжалигини хонавайрон қиладиганми, барибир кредит маблағини беришдир. Бу эса пулнинг товарга нисбатан кўп бўлиши ва унинг кадрсизланишига олиб келади.

Бозор иқтисодиётини жорий қилиш мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида молия ва кредитнинг муҳим бошқарувчилик қуролидан фойдаланиш тадбирларини белгилаб, амалга оширишни талаб қиладди. Булар — бюджет харажатларини камайтириш, қисман чет эл давлатларига ёрдамни камайтириш ҳисобига, операция харажатларини тежаш, валюта аукционлари ҳисобига давлат резервларини кўпайтириб, бюджетдан молиялаштиришни камайтириш, импорт товарларини айнан импорт баҳосида сотиб, бюджет дотациясини камайтириш йўли билан;

— ишлаб чиқаришга йўналтирилган капитал қуймаларни (қишлоқ хўжалигидан ташқари) камайтириш;

— бож даромадларини кўпайтириш ва бошқа тадбирлар билан бюджет камомади (даромадларнинг харажатларга етмаслиги) анча қисқартирилади.

Агар бозорни товар ва хизматлар билан тўлдирилмаса, ҳеч қандай молиявий ва кредит чоралари билан иқтисодиётни барқарорлаштириб бўлмайди. Шунинг учун, 1991 йилда Ватанимизнинг ишлаб чиқаришини кўпайтириш, мудофаа саноатини конверсия қилиш, чет эллардан товарлар олиш, айниқса халқ истеъмол товарларини кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш йўли билан уларнинг тури кўпайтирилади. Шунинг учун жорий йилда саноатнинг «Б» гуруҳи товарлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 4,4 фоиз қилиб белгиланади ёки илгариги йилларга қараганда 5—9 фоиз ўсади. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари бўйича бу ўсиш 10-15 фоизни ташкил этиши керак. Аҳоли учун мудофаа комплексида товар ишлаб чиқариш 18 фоизга кўпайтирилади.

Янги шароитда анъанавий бўлмаган товарлар ҳисобига ҳам маблағларни ошириш ва истеъмолчилар таклифини қондириш мумкин. Юқорида айтилган тадбирларни амалга ошириш учун жуда муҳим ташкилий ва молия-кредит ишларини амалга оширишни талаб этади. Энг аввало ишлаб чиқаришни яхшилашга қизиқтириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида давлат, ширкат, ижара, қўшма, уюшма корхоналарининг фойдасидан олинадиган солиқлар анча камайтирилган.

Давлат корхоналари 1989 йилда ўртача фойдасидан 49 фоиз тўловлар тўлаган бўлса, 1990 йилда корхоналар учун солиқда енгилликларни ҳисобга олсак, ўртача 41 фоиз тўлашлари белгиланган эди. Айниқса қўшма, ижара корхоналарига солиқларда кўп енгилликлар берилган.

Корхоналар 1990 йилдаги даражадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, бутун ошган қисми ўз ихтиёрида қолдирилиб, уларни эркин баҳоларда сотиб, юқори фойда олишлари мумкин.

Корхоналарнинг фойдасидан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш қувватини оширишга сарфланган маблағларга солиқ солинмайди. Товар ишлаб чиқаришни 4 фоиздан оширган корхоналарга солиқлардан енгиллик бериш мўлжалланади. Халқ истеъмол товарлари қувватини кўпайтирувчи корхоналарга биринчи навбатда кредит маблағи бериш таъминланади.

Корхоналарнинг солиқ солинадиган фойдасидан қисқа муддатли банк кредитидан фойдаланганлиги учун ҳақ, сув ҳақи тўлови чегирилиб солиққа тортилади. Истеъмол кооперациясига кирувчи жамиятлар, уюшмалар, жамоат ташкилотлари ва уларнинг корхоналари ўз фойдасидан 35 фоиз солиқ тўлаб катта енгилликлар оладилар. Совет ва чет эл капитали билан биргаликда тузилган қўшма корхоналар, агар чет эл капиталининг устав жамғармаси 30 фоиздан ошса, фойдасидан 30 фоиз солиқ тўлайдилар.

Қишлоқ хўжалик корхоналари, давлат ва жамоа хўжаликлари фойдасидан олинadиган солиқлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга қизиқтириш мақсадида жумҳуриятлар Олий Кенгаши томонидан анча қамайтириб белгиланиши мумкин.

Аҳолига хизмат қилувчи маҳаллий саноат ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, кичик ва қўшма корхоналар, ногиронлар, пенсионерларнинг ташкилотлари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари фойдаларининг 30 фоизи солиққа тортилмайди. Маҳаллий хом ашё ва чиқиндилардан фойдаланган истеъмол кооперацияси корхоналари 2 йилга солиқдан озод қилинадилар. Деярли ҳамма ташкилот ва халқ хўжалиги тармоқлари биринчи ёки иккинчи йиллари солиқ тўламайдилар. Уларнинг фойдаларидан марказлашган капитал қўймаларга олган кредитларни қайтариш учун йўналтирилган қисми ҳам солиққа тортилмайди.

Агар ташкилот ва муассасалар табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига фойдадан харажат қилсалар 30 фоиз ҳажмида, соғлиқни сақлаш, ногиронлар уйлари, болалар муассасалари, маданият ва спорт ишларига, халқ маорифи ва уй-жойларга сарфласалар солиқдан тўлиқ озод қилинади. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарга ўз товарларини шартнома асосидаги эркин баҳоларда сотиш ҳуқуқи берилади.

Шундай экан, товарлар баҳоси ошиши билан уларнинг рентабеллиги ошиб жуда юқори фойда олишлари эҳтимоли бор. Улгуржи баҳоларнинг ошиши чакана баҳоларнинг ошиб кетишига олиб келиши мумкин. Меҳнаткашларни реал даромадлар билан таъминлаш мақсадида жумҳурият корхоналари учун рентабелликнинг юқори чегарасини белгилаб қўядилар. Масалан, РСФСР ва Ўзбекистон ўз корхоналарига шундай чегарани 50 фоизгача қилиб белгилади.

Молия тадбирлари орқали корхоналар муқимлигини бошқариб туриш учун, белгиланган рентабеллик даражаси 10 пункт кўпайган ташкилотларга фойдасининг ошган қисмидан 80 фоиз, ундан ошса — 90 фоиз бюджетга фойдани олиб қўйиш тадбири белгиланган. Баҳоларнинг ошиши билан меҳнаткашлар даромадлари, айниқса ночор аҳолининг аҳволи (шундайлар бизнинг жумҳуриятимизда 45 фоизни ташкил этади) ёмонлашиши мумкин. Шуларни ҳисобга олиб қатор ижтимоий кафолат тадбирлари амалга оширилади. Булар ичида энг муқимлари молиявий кафолатдир: бюджетдан даромадлар камчилигини қоплаш, ишсизларга нафақа, кам даромад олувчиларнинг маблағларини ошириш ва бошқа қатор тадбирлар амалга оширилади. Муомаладан ортиқча пулларни олиш, яъни товарларга бўлган талабларни биров бўлсада қамайтириш, ҳамда товар ишлаб чиқарувчиларга қўшимча молиявий ресурсларни таъминлаш мақсадида молиявий бозор очилади, унда қимматбаҳо қоғозлар: облигациялар, акциялар, векселлар, лотореялар ва бошқалар сотилади ва сотиб олинади.

Корхоналар учун кредитдан кенгроқ фойдаланиш имконияти очилади, лекин шу ўринда кредитларнинг устама ҳақи 6-11 фоизга ошишини ҳам таъкидлаб ўтишимиз лозим. Агарда кредитлар ўз вақтида қайтарилмаса, кечиктирилган қарзлардан 25 фоизгача устама ҳақ белгиланади.

Совет иқтисодиётини юқори кўтариш, корхона ва ташкилотлар молиявий аҳволини яхшилаш, халқ турмуш даражасини яхшилашда бозор иқтисодиёти меҳнат ва хўжалик фаолиятини ошириш туфайлигина амалга оширилади. Бу мақсадларга эришиш учун эса баҳо, молия ва кредитдан фойдаланишда эркинлик, иқтисодий жавобгарлик ва рақобат механизмлари яхши ишлаши зарур. Шундагина жамиятимизда бозор иқтисодиёти учун шароит яратилади.

Қосим ЯХЕЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.



ИМПОРТ

Турмушда бирон-бир етишмовчилик доимо учраб туради. Айниқса, ҳозир. Тақчил моллар кўп. Шунда қариндош — уруғ, ёру дўстлар ва қўшниларга мурожат қиласиз. Масалан, қарзга пул, ошга туз, баъзан гугурт ва ҳоказолар олишга тўғри келади.

Давлатлар ўртасида ҳам шундай ҳоллар учрайди. Чет мамлакатлардан зарур маҳсулотларни, молларни олиб келиш импорт деб аталади.

Ўзбекистонга, 1989 йилда четдан 12,32 миллиард сўмлик товар олиб келинган. Шундан 1,7 миллиард сўмлик хориждан келтирилган — импорт товарлардир. Қолгани эса қардош жумҳуриятлар ҳиссасига тўғри келади.

ЭКСПОРТ

Экспорт импортнинг аксинчаси, яъни товарларнинг ташқи бозорда сотиш учун мамлакатдан хорижга чиқарилиши экспорт деб аталади.

Ўзбекистон 1989 йилда жами бўлиб 10,4 миллиард сўмлик маҳсулотни четга сотган.

Шундан 8,96 миллиард сўмлик товар ССЖИда, 1,53 миллиард сўмлик товар эса хориж бозорларида сотилди.

МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИ

Меҳнат унумдорлиги — одамларнинг иш фаолияти натижаси. У маълум вақт бирлиги (соат, ой, йил ва ҳоказо) давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан ўлчанади.

Масалан, икки ўқувчи маълум бир вақт, дейлик, 8 соат пахта терди. Бири — 64 кг, иккинчиси — 128 кг. Бунда, биринчисининг соатлик меҳнат унумдорлиги — 8 кг (64:8=8) ўртоғиники эса 16 кг (128:8=16) бўлади.

Энди, меҳнат унумдорлигининг умумий формуласини чиқарамиз. Бу осон ва таниш.

У қуйидагича бўлади:

$$y = \frac{M}{B}$$

Бу ерда: y — меҳнат унумдорлиги;

M — маҳсулот миқдори; B — сарф қилинган вақт.

Юқоридаги формула ёрдамида хўжаликлар корхона ва

ташкilot бўйича меҳнат унумдорлигини ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун йиллик меҳнат ҳажми ўртача ишловчилар сонига бўлинади.

Мамлакат бўйича меҳнат унумдорлиги олинган миллий даромадни моддий ишлаб чиқариш тармоқларида ишловчилар сонига бўлиш билан аниқланди.

ТАННАРХ

Таннарх — корхона ва ташкилот, хўжаликлар ҳамда юридик шахсларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш учун қилган харажатларининг пулдаги ифодасидир.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинадиган харажатларга: хом ашё, ҳар хил материаллар, ёқилғи, электр энергияси харажатлари киради. Шунингдек, машина-механизмга қилган харажатлари ва ишчиларга берилган маош ҳам таннарх таркибига киради.

Фарҳод РҶЗИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

Меҳнатни халқ баҳолайди

Инсон ва тарих... Унинг бир-бирига нечоғлиқ боғлиқлигини, инсон тарихни яратиши ва тарих инсонни шакллантиришини ҳеч ким инкор қилолмайди. Бизнинг жумҳуриятимизда ҳам ҳаётини муҳим ишларга сарфлайдиган кишилар кам эмас. Саидкарим Зиёдуллаевни ана шундай инсонлар сафига қўшсак хато қилмаган бўламиз. Ўзбекистон ҳаётидаги бир қатор воқеалар, айниқса иқтисодиёт ҳамда илм соҳасидаги янгиликларнинг аксариятини шу кишининг номи билан боғлайдилар. Иқтисод фанлари доктори, профессор, жумҳуриятда хизмат кўрсатган иқтисодчи, Ўзбекистон ССЖ ФА академиги, Ленин, учта «Меҳнат Қизил Байроқ», «Халқлар дўстлиги», «Хурмат Белгиси» ордени ва яна бир қатор мукофотлар соҳиби бугун мухбиримиз саволларига жавоб беради.

— Саидкарим ака, журнал-хонларимизнинг кўпчилиги сизни жумҳурият иқтисодида муносиб ҳисса қўшган инсон сифатида танишади. Шунинг учун ҳам дастлабки илтимосим, ўзингизнинг иқтисодиёт соҳасига кириб келишингиз ва илмий изланишларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Мен 1938 йилда Москвада Коммунал қурилиш институтининг муҳандислик-иқтисод куллийетини имтиёзли диплом билан тугатганман. Олий ўқув юртини тугатган кезларимданоқ Ўзбекистон иқтисоди ва унинг ривожланиш йўллари устида ишлай бошлаганман. Чунки бу мени иқтисодчиликка ундаган асосий масалалардан бири эди. Ягона орзуим ҳам, ниятим ҳам ўзбекларнинг яхши яшашини кўриш эди. Институтни тугатганимдан сўнг 1942 йилдан 1944 йилгача Коммунал хўжалик министрлиги режа-иқтисод бошқармасида, 1944-

1946 йилларда Хоразм вилояти ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари сифатида, кейинчалик Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати вазири вазифаларида ишладим. Ундан кейинги фаолиятим Ўзбекистон ССЖ Давлат режа Қўмитаси ҳамда бир қанча министрлик, бошқармалар иши билан боғлиқ. Ўзбекистон Давлат режа Қўмитасига 1948 йили раис қилиб сайланган. Бу менинг зиммамга ниҳоятда катта масъулиятни юкловчи вазифа эди. Мазкур ташкилот жумҳурият иқтисодиётининг асосий йўналишларини белгилаб берарди. Ваҳоланки шундай экан, аввалгидан 2—3 карра кўпроқ ишлашга, тинимсиз изланишга тўғри келди. Қолаверса, ўша вақтлари анчагина ёш эдим, тажрибам ҳам етарли эмас эди. Мен кўпроқ ҳаётни, иқтисодни ўрганишим зарур эди. Узоқ йиллар тажрибали иқтисодчилар энг яқин ёрдамчиларим бўлганлигини таъкидлашим керак.

— Саидкарим ака, билишимча масъулиятли вазифаларда ишлаганингизга қарамай, илмий изланишларга ҳам вақт ажратгансиз, шундай эмасми?

— Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Изланмасликнинг иложи йўқ эди-да. 1952 йилда Москвадаги Фанлар Академиясига қарашли иқтисод институтида иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация ёқладим. Ишимнинг мавзуи Ўзбекистон саноати тараққиётига бағишланганди. Илм ҳақида гап кетганда мен устозимни тилга олмай иложим йўқ. Бугун дунёга маълум бўлган академик Станислав Струмилин менинг илмий раҳбарим эди. Бу улуғ инсон яқин маслаҳатчим бўлганлар, улардан жуда кўп нарсани ўрганганман.

Илмий ишимни кейинчалик ҳам ривожлантирганман. 1966 йилда Тошкентдаги иқ-

тисод институтида «Ўзбекистон ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг иқтисодий муаммолари» мавзуида докторлик диссертациясини ёқладим. Шу йили Ўзбекистон ССЖ Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси этиб сайландим. 1974 йилда менинг академик бўлишимга ишонч билдиришди. Ҳозир эса хабарингиз бор, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш институтида маслаҳатчи бўлиб ишляпман.

— *Инқилобдан кейинги даврда мамлакатда, жумхурияда бир қанча камчиликларга йўл қўйилди. Бугунги кундаги асосий муаммолар айнан ўша нуқсонлар нагижасида юзага келаяпти назаримда.*

— Тўғри, бугун баъзилар айнан Совет ҳоқимияти туфайли муаммолар кескинлашиб кетганини гапиришяпти. Лекин мен бу фикрга мутлақо қўшилмайман. Совет ҳоқимияти иқтисодни орқага эмас, балки олдинга силжитди. Иқтисодиётимиз бу давр ичида жуда тез суръатлар билан ўсди: Мен бу гапларни 25 йил давомида Режа Қўмитасига бошчилик қилганим ва иқтисодий ишларнинг бошида турганим учун айтаётганим йўқ. Буни оддий инсон сифатида гапираяпман. Келинг, яхшиси ўлкамизнинг ўтмишига бир назар ташлаб кўрайлик-а. Хўш, Ўзбекистон Советлар даврида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини инкор қила оламизми? Инқилобдан олдин бизда асосий саноат тармоғи пахта ва ёғ заводларидангина иборат эди. Ҳозирчи? Ўзбекистонда оғир ва енгил саноат тараққий этаяпти. Машинасозлик саноати вужудга келди. Пахтачиликда механизациядан фойдаланишда Ўзбекистон бошқа мамлакатлардан ҳам ўзиб кетган. Тракторлар, культиваторлар, пахта сеялкалари ҳам асосан Ўзбекистонда ишлаб чиқари-

лади. Бундай техника билан биз Иттифоқимизнинг турли бурчакларини таъминлаймиз. Пахта териш машинаси эса фақатгина Тошкентда чиқарилади.

Электр энергия қувватлари йил сайин ошиб борганидан хабарингиз бор. Тошкент, Сирдарё, Ангрэн ГРЭСлари, Чорвоқ, Фарҳод ГЭСлари ва бошқа бир қанча электростанциялар халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришга ёрдам бераяпти. Илгарилари электр лампочкаси бўлмаган жойда ҳозир йилига 56 миллиард киловатт-соат электр қувватига эга бўлганмиз. Ўзбекистонда рангли металлургия, химия саноати ривожланди. Табиий газ билан таъминлашда ҳам Ўзбекистоннинг ўз ўрни бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, оғир саноат, енгил ва озик-овқат саноати ривожланиб бораёпти.

Тошкент, Бухоро, Андижон ва Нукусдаги тўқимачилик корхоналари бир йилда 500 миллион метр газлама ишлаб чиқарадилар. Марғилон ва Намангандаги шойи газлама комбинатларининг йиллик улуши эса 140 миллион метр газламани ташкил этаяпти.

Лекин халқ хўжалигининг ўсиб бораётганидан кўз юмманган ҳолда, аҳолининг талаблари ўсиб бораётганини ҳам эътиборга олишимиз керак. Бугун халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналар камлик қилаёпти. Камёб моллар сони кундан кунга ортиб бораёпти. Борларининг ҳам сифати талабга жавоб бермайди.

Шунинг учун ҳам айнан истеъмол буюмлари чиқарадиган корхоналарни чет эл фирмалари билан бирга қўшма корхоналар қуришни кенгайтириш керак. Бир нарсани таъкидлаш керакки, Ўзбекистон табиий ресурслар жиҳатидан ниҳоятда бой ўлка. Унинг ер ости бойликларига, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ва ишчи кучига хавас қилса арзийди. Фақат

булардан самарали фойдалана билиш керак. Сиз таъкидлаётган асосий камчиликлар ҳам айнан шу бойликлардан самарали фойдаланмаганлигимизда ва марказий бошқарув усули йиллар давомида ўта мустаҳкамланиб кетганида деб ўйлайман.

— *Саидкарим ака, сиз иқтисодиётимиз муаммолари ва уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида нима дея оласиз?*

— Албатта иқтисодимизда талайгина камчиликлар бор. Назаримда асосий йўқотишимиз саноат ва қишлоқ хўжалиги имкониятларидан тўла фойдаланишга эришолмаганлигимизда. Тўғри, кейинги йилларда бу соҳада жиддий тадбирлар амалга ошириляпти. Асосийси пахта яккаҳоқимлигига барҳам бериляпти. Пахта плани камайтирилиб, бўшаган ерларга сабзавот ва мевалар экиляпти, деҳқонларга томорқа тарзида ер бериляпти. Хўжаликларда ем-хашаклар ажратилляпти. Уй-жой қуриш учун кредит ҳамда қурилиш материалларидан ёрдам қилинаёпти. Ижтимоий турмушни яхшилашга ҳам эътибор берилмоқда. Пенсиялар, кўп болали оналарнинг нафақалари, студентларнинг стипендиялари ошириляпти. Бу тадбирларнинг ҳаммаси фақатгина халқимиз фаровонлиги учун қилинаёпти.

Камчиликлар ҳақида эса узундан узоқ гапириш мумкин. Лекин бугун ўтмишдаги ҳар бир нуқсоннинг нима учун содир этилганлиги ҳақида ўй сураверганимиздан наф йўқ. Менимча, бугун юқоридагига ўхшаш амалий тадбирлар зарур. Нуқсонларни бартараф этиш ўз қўлимизда. Бунинг учун имкониятлар бор. Мен келгусида иқтисодиётни тиклаш ва уни ривожлантириш учун катта ишлар қилинишига ишонаман. Биз, олимлар эса халқи-

мизга қўлимиздан келганча ёрдам берамиз.

— *Айни пайтда бозор иқтисодиёти хусусида кўп баҳслашмаямиз. Айгингчи, бугун бозор муносабатларини жорий қилмай, бошқа бир усул билан иқтисодиётни тиклаш мумкинми?*

— Бизнинг мамлакатимизда ҳозиргача қатъий режалаштириш ва марказий бошқарув усулидан фойдаланиб келинди. Лекин натижа ўзингизга маълум.

Турли саналарга бағишланган зарбдор меҳнат вахталари, сифат ва самардорлик беш йилликлари фақатгина қоғозларни беади. Аслида эса халқ оддий иш билан шуғулланаверди. Корхоналарда хўжасизлик, исрофгарчилик юз бергани, маҳсулотларнинг сифатсиз чиқарилганини ошкор қилишни истамасдик. Ишсизликни ҳам тан олмаганмиз. Узоқ йиллар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун мамлакатда «ясама қўтаринкилик» ҳукм сурганидан кўз юмиб бўлмайди. Бугун эса биз ҳамма нуқсонлар ҳақида очиқ-ойдин гапираямиз. Халқ ўз мулкининг ҳақиқий хўжайини бўлиши керак. Бугун муҳокама қилаётганимиз, бозор иқтисодиёти айнан шунга эришиш учун жорий қилинапти. Меҳнатга қараб даромад олиш, ҳалол ишлаш, жон куйдириб, масъулият ва жавобгарликни ҳис этиш бозор иқтисодиётининг асосий талабларидир. Фикримча, айнан шу усул одамларни тadbиркорликка, ишбилармонликка ундайди. Бозор талаби ниҳоятда жиддий. Халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғи фойда кўриш ва рақобатда ютиб чиқиш учун ҳаракат қилади. Шундай экан, иқтисодиётнинг янгича бошқаруви халқ истеъмоли моллари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг ошишига олиб келади. Ҳамма иш режалаштирилган даражада ташкил қилинса,

халқнинг турмуш фаровонлиги сезиларли даражада ўсади. Хуллас, бугунги шароитда бозор муносабатлари иқтисодиётни тикловчи ягона усул деб ҳисоблайман.

— *Биз узоқ йиллар давомида социалистик усулларнигина тан олиб, капиталистик давлатлар иш тажрибасини «иллат» деб баҳолаб келдик. Лекин бугун айнан шу давлатлардан иш ўрганиб, улар билан ҳамкорлик қилиш зарур деб ҳисоблаямиз. Сиз бу ўзгаришларга қандай муносабатдасиз?*

— Ҳамма мамлакатларнинг иқтисодий равнақи турлича. Биз барча давлатлар фаолиятига бир хил баҳо бермаслигимиз керак. Мен яна бир карра социалистик иш усуллари яхши самара берганини таъкидлаб ўтишим керак. Улкамиз иқтисоди ҳақида гапирсак, 1917 йилда унинг даражаси Афғонистонники билан бир хил эди. Лекин ҳозир ҳар икки мамлакатни таққослаб кўрингчи. Биргина электр қувватидан фойдаланишни олинг. Афғонистонда киши бошига 15—18 киловатт-соат энергия тўғри келса, жумҳуриятимизда 2500 киловатт-соатни ташкил этади. Мен капиталистик давлатлар тажрибасини «иллат» дегувчилар фикрига умуман қўшилмайман. Биз ҳар доим илғор тажрибани ўрганиб келганмиз. Тўғри, уларнинг ҳаммасини, тўлиқлигича қабул қилмаганмиз.

Бошқарув ташкилотларида ишлаб юрган кезларимда чет элларга жуда кўп борганман. Дунёнинг 22 мамлакатига, жумладан, Франция, Америка, Италия, Канада, Миср, Туркия, Ҳиндистонда бўлганман. Бу сафарларнинг аксарияти иш ўрганишга, дўстларимиз билан тажриба алмашишга, иқтисодий бошқарувни такомиллаштиришга бағишланган. 1956 йилда Францияда бўлганимда бу ер-

да кўп қаватли, йирик панелли уйлар қурилиши билан танишиб, мамлакатда 4 та уйсозлик комбинатларини қуриш ва ҳамкорлик қилиш учун контрактлар имзолаб келганимиз ёдимда.

Бугун айнан шундай иқтисодий ҳамкорликка астойдил киришилгани жуда қувончли. Аксарият Ғарб ва Шарқ мамлакатларида биз учун ниҳоятда фойдали бўлган иш усуллари мавжуд. Ўзаро ҳамкорлик бизда кўплаб саноат корхоналари қуриш, илғор техника ва технологияни қўллаш имконини беради. Умуман халқ турмушини яхшилашга ва уларнинг талабини адо этишга қаратилган ҳар қандай тadbирларни фақат қўллаб-қувватлаш керак. Биз бундан албатта ютамиз.

— *Жумҳуриятимиз бозор муносабатларининг дастлабки, тайёргарлик босқичига ўтди. Ҳаммамиз бу иш юзасидан қабул қилинган дастурни қизиқиш билан ўқиб чиққанмиз. Унда минтақа шароити ва маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ҳисобга олинганидан кўз юймаймиз. Лекин, дастурдаги масалалар амалда нечоғлик бажарилар экан?*

— Бозор иқтисодиётига ўтиш дастури жумҳурият Олий Кенгашида қизгин муҳокамалардан сўнг қабул қилинди. Унда минтақа хусусиятлари ҳисобга олинганлиги жуда тўғри. Тўла бозор иқтисодиётига ўтиш ниҳоятда қийин, мураккаб жараён. Унинг самараси авваламбор раҳбар ташкилотларнинг, шунингдек корхона ва хўжаликларнинг ишига боғлиқ. Бунда иқтисодчиларнинг фаолияти айниқса муҳим бўлади. Биласизми, бизда олимлар ҳам, назариялар ҳам жуда кўп. Ўзим илм аҳлига мансуб бўлганим учун фурсатдан фойдаланиб иқтисодчи олимларнинг халққа, ишлаб чиқариш корхоналарига яқинроқ бўлишини тилардим. Менинг фик-

римча улар турли-туман манбалардангина эмас, балки турмушдан сабоқ олишга ўрганишлари керак. Иқтисод институти, илмий муассаса ходимлари завод, фабрика, давлат ва жамоа хўжаликларида тез-тез бўлишлари керак. Ишлаб чиқариш усулларини ўрганиш, ўша жойларда тажриба орттириш уларга жуда қўл келади. Бизнинг ишимиз самараси ўнлаб брошюралар чоп этиш билан бирга амалий ишда кўзга кўринади. Умуман айтганда фан, илм ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим.

Ўрта Осиё ҳудуди Совет Иттифоқининг бошқа минтақаларидан ўзига хос белгилари билан ажралиб туради. Аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши бу ерда талабнинг ошишига ҳам сабаб бўлаяпти. 1959-1989 йилларда ССЖИ халқи ўртача 140 фоизга ўсди. Ўрта Осиё жумҳуриятларидаги ўсиш эса 170 дан 250 фоизгача етган. Шундай экан, минтақамизда озик-овқат, кийим-кечак ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ўсиши ва халқ сонига қараб бошқаларга нисбатан кўпроқ истеъмол қилиниши керак. Ишчи кучи кўпайяпти. Уларни иш билан таъминлаш зарур. Виздаги бугунги шароит бу муаммоларни бартараф этяптими? Мавжуд муаммолар ҳаммамизнинг меҳнатимиз туфайлигина бартараф этилади. Шунинг учун ҳам астойдил интилсак жумҳурият дастури тўла бажарилишига ишончим комил.

— *Яъни муаммоларни бартараф этишда Ўрта Осиё жумҳуриятлари мустақам ҳамкорликка эришишлари керак демоқчисизда?*

— Албатта, Ўрта Осиё халқлари азалдан қондош-жондош. Ёдимда бор, ёшлик пайтларимда бозор кунлари жуда ажойиб бўларди. Бу кун Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа жойлардан минглаб қўйлар, сигирлар бозорга кел-

тириларди. Уларнинг эгалари Тошкентдан ўзларига керакли кийимларни, мева-чеваларни олиб кетишарди. Балки илгари халқимизнинг бағри кенг бўлгани учун ҳам ҳамма нарса етарли бўлгандир. Ҳозирчи? Ҳозир ҳар бир жумҳурият ўз чегарасини ниҳоятда мустақамлаб бир-бирига ҳеч қандай молни ўтказмай қўйишди. Вақоланки, Ўрта Осиёда ҳеч қачон бундай ҳол бўлмаган. 1990 йил июнь ойида Ўрта Осиё жумҳуриятлари раҳбарлари Олма-Отада йиғилиб, ҳамкорлик шартномасини тузганларида ҳаммамиз жуда хурсанд бўлдик. Ўрта Осиё ва Қозоғистон ўлкасида келгусида бозорларимиз ўзларининг аввалги қайноқ ҳолига қайтиши ва ундан ҳам ўсиб, авж олиши керак.

Қолаверса минтақада сув муаммосини ҳал қилиш зарур. Чунки халқларимиз тез ўсаяпти, суғориладиган ерлар иқтисодимизнинг асосидир. Сибирь дарёларининг бир қисми канал ҳуриб бизнинг ҳудудларимизга буриб юборилиши керак. Бу ишда Марказнинг ёрдами ва иштироки зарур. Раҳбариятимиз бугунги сиёсатни давом эттириб, келгусида яна томорқа ерларини кенгайтиришга аҳамият бериши жуда муҳим. Бу халқимизнинг азалий, деҳқончиликка бўлган муҳаббатини урфодатларини ҳисобга олиш бўлади.

— *Саидкарим ака, жумҳуриятимиз иқтисоди ҳақидаги фикрларингиз жуда кўпчиликни қизиқтирганлигига ишончимиз комил. Лекин энди мен бугунги фаолиятингиз ҳақида сўзлаб беришингизни сўрамоқчиман.*

— Мен ҳозир жумҳурият ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш Кенгашида маслаҳатчи бўлиб ишлайман. Шу билан бирга СССР Фанлар Академияси қошидаги Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақаси муаммоларини ўрганувчи

илмий кенгаш раисиман. Мазкур ташкилот кўпдан бери фаолият кўрсатяпти. Кенгаш иқтисодчи олимларнинг ҳамкорликда иш юритишига ва йирик муаммоларни ҳал қилишига ёрдам берапти.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва жумҳуриятлар иқтисодий мустақиллигини таъминлаш муносабати билан иқтисодчи олимлар, фан арбобларининг айнан шу масала билан шуғулланувчи доимий комиссияси ташкил этишни режалаштирганмиз.

Шахсан ўзим ҳақимда айтишим мумкин бўлгани, олимлар кучини бирлаштириб, бир мақсадга йўналтириш, ёш иқтисодчиларни тарбиялаш илгари ҳам, ҳозир ҳам асосий ишимни белгилайди. Илм аҳли ўртасида шогирдларим талайгина. 10 нафар иқтисод фанлари доктори, 75 нафар иқтисод фанлари номзодига илмий раҳбар сифатида озгина бўлса ҳам нафим текканидан хурсандман. Ўзимнинг илмий ишларим асосан жумҳурият иқтисоди, саноатини индустриллаштиришга бағишланган. Бу борадаги ишлар чет эл матбуотида, инглиз, немис, поляк ва араб тилларида нашр этилган.

— *Ёш олимларга тилагингиз қандай?*

— Тилақларимми? Ўқиш, ўрганиш, изланиш ва саломатлик тилайман. Улар чарчаш нималигини билишмасин. Ажойиб, меҳнатсевар халқимиз бор, шунинг учун асосийси халқ ўртасида бўлишсин. Чунки уларнинг асосий иши халқ учун. Қолаверса, иқтисодчи олимларимизнинг ишига баҳо берадиган ҳам халқ.

— *Мулоқотимиз сўнгида биз ҳам худди шу тилақларни сизга билдирмоқчимиз. Бугунги суҳбатингиз учун сизга ҳам катта раҳмат.*

Суҳбатни «Ҳаёт ва иқтисод» журнаlining махсус муҳбири Васида МАДИМАРОВА олиб борди.

Олимлар ҳузурида бир лаҳза


Тасвирли лавҳалар

Маълумки, Ўзбекистон аграр жумҳурият бўлиб, иттифоқдаги енгил саноати ривожланган минтақаларга ҳам ашё етказиб берувчи манбадир. Бунда пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик каби тармоқлар кенг ривож-




лангани туфайли ҳам бу тармоқлар мунтазам малакали кадрлар етказиб берилишини тақозо қилади. Худди шу масъулиятли вазифа Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги институти зиммасидадир.

Институтнинг ташкил топганига 60 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, шу кунгача 40 мингдан зиёд олий маълумотли мутахассислар етиштириб чиқарди. Булар ҳозирги кунда Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида, турли жабҳаларда хизмат қилишмоқда. 40 минг собиқ талабалардан кўпчилиги олим, раҳбар, хўжаликнинг етакчи мутахассисларидир. 40 нафардан зиёди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига эга бўлган қишлоқ хўжалиги ходимларидир. Р. Р. Шредер, И. А. Димо, Л. Д. Бродский, Э. Ф. Поярков ва А. И. Фёдоров каби таниқли олимлар ҳам билим тажрибаларини шу даргоҳда ошириб, шу ерда қобилиятларини кўрсатганлар. ТошҚХИда ҳозирда 11 хил мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади. 46 кафедрада 600 нафар ўқитувчи, жумладан: 36 нафар фан докторлари ва профессорлар, 295 нафар фан номзодлари ва доцентлар сабоқ берадилар. Шулардан 23 киши жумҳурият фахрий унвонларига сазовор бўлишган. Айни пайтда институтда 7 та лингафонли кабинет, 17 та компьютерли синф, 57 та кино-диафильм кўрсатишга мосланган аудитория, 18 та телевизион марказли аудиториялар, 15 та лаборатория ва кутубхонадаги бир миллион нусхадан зиёд китоблар студентларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқда. Шунингдек, назарий билимлар билан бирга амалиётга ҳам катта эътибор берилаётир. Қирқ беш йилдан бери ўз фаолиятини ривожлантириб келаётган талабалар илмий жамиятига қарашли қирқдан



ортиқ тўғарақда тўрт мингга яқин киши шуғулланади. Талабалар Ўртачирчиқ районидан жойлашган институт ихтиёридаги Киров номи ўқув хўжаликда деҳқончилик, ипакчилик, сабзавотчилик, поллизчилик каби соҳалар билан амалий шуғулланиб тажрибаларини бойитмоқдалар. Бу хўжалик ўқув хўжалик бўлишига қарамай рентабеллидир. 1989 йилнинг ўзидан 1,7 миллион сўм соф даромад олингани ҳам толибларнинг ўз касбига меҳр-муҳаббат билан ёндашиб билим олаётганидан, ўрганган билимларини ўрнида қўллай олишларидан далолат беради.

Ҳа, бугунги талаба, эртага ўз касбининг пири, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилувчи, такомиллашган иш юритиш усулини, янгиликни дангал қўлловчи, бир гап билан айтганда ернинг ҳақиқий эгаси бўлиши керак. Мамлакатимиздаги ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити ҳам талабалардан айнан билимдон, тадбиркор, ишбилармон бўлишини талаб қилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан ТошҚХИ жамоасини ўқув тартибини ўзгартиришга, қайта қуришга ундаётир. Боз устига ҳозирги деҳқонлар ҳам анойи эмас. Улар битирувчилардан ижара муносабатлари моҳиятини очиб беришларини, қандай қилиб хирмонни баракалироқ уюб, маҳсулотни сифатлироқ етиштиришларини сўрашади. Ана шундай талаб даражасида мутахассис тайёрлаш учун ҳам, институт илм аҳли қўлларидан келганини аямаётирлар.



Сиз ушбу тасвир лавҳаларда ЎзССЖ халқ ноиб, жумҳурияда хизмат кўрсатган фан арбоби, институт ректори, профессор Эркин Шайхов ва қишлоқ хўжалик иқтисоди кафедраси доцентлари, иқтисод фанлари номзодлари Уткир Нуриддинов, Йўлдош Комилов ҳамда ассистент Жавлон Ёқубовларнинг матруза ўқиш аётган пайтларини кўриб турибсиз.

Гулчеҳра
МИРЗАҲАКИМОВА,
А. ЖДАНОВ
ва А. ВАНШТЕЙН
тасвирлари.

Қадрсизлик нимадан?

ёки пул муомаласи хусусида



Социалистик жамиятда товар-пул муносиблигига риоя қилиш катта аҳамиятга эгадир. Бу муносиблик аҳолининг пул даромадлари билан унинг эҳтиёжини қондириш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматларга асосланган ҳолда пул барқарорлигини таъминлайди. Охириги йилларда шу иккала кўрсаткич ўртасидаги катта аҳамиятга эга бўлган муносиблик бузилиб, аҳоли пул даромадларининг ўсиш даражаси товарлар ишлаб чиқариш ва кўрсатилган хизматлар даражасидан ошиб бормоқда. Шунинг учун ҳам аҳолининг қониқтирилмаган эҳтиёжи кундан кунга ортиб истеъмол бозорида мавжуд аҳволнинг яна кескинлашувига, пул қадрининг тушиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, пул муомаласи режалаштирилади ва К. Маркс очиб берган пул муомаласи қонунига асосан муомалага нақд пуллар чиқарилади. Муомала учун зарур бўлган пуллар миқдори муомалага чиқарилган товарлар баҳоси, кўрсатилган хизматлар ҳажми ва пул оборотининг ўртача тезлигига боғлиқ. Пул муомаласи қонуннинг бузилиши, муомалада товарларга нисбатан пул ҳажмининг кўпайиб кетиши пулнинг қадрсизланишига олиб келади. Худди мана шундай аҳволни мамлакатимиз бошидан кечирмоқда.

Муомалада аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган буюмларнинг йўқлиги ёки уларнинг етарли эмаслиги муомалага чиқарилган пулларнинг аҳоли қўлида қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. 1990 йил май ойида аҳоли даромадлари 247,9 миллиард, аҳолининг харажатлари эса 222,8 миллиард сўмни ташкил қилган ва аҳоли даромадларидан фақат 192,6 миллиард сўмини товар сотиб олишга сарфлаган. 1989 йилда товароборот ҳажми 1988 йилга нисбатан 3 миллиард сўмга кўп бўлган бўлса, 1989 йилда аҳолининг буюмларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилган эмас. Буни қуйидаги рақамлар мисолида кўриш мумкин. 1980 йилда аҳоли даромадларининг 84,7, 1985

йилда 82,7 фоизини товарлар сотиб олишга ва кўрсатилган хизматлар учун тўлашга сарфлаган бўлса, 1989 йилда 77,3 фоизинигина харажат қилган. Шу боисдан кейинги йилларда аҳолининг даромади ва харажати ўртасидаги фарқ ортиб бормоқда. СССР давлат банки ҳисоб-китобига қараганда ҳозирда аҳолининг қондирилмаган эҳтиёжи 165 миллиард сўмга етди. Бундан ташқари тахминан 35-40 миллиард сўм пулни аҳоли бирор бир зарур буюм сотиб олиш мақсадида ўзларида сақлайдилар. Шундай қилиб, аҳолининг умумий қондирилмаган эҳтиёжи 1990 йилнинг ноябрь ойига келиб 200 миллиард сўмдан ошиб кетди. Бу ўз навбатида пул қадрсизланишининг ҳажми кенгайиб бораётганлигидан далолат беради.

Агарда мамлакат аҳолисининг товар сотиб олишга ҳар куни ўртача бир миллиарддан ортиқ пул сарфлашини ҳисобга оладиган бўлсак, иттифоқ оборотида мавжуд бўлган пул миқдори бошқариш мумкин бўлмаган ҳолга келиб қолганлигидан иккиланмаслик мумкин. Бу ҳол фақат товарларнинг камёб бўлиб қолганлиги, чайқовчиликнинг авж олиб кетганлигидан ташқари аҳоли жамғармаларининг кўпайишидан ҳам яққол кўринади. Дейлик, 1988 йилда жамғарма банкларидаги пулларнинг ўсиши 29,2 миллиард сўм бўлган бўлса, 1989 йилда бу ўсиш 41 миллиард сўмни ташкил қилган. 1990 йил 1 октябрь маълумотларига қараганда аҳолининг банкдаги жамғармалари 358,8 миллиард сўмга етган. Бу эса ўтган йилнинг 1 июнда мавжуд бўлган жамғармадан қарийб 45 миллиард сўм кўпдир.

Кейинги йилларда аҳоли пул даромадларининг ўсишига нисбатан товарлар ишлаб чиқариш суръатларининг қолиб кетиши эмиссия (муомалага нақд пуллар чиқариш) миқдорини кўпайтиришга олиб келди. 1989 йил давомида ҳаммаси бўлиб 17,8 миллиард сўм эмиссия қилинган бўлса, 1990 йилнинг биринчи ярмида 10,9 миллиард сўм бўлди. Мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш режасини тасдиқлашда СССР Олий Кенгаши томонидан аҳоли даромадлари ва харажатлари ҳисобланиб, 1990 йил учун эмиссия миқдори 10 миллиард сўм қилиб белгиланган эди. Лекин йилнинг фақат биринчи ярмида муомалага чиқарилган нақд пуллар миқдори бу лимитнинг сарф қилинганлигини кўрсатди. Бу эса ўз навбатида пулнинг сотиб олиш қобилиятини туширади ва қадрсизланиш жараёнини тезлаштиради.

Муомаладаги пул ҳажми кўпайиб боришининг

Шарват Эшонқулова 1979 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатган. Иқтисод фанлари номзоди. Бугунги кунда Тошкент халқ хўжалиги институти молия факультетининг доценти.

асосий сабаблари — бу аҳолининг товарларга бўлган талабаларининг қондирилмаслиги, савдо пештахталарида сифатли буюмларнинг йўқлиги, ва иш ҳақи билан меҳнат унумдорлиги ўртасидаги номуносивликдир.

Сўнги пайтларда иқтисодни қайта қуриш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш мақсадида кўп қонунлар қабул қилинди. Лекин бу қонунлар ҳали қутилган натижани бергани йўқ. Иқтисодни соғломлаштириш ўрнига инқироз кучайиб бормоқда. Агар 1990 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари пасайган бўлса, йилнинг ярмида унга самарадорликнинг тушиб кетиши ҳам қўшилди. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг иш ҳақидан қолиб кетишига, истеъмол бозорида товарларнинг етишмовчилигига олиб келмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, 1990 йилнинг биринчи ярмида 1989 йилнинг шу даврига нисбатан ялпи маҳсулот ҳажми бир фоизга, миллий даромад 2 фоизга, ижтимоий меҳнат унумдорлиги 1,5 фоизга камайди. 1989 йилнинг иш ҳақининг ўсиши 9,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 1990 йилнинг январь-май ойларида бу ўсиш 10 фоиздан ошиб кетди. Бундай аҳвол, албатта пул муомаласининг ёмонлашувига олиб келаётир.

Пул кадрисизланишининг асосий сабабларидан яна бири бюджет камомадининг мавжудлигидир. Давлатимиз 1989 йилни 60 миллиард сўм бюджет камомади билан яқунлаганига қарамай 1990 йилнинг фақат биринчи ярим йиллигига бюджет камомади қарийб 20 миллиард сўмни ташкил қилди. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатимизда молиявий аҳвол ёмонлашиб бормоқда. Саноат корхоналарининг фойдаси 1990 йил январь-май ойларида 63 миллиард сўмни ташкил қилди, бу эса 1989 йилнинг биринчи ярмида олинган фойдадан 3,8 миллиард сўмга кам демакдир. Кўп тармоқларда ишлаб чиқариш режаларининг бажарилмаслиги фойдадан бюджетга тўловларни камайишига олиб келди. Январь-май ойлари давомида бюджетга 55,4 миллиард сўм тўланган, бу режаларнинг 93,7 фоизини ташкил қилади ва 1989 йил шу даврдаги суммадан 2,4 миллиард сўмга камдир. Мавжуд бюджет камомади муомалага нақд пуллар чиқариш йўли билан қопланади. Шунинг учун ҳам ўтган йилнинг шу даврида чиқарилган пуллар миқдоридан 9 фоизга кўдир.

80-йиллардан бошлаб кредит маблағларининг самарадорлигининг тушиб кетиши, давлатимизнинг чет мамлакатларга қарзлари ҳам пул муомаласининг барқарорлигига путур етказмоқда. Мамлакатимизда мустаҳкам пул муомаласини вужудга келтириш, пул барқарорлигини ўрнатиш мақсадида кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан пул ислоҳотини ўтказиш зарурлиги таъкидланмоқда. Пул ислоҳоти ўтказиш тўғрисидаги фикрларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб кўриб чиқиш мумкин.

Биринчи гуруҳ олимларнинг фикрича пул муомаласини мустаҳкамлаш учун муомалага олтин стандартини киритиб 1 грамм олтинни 40-50 сўмга тенглаштириш зарур.

Иккинчи бир гуруҳ иқтисодчилар эса муомалага мавжуд пул белгилари билан бир қаторда, параллел, бошқа бир барқарор валюта чиқарилиши керак деб таъкидлашмоқда. Шунингдек, янги чиқарилиши керак бўлган барқарор валютага халқнинг биринчи эҳтиёжи учун зарур бўлган товарларни сотиш, сўмга эса техник характердаги буюмларни сотиш мақсадга мувофиқ дейишмоқда.

Учинчи гуруҳ олимлар пулни умуман алмаштириш тўғрисида гапиришса, тўртинчи бир гуруҳдагилар минтақа ёки жумҳурият пуллари чиқариш кераклиги тўғрисида ёзмоқдалар.

Юқорида келтирилган ғояларнинг биринчи-учинчи гуруҳларига кирувчилари биз иқтисодчилар учун мамлакатимизда пул ва кредит системаларини ривожланиш босқичлари билан, ўтказилган пул ислоҳотларининг иқтисодий мазмуни бўйича таниш. Масалан, олтин стандартини киритиш, муомалага мавжуд пуллардан ташқари, параллел, бошқа бир барқарор валюта чиқариш ва товарларга икки хил баҳо қўйиш — булар маълум даражада 1922—24 йилларда ўтказилган пул ислоҳотида қўлланилган эди. Муомалага янги пуллар чиқариш ва уларни мавжуд эски пулларга алмаштириш эса 1922—24 йил ва 1947 йилги пул ислоҳотларида амалга оширилган эди.

Тўртинчи гуруҳга кирувчи иқтисодчиларнинг пул ислоҳоти тўғрисидаги фикри бу мамлакатимиз пул системасида қўлланилмаган, янги бир ғоя ҳисобланади. Уларнинг фикрича, пул муомаласини мустаҳкамлаш, минтақаларда истеъмол молларини бошқа минтақаларга оқиб кетишидан ҳимоя қилиш мақсадида ҳар бир жумҳурият ўзининг миллий пулига эга бўлиши керак. Жумҳуриятларда миллий пулларнинг чиқарилиши мамлакат пул-кредит системасининг бирлигига путур етказилади. Ҳар бир минтақа пули учун алоҳида валюта курсини ўрнатиш, товарларга ҳар хил пулларда баҳолаш қўйиш, минтақа корхоналари ўртасида ҳар хил валюталарда ҳисобкитобларни олиб бориш пул муомаласини қийинлаштиради. Натижада мамлакат ички бозорида бирлик йўқолади ва пул оборотини марказлашган ҳолда режали бошқариб туриш мумкин бўлмай қолади. Бундан ташқари миллий валютага эга бўлиш анча харажатларни талаб қилади. Булар валютани чоп қилиш, муомалага чиқариш, муомаладан олиш, бошқа минтақа пулларига маълум бир курс асосида алмаштириш ва бошқалардир. Муомалада ҳар хил пул белгиларининг мавжудлиги, ҳар хил курсларга асосан алмаштирилиши, баҳоларнинг хилма хиллиги аҳоли учун қийинчилик туғдиради. Шунинг учун ҳам жумҳуриятларда миллий пулларнинг чиқарилиши пул муомаласини янада кесинлаштириши мумкин.

Пул ислоҳотини ўтказиш учун маълум асослар бўлиши керак. Булардан асосийлари истеъмол бозорини етарли маҳсулот билан таъминлаш, иқтисодий усуллар билан иш ҳақи ва меҳнат унумдорлигини боғлаш, бюджет камомадини қоплаш даркор. Истеъмол бозорини халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган товарлар билан таъминламасдан туриб пул муомаласини мустаҳкамлашнинг имкони йўқ. Бюджет камомади мавжудлиги, истеъмол бозорида товарларнинг камёблиги шароитида ўтказиладиган пул ислоҳоти бизга кўзланган натижани бермайди, чунки товарлар тақчиллиги шароитида чиқарилган янги пуллар ҳам кадрисизлиб боради ва яна аҳоли қўлида ортиқча пулни ўсишига олиб келади. Шунинг учун ҳам пул кадрисизланишининг олдини олиш учун аввало товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш зарур.

Шарват ЭШОНҚУЛОВА,
иқтисод фанлари
номзоди.

ҲОЛВА ВЕЗАН БИЛАН...

ёки картошка етиштириш соҳасида нима гап?

Кейинги йилларда халқнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини тўлароқ қондириш асосий муаммо бўлиб турибди. Озиқ-овқат муаммосини ифодаловчи кўрсаткичлар жумҳуриятимизда иттифоқ кўрсаткичларига нисбатан анча пастдир. Масалан, Давлат статистика бошқармаси маълумотларига кўра 1989 йилда аҳоли жон бошига истеъмол қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори қуйидагича бўлган (1 кишига килограмм ҳисобида)

110 килограммни ташкил қилмоқда. Тўғри, бу иттифоқдош жумҳуриятларда ҳар бир аҳоли ҳисобига етиштирилаётган гўшт ва гўшт маҳсулотлари миқдори 128—148 килограммни ташкил қилаётганлигини эсдан чиқармаслик керак. Бироқ, ҳар бир иттифоқдош жумҳурият бошқа жумҳуриятлар талабларини эътиборга олмаган ҳолда, ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий қисмини ўз ички талабини қондириш учун қолдирадиган бўлса, бу ҳол жумҳуриятлараро

заворлар етиштирилгани ҳолда, унинг истеъмоли иттифоқ бўйича 41 килограммга, Ўзбекистонда эса 27 килограммга тенгдир. Ҳозирги кунда озиқ-овқат маҳсулотлари тақсимотидан келиб чиққан бундай номутаносиблик жумҳуриятимиз аҳолисining ҳақли эътирозини келтириб чиқармоқда.

Жумҳуриятимиз раҳбарияти озиқ-овқат муаммосини ижобий ҳал этиш бўйича бир қатор ибратли қарорлар қабул қилди. Ҳозирги кунда фуқароларнинг шахсий томорқа хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Тўғри, шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда ижобий рол ўйнашини ҳеч ким инкор этмайди, лекин, уни ягона йўл деб қараш ҳам мумкин эмас.

Озиқ-овқат маҳсулотларидан биз энг кам истеъмол қиладиганимиз-картошка ҳисобланади. Иттифоқда аҳоли жон бошига 98 килограмм картошка истеъмол қилинган ҳолда, бу кўрсаткич бизда 25 килограммга тенг бўлиб, шундан 15,5 килограмми жумҳуриятнинг ўзида етиштирилган картошка ҳисобига тўғри келади. Айрим вилоятларда эса бу рақам янада пастлашгандир. Масалан, Хоразм вилояти бўйича ҳар бир киши ҳисобига 9,7 килограмм картошка етиштирилиб, унинг истеъмол миқдори 15—17 килограммга тенг бўлмоқда. Вилоят аҳолисини шу ернинг ўзида етиштирилган картошка билан ўртача тиббиёт нормасида таъминлаш учун бир йилда камида 58000 тонна картошка етиштирилиши зарур. Кейинги уч йилда етиштирилган картошка миқдори бунинг 5,5—14,6 фоизига тўғри келган. Вилоятда ҳозирги кунда

	ССЖИ	ЎзССЖ
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	67	31
Сут ва сут маҳсулотлари	363	201
Тухум (дона)	268	119
Картошка	98	25
Сабзавот ва полиз	95	95
Мева ва резаворлар	41	27
Нон ва нон маҳсулотлари	129	167

Савол туғилади, бундай салбий ҳолатнинг асосий сабаби нимада? Бизнингча, нотўғри юргизилиб келинган иқтисодий сиёсатда. Ҳар бир иттифоқдош жумҳуриятда чуқур ички ихтисослаштириш амалга оширилиши натижасида, уларни бошқа у ёки бу турдаги тақчил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаби илмий асосланган нормативлар бўйича ўзаро товар алмашиш асосида қондирилиши лозим. Лекин, ана шу принципнинг бузилиши натижасида, аҳоли жон бошига маҳсулот истеъмол қилиш кўрсаткичлари ўртасида бир биридан кескин фарқ қилувчи тафовутлар келиб чиқди. Масалан, Болтиқбўйи жумҳуриятларида аҳоли жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 95—

ихтисослаштириш принципларининг бузилишига олиб келади. Ўзбекистон ССЖда 1988 йилда иттифоқ бўйича етиштирилган пахта толасининг 62,6 фоизи ишлаб чиқарилган. Жумҳурият аҳолисining ҳар бири ҳисобига тўғри келган, етиштирилган пахтадан тўқилган газмол миқдори 238,8 метр квадратни ташкил қилиши зарур эди. Ҳақиқатда эса, бу кўрсаткич иттифоқ бўйича 26,5, ЎзССЖда 25,1 метр квадратга тенг.

Бундай ҳолни келтириб чиқарган асосий ҳолат, барча маҳсулотларни тақсимлашнинг ўта марказлашганлигидир. Шу ерда бир ҳолат киши эътиборини ўзига жалб қилади. Жумҳурият бўйича ҳар бир аҳоли жон бошига 64,4 килограмм мева ва ре-

картошкачиликка ихтисослашган ягона хўжалик мавжуд бўлиб, у Шовот районидаги «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалиги дидир.

Бу хўжалик 1983 йил «Ленинград» жамоа хўжалигидан ажралиб чиқиб ташкил топган. Умумий ер майдони 1740 гектар, шундан 1110 гектари ҳайдаладиган ерлар, 65 гектари сув ҳавзалари ва қўллар, 80 гектари шахсий томорқа ерлари, 62 гектари бошқа хўжаликларга вақтинча фойдаланиш учун берилган ерлардан иборат.

1987—1989 йилларда хўжалик бўйича ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти қиймати 2233,3 минг сўми ташкил қилиб, шундан 1285 минг сўми картошкачиликка тўғри келган. Яъни, жами товар маҳсулоти структурасида картошкачиликнинг салмоғи 57,5 фоизни ташкил қилиб, бу кўрсаткич орқали хўжалик ихтисосини характерлаш мумкин.

Кейинги уч йилда хўжаликдаги экин майдонлари 1155,7 гектар бўлиб, шундан 534,6 гектари картошкка, 13 гектари сабзавот, 70,7 гектари полиз билан банд бўлган. Хўжалик кейинги уч йилдан фақатгина 1988 йилни 5000 сўм фойда билан яқунлаган бўлиб, 1987 йилда кўрган зарарнинг миқдори 424,0 минг сўми, 1989 йилда эса 457 минг сўми ташкил қилган. Олинаётган зарарнинг асосий қисми деҳқончиликдан келмоқда.

Хўжалик бўйича кейинги уч йил маълумотларини иқтисодий таҳлил қилишдан келиб чиқадиган хулоса шуки, хўжалик иқтисодиётини орқага тортаётган энг асосий экин тури — ихтисослашган тармоқ — картошкачиликдир. 1987—1989 йилларда кўрилган зарар ўртача 292 минг сўм бўлиб, жумладан, картошкачиликдан 315 минг сўм миқдорда зарар кўрилиб, унинг 23,0 минг сўми бошқа маҳсулотлар даромади ҳисобига қопланиб келмоқда. Бундай зарар нима ҳисобига келиб чиқмоқда, деган савол туғилиши табиийдир. Бу ҳолнинг қандай содир бўлганлигини хўжалик йилини фойда билан яқунлаган, лекин, картошкачилик зарар келтирган 1988 йил (картошкачилик учун қулайроқ келган) мисолида таҳлил қиламиз.

Хўжаликда шу йили жами 45282 центнер картошкка етиштирилиб, 1987 йилдан қолган ва

сотиб олингани билан жами 70597 центнер картошкка кирим қилинган. Шундан 45663 центнер картошкка сотилиб, бир центнер картошкка таннархи 33,08 сўми, транспорт ва сотиш харажатларини қўшиб ҳисоблаганда 33,68 сўми, шу жумладан, давлат буюртмаси бўйича сотилган 1 центнер картошкка таннархи 34,01 сўми ташкил қилган. Бир центнер картошканинг ўртача сотиш баҳосига эътиборни қаратадиган бўлсак, устамаларсиз 26,39 сўмга, давлат буюртмаси ҳисобига сотилган маҳсулот бўйича 25,69 сўмга, устамаларни қўшиб ҳисобланганда эса хўжалик бўйича 27,26 сўмга, давлат буюртмаси ҳисобига сотилган маҳсулот бўйича 26,61 сўмга тенг бўлган. Яъни, хўжалик ҳар бир центнер картошкани сотишдан, устамаларни қўшиб ҳисоблаганда 6,42 сўм миқдорда, давлат буюртмаси бўйича сотилган картошканинг ҳар бир центнеридан эса 7,42 сўм миқдорда зарар кўрган. Юқоридаги маълумотлардан қандай хулоса келиб чиқади?

Хўжалик қанча кўп картошкка ишлаб чиқариб давлатга сотадиган бўлса, унинг кўрадиган зарари миқдори шунчалик кўпаяди.

Ўзбекистон ССЖ Вазирлик Кенгаши 1990 йил 30 январдаги «Ўзбекистон ССРда 1990—1995 йилларда озиқ-овқат ва уруғлик картошкка ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Хоразм вилоятда озиқ-овқат ва уруғлик картошкка етиштириш миқдорини кескин кўпайтириш тадбирлари ишлаб чиқилган.

1990—1995 йилларда картошкка билан банд экин майдонларини вилоятда 1500 гектардан 2700 гектаргача ёки 1,8 марта, районда 638 гектардан 700 гектаргача ошириш вазифаси белгиланган. Лекин, бу тадбирлар бўйича ишлаб чиқариш кўзда тутилаётган картошкка миқдори ҳақиқатдан йироқ. Чунки, вилоятда энг кўп миқдорда картошкка 1986 йилда етиштирилган бўлиб, унинг миқдори 8472 тоннани ташкил қилган ва 1989 йилда 3165 тоннага тушиб қолган. Демак, белгиланган кўрсатмалар хўжаликлар потенциал имкониятлардан келиб чиқадиган хулоса асосида ишлаб чиқилмаган. Яна бир томони, вилоятда барча картошкка уруғи четдан сотиб олинади. Мутахассисларнинг

фикрича, Хоразм вилояти табиий шароити картошкка уруғи етиштириб бериш учун тўғри келмайди.

Иккинчидан, шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки, 1989 йилда вилоят бўйича 1 центнер картошкка таннархи 84,10 сўми, Шовот районида 63,50 сўми, Урганч районида 83,50 сўми, Хива районида 67,00 сўми ташкил қилди.

Барча устамаларни (асосий табақалаштирилган устамаларни) қўшиб ҳисоблаганда, бир центнер картошканинг ўртача сотиш баҳоси 37,35 сўмга, давлат буюртмаси бўйича сотилган картошканики 37,01 сўмга тенг бўлган. Ҳозирги кунда бир центнер картошкка етиштириш ва сотишга 65,80 сўм сарфлаб, сўнг 35,40 сўмга сотишдан ҳеч бир ишлаб чиқарувчи манфаатдор бўлмаса керак. Табақалаштирилган устамалар ҳам вақтинчалик, хўжаликлар тўла хўжалик ҳисобига ўтса у тўлалигича ўз кучини йўқотади.

Бу муаммоларни ҳал қилишнинг 2 йўли мавжуд: биринчидан — етиштирилган картошкка таннархини арзонлаштириш эвазига, иккинчидан — картошкани сотиш баҳоларини кўтариш ва иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш ҳисобига. Келинг, биринчи йўлни таҳлил қилиб кўрайлик.

«СССР 60 йиллиги» давлат хўжалигида 1987—1989 йилларда бир центнер картошкка етиштириш таннархи мос ҳолда 33,59; 38,82; 47,61 сўмларга тенг бўлган. Маълумки, картошкачиликда таннарх таркибида энг кўп салмоқни уруғ ва кўчат материаллари ташкил қилади. Масалан: 1987 йилда жами харажатлардаги уруғлик салмоғи 44,3 фоизни, 1988 йилда 50,3 фоизни ташкил қилган. 1989 йили эса картошкка уруғи етиштириб берувчи хўжаликларнинг янги шароитларга ўтиб ишлаётганлиги муносабати билан хўжалик бир килограмм картошкани уруғлик учун 40 тийиндан сотиб олди, табиий йўқотишлардан сўнг экин даврига келиб, унинг нархи 60 тийингача чиққан.

Экин даврида тайёрлаб қўйилган уруғ етмай қолган бўлса, ҳозир бир килограммини 80 тийиндан сотиб олишга ҳам мажбурдирлар. Уруғликнинг нархи ошганлигини, ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари, техника сотиб

олиш харид нархларининг 1,5—1,8 марта қимматлашганлигини эътиборга оладиган бўлсак, маҳсулот бирлиги таннархини пасайтириш бўйича айтилаётган гаплар ҳеч бир асосга эга эмаслигига гувоҳ бўламиз. Масалан: 1987—1988 йилларда бир гектарга ўғит солиш нормалари ўзгармай қолгани ҳолда, бир гектар майдондаги картошкага қилинган ўғит харажатлари миқдори 149,88 сўмдан 211,55 сўмгача ёки 1,4 баравар ошган. Асосий фондларни сақлаш харажатлари ҳам гектар ҳисобига 140,88 сўмдан 216,82 сўмгача кўпайган.

Савол туғилиши мумкин, меҳнат ҳақи фондидан самарали фойдаланиш эвазига маҳсулот таннархини пасайтириш мумкинми? Баҳоли қудрат жавоб беришга уриниб кўрамиз.

Ана шу икки йилда (1987—1988) бошқа турдаги харажатларнинг бир центнерга қилинган миқдори 1,3—1,8 ва ундан кўп баравар ортгани ҳолда меҳнат ҳақи харажатлари 6,68 сўмдан 6,42 сўмгача қисқарган. Ҳар бир ишчи соатига тўланган меҳнат ҳақи миқдори эса 1,13 сўмдан 86 тиёнга (1989 йилда эса 75 тиёнг) тушиб қолган. Бундай ҳол тармоқда банд бўлган ходимлар моддий манфаатдорлигини кескин пасайишига ва ижара муносабатлари ривожланишининг қийинлашувига олиб келади. Шунинг учун, агарда, картошка етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар сақланиб қоладиган бўлса, улар иқтисодиётини ўнглашни фақатгина юқорида санаб ўтилган иккинчи йўл билан амалга ошириш мумкин, холос. Чунки, ҳозирги шароитда, ҳар қандай турдаги устамалардан воз кечилиши сабабли картошкага бўлган талабни четдан сотиб олиш эвазига қоплаб, картошкачиликка ихтисослашган хўжаликлар йўналишини ўзгартириш лозим, деган хулоса келиб чиқади.

Лекин, ҳозирги кунда вилоят бўйича камида 58000 тонна картошка керак бўлгани ҳолда, унинг ишлаб чиқарилаётган миқдори 5,0—8,5 минг тоннадан ошмаётганлигини ва четдан давлат савдосига тушаётган картошка ҳажмининг кескин камайганлиги ҳамда келтирилаётганлари ҳам келишилган нархга нисбатан қиммат нархларда сотиб олинаётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, бундай хўжаликларни

йўқотиш тўғрисида эмас, балки, улар сонини кўпайтириш устида бош қотиришга тўғри келади.

Шундай қилиб, картошкачилик тармоғи иқтисодиётини ўнглаш муаммоларини ҳал қилиш йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, давлат буюртмаси бўйича сотиб олинаётган картошкларнинг харид нархлари қайта кўриб чиқилиши лозим. Чунки, ҳозир амалда бўлган (22,00 сўм/центнер) баҳолар, асосан марказий Оврўпа районлари агротехникасида келиб чиқиб ўрнатилган бўлиб, бизнинг иссиқ об-ҳаво ва тупроқ шароитларига мутлақо жавоб бермайди. Чунки, марказий Оврўпа районларида 1 килограмм картошкани етиштириш ва истеъмолчига етказиб беришга 10—12 тиёнг харажат қилингани ҳолда, бу харажатлар бизнинг пахтачиликка ихтисослашган жумҳуриятимизда 30—35 тиёнг атрофида бўлмоқда. Демак, бизнинг минтақа учун картошкани сотиб олиш баҳоларини кўтариш масаласини марказий вазирликлар олдига қўйиш лозим.

Иккинчидан, илмий-тадқиқот институтлари томонидан тавсия қилинган ва ҳозирда қўлланиб келинаётган табақлаштирилган мавсумий харид нархларини қайта кўриб чиқиш лозим. Масалан, жумҳурият учун эртаги картошка етиштириш муддати май ойининг биринчи ярми қилиб белгиланган бўлиб, бу муддат барча вилоятлар учун ягонадир. Лекин, жумҳурият жанубида ва шимолида жойлашган вилоят ва районларда баҳорнинг кириши биридан кескин (20—25 кунга) фарқ қилиши натижасида, жанубда жойлашган вилоятларда (Сурхондарё, Қашқадарё) эртаги картошка экишни февралнинг охири, мартнинг биринчи ўн кунлигида тугатиш имконияти мавжуд. Шимолий вилоятларда (Хоразм ҳам қиради) эса баҳор эрта келган йилларда картошка экишни апрелнинг биринчи ўн кунлигидагина тугатиш мумкин, холос. Натижада, жанубий вилоятларда майнинг иккинчи ярмида эртаги картошка чиқса, шимолий вилоятларда у июннинг охири, июлнинг бошида пишиб етилади. Майда чиққан картошканинг бир килоси харид нархи 80 тиёнгга тенг бўлиб, июнь-июлда чиққаники эса 22 тиёнгга тенг бўлади. Демак, мавсумий баҳоларни ўрнатиш муддатини вилоятлар та-

бий шароитларини эътиборга олиб, қайта кўриб чиқиш ва табақлаштириш лозим.

Учинчидан, жумҳуриятимизда картошка уруғи етиштириш масаласини ҳал қилишнинг ички имкониятлари жуда пастлигини эътиборга олиб, бу муаммони ижобий ҳал қилишга ҳукумат, марказий вазирликлар эътиборини қаратиш керак.

Тўртинчидан, картошка муаммосини ҳал қилишнинг биринчи босқичида хўжаликлар ижара муносабатларига ўтиб ишлаётганлигини ҳисобга олиб, уларнинг иқтисодий мустақиллигини ошириш орқали етиштирилаётган маҳсулотни келишилган баҳоларда (барча давлат тайёрлов ташкилотлари ҳам) сотишни йўлга қўйиш лозим. Бугунги кунда, жумҳуриятимиз четдан картошкани келишилган нархларда сотиб олаётган бир вақтда ички бозоримизда бу нарсага амал қилмаслик ноқонуний ҳолдир.

Бешинчидан, янги ишлаб чиқариш шароитларида хўжаликларнинг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитларига ўтиб ишлаётганлигини эътиборга олиб, уларга ички ташкилий-иқтисодий муаммоларни ўзлари ҳал қилишлари учун хўжалик юритиш, ички ҳисоб-китоб, юридик соҳалардаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтириш асосида бошқаришнинг маъмурий буйруқбозлик услубларини чеклаш лозим.

Юқорида белгиланган тадбирлар мамлакатимиз ва жумҳуриятимиз ҳукуматлари органларида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилса, нур устига нур бўларди. Акс ҳолда, ҳозирги кунда озиқ-овқат муаммосини ижобий ҳал қилиш тўғрисида қанча гапирмайлик, уни ҳал қилишнинг реал имконияти чекланган ҳисобланади. Чунки, картошка етиштиришда хўжаликларнинг моддий манфаатдорлигини таъминламасдан туриб картошка ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкин эмас, яъни, ўзбеклар мақоли билан айтганда «Ҳолва деган билан оғиз чучмайди»?

Эркин ЮСУПОВ,
Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги
иқтисодиёти илмий-тадқиқот
институтини катта илмий ходими,
иқтисод фаюлари номзоди.
Асрор БАҲРИДИНОВ,
институт аспиранти.

Утган беш йилликдаги тажриба шунини кўрсатмоқдаки янги хўжалик юритиш усули ҳали корхоналарнинг илмий-техникавий тараққиётни тезлаштиришга бўлган қизиқишини таъминлагани йўқ. Ақсинча, мавжуд бўлган ускуналарни ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни такомиллаштиришнинг арзимоган йўли билан самара олишга интилиш кузатилмоқда. Бизнингча, ана шундай аҳволнинг юзага келишига сабаб фойдани тақсимлаш қондасига асосланган хўжалик юритиш усулининг такомиллашмаганлигидир.

Маълумки, ҳозирги давргача ишлаб чиқаришни режалаштириш миқдор кўрсаткичларига эришишга йўналтирилган эди. Миқдор кўрсаткичларига асосланган халқ хўжалигини бошқаришнинг ҳамма бўғинларида харажат ва натижаларни бир-бирига қиёслайдиган самаралар кўрсаткичини истисно қилади. Корхоналар ва

— умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ишлар, корхоналар ва тadbирларга давлат бюджетидан маблағ ажратиш;
— илмий-техник тараққиётнинг олдинги сафларида бораётган корхоналарга ёрдам пули ва имтиёзли қарзлар бериш;

— янги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг дастлабки йилларида корхона олаётган даромадга имтиёзли солиқлар белгилаш;

— эски маҳсулот ишлаб чиқарилаётган кам самарали корхоналарга нисбатан солиқларни кўпайтириш каби иқтисодий чоралар қўллаш.

Илмий-техник тараққиётнинг муҳим йўналишлари ўртага қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошираётган ташкилот ва корхоналарга алоҳида рағбатлантириш усули зарур. Бундай ташкилот ва корхоналарга имтиёзли қарз бериш ва даромад солиғи жорий қилишдан ташқари имтиёзли пул ажратиш ва моддий-техника таъминоти, акционерлик жамиятларининг ҳамкорлигида янгилик яратиш, молиявий таъминлаш манбаларини ташкил этиш лозим. Давлатнинг солиқ сиёсат ишлаб чиқарилаётган вақтда қайта жиҳозланган корхоналарга камайтирилган солиқ солиш, янги, замонавий асбоб-ускуналар олганлиги учун эса тўланадиган тўловлардан озод қилиш лозим.

Юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун корхоналарни рағбатлантирувчи тadbирлар ишлаб чиқилиши зарур. Бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг даражаси, сифати ва рақобат бардошига қараб ялпи нархларни ошириш ёки пасайтириш усуллари жорий қилиш яхши самара бериши мумкин. Маҳсулотнинг сифатини ошириш, рақобатни кучайтириш мақсадида йирик корхоналарни майдалаштириш истеъмолчилар талабига мос келади? Фан ва техниканинг охириги ютуқлари билан жиҳозланган унча йирик бўлмаган муассасалар, шу жумладан кооператив корхоналар барпо қилишни амалга ошириш даркор.

Илмий тadbқиёт ишларини олиб боришда янги техникани ўзлаштириш, ихтирочилик ва тажриба-синов корхоналарини қуришга сарф бўладиган харажатларга имтиёзли солиқларни жорий қилиш лозим.

Кичик илмий-tadbқиёт ишларини бажариш, кашфиёт ва ихтиролардан фойдаланиш ва чет мамлакатларга сотиш ҳуқуқини бериш, ҳамда асосий маблағларни тиклашга имтиёзлар бериш зарур. Илмий-техник тараққиётни тезлаштириш борасида фаол иш олиб бораётган корхоналарни рағбатлантириш учун уларга кенг мустақиллик бериш керак. Масалан, иш ҳақи ва хўжалик даромадларидан фойдаланишни тартибга солишдан воз кечиш, халқ истеъмоли молларидан олинладиган муомала солиқларидан озод қилиш, асосий маблағларни тиклаш лозим. Жумҳурият фан ва техника давлат қўмитаси тузилиб, корхоналарни рағбатлантириш учун махсус янгиликлар жорий қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади? Тузилган бюджетдан изланишлар ва конструкторлик ишларига кетган харажатларни қоплаш учун фойдаланиш мумкин бўлар эди. Шунини таъкидлаш керакки, илмий-техника тараққиётининг муҳим йўналишларини рағбатлантириш давлат илмий-техника дастурини шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлиши лозим. Бу нарса кўп қиррали мамлакат илмий-техника тараққиёти дастурини тайёрлаш пайтида инобатга олиниши керак. Худди ана шу босқичда муҳим йўналишдаги ишларни олиб бораётган корхона ва ташкилотларни рағбатлантиришга таъсир қилувчи самарали ва тежамли тadbбирлар танлаб олиниши керак.

Илмий-техник тараққиётни тезлаштиришга иқтисодий таъсир ўтказиш келажакни режалаштиришда хўжалик шароитларини шакллантиришни ҳисобга олиб амалга оширилиши керак.

Закрилла ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎзССЖ Фанлар Академияси қошидаги
иқтисод институтининг катта илмий
ходими, иқтисод фанлари номзоди.

Ютуқлар гарови

илмий техник тараққиётнинг айрим муаммолари

вазирликларнинг миқдор кўрсаткичига иқтисодий тобелиги, уларни ишлаб чиқаришни тезлаштиришга, тежамкорликка, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни янгилашга ва сифатни яхшилашга қизиқтирмайди. Ускуна ва дастгоҳларни янгилаш ва такомиллаштириш имкониятлари бўла туриб, нархларни асоссиз ошириш, маҳсулот турларини қимматлари ҳисобига кўпайтириш ёки алмаштириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бўлмайди.

Социалистик бозорнинг ривожланмаганлиги, ишлаб чиқарувчиларнинг фақат айрим маҳсулотларининг истеъмолга чиқариши, нарх белгилашнинг ўта марказлашганлиги, ялпи савдо ва корхоналар орасидаги алоқанинг тўғри ривожланмаганлиги маҳсулотларнинг техник даражасини ва сифатини оширишга тўқنديлик қилмоқда. Шунинг учун илмий-техник тараққиётни бошқариш ва уни тезлаштириш яқин вақтлар ичида қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни тақозо қилади:

— илмий-техник тараққиётнинг муҳим йўналишларини бошқариш тартибини барпо қилиш;

— дунё бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун корхоналарни ишлаб чиқаришни янгилаш ва ускуналарни такомиллаштиришга рағбатлантирадиган хўжалик юритиш усулини жорий қилиш.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий ривожланишни олдиндан башорат қилувчи бир бутун тартиб йўқ. Корхоналарни илмий-техник тараққиётни тезлаштиришга рағбатлантириш учун иқтисодий-ташқилий, молиявий, қарз бериш, солиқ ва нархларни ўз ичига олувчи кўп қиррали тadbбирларни амалга ошириш зарур. Илмий-техник тараққиётни рағбатлантириш таркибини шакллантиришни молия-қарз бериш сиёсатини ўзгартиришдан бошлаш керак. Бу ерда илмий-техник тараққиётнинг тadbбирларини бажаришда «маблағ қолса бажарамиз» каби баҳоналардан воз кечиш лозим. Илмий-техник тараққиётни тезлаштиришни таъминламайдиган тadbбирларга давлат бюджетидан пул ажратишни тақиқлаш керак. Бу биринчи навбатда марказлашган йирик маблағларга тааллуқлидир?

— Илмий-техник тараққиётни қўллаб-қувватлаш учун қуйидаги молиявий воситалардан фойдаланиш керак:



Ишсизлик муаммоси

ва унинг ечимлари хусусида

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги энг ўткир муаммолардан бири — жумҳуриятимизнинг тез кўпайиб бораётган аҳолисини иш билан таъминлаш муаммосидир. Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг ўсиш суръатлари Иттифоқдаги ўртача суръатдан тахминан 3,2 марта юқори бўлмоқда. Аҳоли сони йилиги 650—700 минг кишига кўпаймоқда. Табиий ўсиш жадал бораётган бир пайтда аҳолини иш билан таъминлаш, барча ҳаётий зарур нарсалар билан, кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар, хуллас тўлақонли ҳаёт фаолияти учун зарурий объектлар билан таъминлашни тасаввур қилиб кўринг-а!

Иш билан банд этиш муаммосининг кескинлашининг сабаблари Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съездида қуйидагича кўрсатиб ўтилди: «Кейинги ўн йилликлар мобайнида иқтисодиётни ривожлантиришда хом ашё ва чала юбориладиган меҳнатни нисбатан камроқ талаб қиладиган хом ашё тармоқлари устун деб ҳисобланади. Натижада ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида енгил саноатнинг улуши кейинги 50 йил ичида 54 фоиздан 37 фоизга, озиқ-овқат саноатининг улуши 44 фоиздан 30 фоизга тушиб қолди. Бунинг ўрнига ёқилғи саноати, химия ва нефть химияси, қора ва рангли металлургия, яъни хом ашё тармоқларининг улуши анча кўпайди.

Бундай тармоқларнинг жадал ривожланиши эса меҳнатга лаёқатли аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш вазифасини ҳал қилмади ва ҳал эта олмас эди».

Жумҳуриятимиз учун «ишсизлик» атамаси фақат бозор иқтисодиётига ўтиш билан туғилган эмас, чунки бундай ҳолат Иттифоқ миқёсида ҳам маъмурий-буйруқбозлик усулининг кенг илдиз отиш натижасидир. Бу усул объектив равишда амал қилиши мумкин бўлган иқтисодий қонунлар фаолиятини бўғиб қўйди. Иқтисодий қонунларда бажарилиши мажбурий бўлган қатъий талаблар бор. Масалан, социалистик жамғариш қонунини олайлик. У биринчидан, қў-

шимча маҳсулотнинг кўпайишини, иккинчидан эса шу асосда иш билан тўла банд этишни талаб этади. Албатта, бу қонун социализмнинг асосий қонуни — халқни моддий ва маънавий, маданий фаровонлигини тўла таъминлашга хизмат қилади ёки бир сўз билан айтганда асосий иқтисодий қонуннинг амалга оширилиши учун воситачилик қилади. Шунингдек, капитализмдан фарқли равишда социализм режали тараққиёт қонуни асосида ривожланади, деб айтиб келганмиз.

Мамлакатимизда кенг илдиз отган маъмурий-буйруқбозлик методи бу қонунлар ҳаракатини сунъий равишда чеклаб қўйди. Бунинг натижаси эса — иқтисодиётимизнинг боши берк кўчага кириб қолиши бўлди.

Биргина ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги ошна-оғайнигарчиликлар ва ишга совуққон муносабатлар жумҳуриятимиз халқ хўжалигининг бир томонлама ривожланиши, экологик вазиятнинг ёмонлашишига, Ўзбекистоннинг хом ашё базасига айланишига сабаб бўлди. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда жумҳуриятда ижтимоий зиддиятга олиб келди. Фарғона, Бўка, Паркент, Уш фожиялари бунинг яққол далилидир. Бу ҳолатлар жумҳуриятимиз аҳолисининг ҳаёт даражаси пастлиги билан ҳам изоҳланади.

Жумҳуриятимизда асосий ишлаб чиқариш кучларининг йирик шаҳарларда тўпланганлиги биринчидан иш билан банд этишни, иккинчидан ўша шаҳарда уй-жой муаммосини келтириб чиқармоқда.

Бозор иқтисодиёти юқори малакали ишчи кучларидан унумли фойдаланишни тақозо этади. Лекин Ўзбекистонда ҳозир энг мураккаб муаммолардан бири — туб аҳолини индустриал соҳага жалб этиш муам-

Шариф Қобилов 1986 йилда Тошкент Давлат Дорилфунунининг фалсафа-иқтисод факультетини тугатган. 1986—1989 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институтида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1990 йилдан шу институтнинг сиёсий иқтисод кафедраси аспиранти.

мосидир. Шу кунгача бизда миллий ишчилар синфи шаклланмаган. Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, бу оғир саноат корхоналарида ишлаётган туб аҳолининг иккинчи даражали участка ва цехларга жалб этилганлигидир. Юқори малакали ўзбек ишчиларнинг сони жуда кам. Бунинг сабаби шуки, ҳозир «турғунлик йиллари» деб аталаётган даврда ёшларни меҳнатга жалб этишда «Қишлоқда яшайсанми, техникани бил!» каби шиорлар, шунингдек касб танлашда ижтимоий чақириқларнинг асосан пахтачилик, маккажўхорикорлик, чорвачилик, савдо ишлари, ижтимоий оқватлиши, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилганлиги бўлди. Ҳисобкитобларга кўра Ўзбекистондаги шаҳарлар аҳолисининг 24 фоизини ўзбеклар ташкил этади. Таққослаш учун қуйидаги рақамларни ҳам келтирмоқчимиз: Украина шаҳарларида украинлар 53 фоизни, Белорусиядаги туб аҳоли эса 49 фоизни ташкил этаркан.

Тошкент шаҳри саноат корхоналарида ўзбек ишчиларининг ҳиссаси озгина фоизни ташкил этади. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида — 21,0, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида — 19,0, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида — 14,0, Тошкент трактор заводида — 18,0, «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмасида — 22,0, лак-бўёқ заводида эса 33,0 фоизни ташкил этади. (Таксанов, «Перестройка и некоторые проблемы развития национальных кадров индустриального рабочего класса», «Фан», 1989). Муштарийларга эслатиб ўтамизки, социалистик қурилишнинг биринчи йилларидаёқ ВКП(б) Марказий Қўмитасининг махсус қарорига биноан миллий жумҳуриятлар саноат корхоналарида иш билан банд бўлганларнинг асосий қисмини туб аҳоли ташкил этиши зарурлиги кўрсатилган.

Кейинги йилларда тўла хўжалик ҳисобига ва ўз ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида кўпгина корхона раҳбарлари маҳаллий аҳолидан кадрлар тайёрлаш ва улардан фойдаланишдан воз кечаяптилар ва мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан малакали кадрларни жалб қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу албатта туб аҳоли ўртасида норозиликнинг кучайишига сабаб бўлган ҳолларга ҳам олиб келди.

Аҳолини саноат корхоналарида меҳнатга жалб этиш учун аввало иқтисодий ва моддий муҳит яратилиши керак. Жумҳурият аҳолисининг ярмидан кўпи кичик шаҳарларда, қишлоқ жойларда яшашини ҳисобга олиб, кичик корхоналар, саноат корхоналари филиаллари ва цехлари ташкил этишни кучайтириш керак. Шунингдек, иш билан таъминлаш муаммолари жумҳуриятимизнинг ўз ишлаб чиқариш потенциали бойликлари ва ресурсларидан эркин фойдаланмаганлигидан ҳам келиб чиққан. Чунки, биздаги асосий корхоналар Иттифоқ миқёсидаги корхоналар бўлиб, ишга қабул қилиш лимити ва бошқа шу каби вазифаларни «Марказ» белгилаб беради. Жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақилликка интилиши халқимизни муносиб ҳаёт кечирishi учун энг аввало ўз ҳудудидаги мулкнинг ҳақиқий соҳибига айлантиришни тақозо этади. Шу ҳолдагина аҳоли мавжуд ресурслар ва бойликлардан оқилона фойдаланиб, уларни кўпайтира олади.

Маълумки, капиталистик тузумда ишлаб чиқариш аввало ўз миллий чегарасидаги аҳолининг эҳтиёжларини қондиради. Қачонки бу эҳтиёжлардан ортиқ-

ча маҳсулот ишлаб чиқарган тақдирдагина корхона бошқа мамлакатларга ўз маҳсулотини реализация қилади. Биз эса то шу кунгача етиштирган хом ашёмизга ҳам, тайёр маҳсулотимизга ҳам эгалик қилолмай келдик.

Нитрон, ацетат, капролантам ишлаб чиқаришга мўлжалланган Янги Қўқон кимё заводи, Чирчиқ, Фарғона, Самарқанд, Навоий кимё корхоналари жумҳуриятдаги экология вазиятини ёмонлаштирибгина қолмай, балки улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар жумҳуриятимиздан ташқарига юборишга мўлжаллангандир. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съездида бу асосий муаммони ҳал этишнинг бош йўли — хом ашё ресурсларини асосан жумҳурият ҳудудида қайта ишлашга эришишдан иборатлиги таъкидланди.

Бозор иқтисодиётига ўтишда иш билан банд этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш ва шу асосда иш кучини нормал такрор ишлаб чиқаришни таъминлаши керак.

Инсон — бу асосий ишлаб чиқарувчи куч. Лекин ҳозиргача унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг маънавий ривожланиши бир ёқда турсин, кўпинча яшаши учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаяпти...

Бозор иқтисодиёти шароитида иш билан банд этиш етарли малакасиз ва билимларсиз рўёбга чиқиши қийин. Кадрлар тайёрлаш учун эса етарли моддий таъминот бўлиши керак. Иттифоқимиз бўйича бу мақсадлар учун (давлат, жамоа хўжаликларисиз) ҳар бир кишига 9 сўм 30 тийин сарфланади. Ўрта Осиё жумҳуриятларида эса бу маблағ атиги 4 сўмга яқин. Эстонияда ҳар кишига 18 сўм сарфланишини ҳисобга олсак, минтақамиздаги муаммоларнинг сабабини тушунгандек бўламиз. Хуллас, бизнинг мамлакатимизда одамларга касб ўргатиш ва малакасини оширишга ажратиладиган харажат миллиард сўмни ташкил этган бир пайтда Американинг ягона «ИВМ» компаниясининг ўзи кадрлар тайёрлаш учун бир йилда 2,5—3 миллиард доллар, яъни СССРга нисбатан деярли 3 баравар кўпроқ маблағ сарфлайди («Экономика и жизнь», 1990, № 36).

Ҳозирги кунда кадрлар тайёрлашда чет эллар тажрибасидан фойдаланиш зарурдир. Масалан, Жанубий Корея рақобатга чидамли, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни «таълим»га сиғиниш туфайли эришганлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки етарли билимларсиз ва малакасиз янги, замонавий техника ва технологияни яратиб бўлмайди. Жумҳуриятимизга келтирилган хорижий техника — технологияларнинг чанг босиб, самара бермасдан ётганлигига сабаб юқори малакали кадрлар тайёрланмаганлигидадир. Америка иқтисодчиларининг маълумотига кўра маҳсулотнинг сифатли, рақобатли бўлишининг 80—85 фоизи техника ва технологияга, 15—20 фоизи иш кучига боғлиқ экан («ЭКО» ойномаси, 1988, № 1).

— *Шундай экан, бозор иқтисодиётига ўтиш кадрлар тайёрлаш усуллари такомиллаштиришни тақозо этади. Шунинг учун кадрлар тайёрлашда бир қатор кечиктириб бўлмайдиган чораларни амалга ошириш керак, булар — таълимни молиялаштириш таркибининг мазмуни ва системасини ўзгартириш ҳамда уни янгиликни жорий этишга мослаштириш;*

— *жумҳурият ҳудудида хунар-техника билим юртларининг ишчи кадрлар тайёрлашда корхоналар билан шартномавий асосда ҳамкор-*

лик қилишига ўтиш, шунингдек вилоят марказларида индустриал касбларга ўргатувчи замонавий моддий-техника базасига эга бўлган ҳунартехника билим юртларини ташкил этиш;

— ҳозирги замон техник даражасида ўзгарувчан ишлаб чиқаришга эга бўлган, бозордаги аҳволни тез эътиборга оладиган ва жумҳурият учун зарур рақобат қобилиятига эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи чоғроқ корхоналарда ишлаш қобилиятига эга бўлган моҳир мутахассислар тайёрлашни уюштириш;

— бунинг учун жумҳуриятимизда ҳам, мамлакатимизнинг етакчи марказларида ҳам, хорижда ҳам кадрларни ўқитишнинг барча имкониятларини ишга солиш лозим. Шу мақсадда жумҳуриятда «Улғубек» жамғармаси тузилди. Бу жамғарма чет тилини билган қобилиятли талабаларни хорижга ўқиш учун юборишни ташкиллаштиради.

Жумҳуриятимизда кўп маблағ сарфламасдан корхоналарни бирмунча ўзгартириб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бозор иқтисодиётига ўтишда ички имкониятлардан фойдаланиш йўларидан бири ҳисобланади. Бу йўл материал ва товар таъминоти молиявий имкониятларини қидириб топиш масаласини бир оз юмшатади. Шунингдек, жумҳуриятимизда уй меҳнатининг кенг қўлланилиши (касаначилик, ҳунармандлик, косибчилик, кулолчилик, этикдўзлик, гиламдўзлик, темирчилик, тандирчилик, новвойлик, ҳозирги кундаги уй боғчасилари, репититорлик ва ҳоказо) бозор иқтисодиёти шароитида ички резервлардан фойдаланишнинг муносиб йўлларида бири ҳисобланади, чунки бу усул қўшимча биволар қурилишни талаб қилмайди, қолаверса маблағни тежашга имкон беради. Ҳозирги шароитда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва аҳоли зич жойлашган вилоятларда кичик корхоналар тармоқларини кенг жорий этиш керак.

Кичик корхоналарни тузиш — иш билан таъминлашнинг самарали йўлидир. Иттифоқимизда кооператив ҳаракатлар тажрибаси (2 йилда бундай корхоналар 200 мингга етиб, уларнинг йиллик маҳсулот реализацияси 40 миллиард сўмни ташкил этди) шунини кўрсатмоқдаки, «кичик бизнес» ни қисқа вақт ичида йўлга қўйиш мумкин. Лекин кичик корхоналарни жумҳуриятимизда ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ўзига хос муаммолари мавжуддир.

Биринчидан, кичик корхоналарни ташкил этишни молиявий жиҳатдан таъминлаш имкониятларининг чекланганлиги, яъни жамғариш ресурсларининг етишмаслиги;

иккинчидан, тузилаётган кичик корхоналар ўз кучи билан юқори самарали технологияни таъминлай олмаслиги маълум. Чунки бу корхоналарнинг кўпи кам ихтисослашган ҳолда, озчиликни талаб этадиган технологияга асосланади;

учинчидан, на жумҳуриятимизда, на мамлакатимизда хавфли капитал ва кредит (буларнинг охир-

ги натижаси қандай самара бериши соҳибкор учун қоронғи, ё синади, ё фойда олади) саноат системасини суғурта қилиш маркази йўқлигидир. Чунки б. масалаларнинг ечилиши кичик корхоналар учун жуда муҳимдир.

Яна бир муаммо бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини юргизувчи тажрибали мутахассисларнинг йўқлигидир.

Бу муаммолар бартараф этилиши зарур бўлган бир пайтда қандай шаклдаги кичик корхоналар қуриш мақсадга мувофиқроқ? Бизнинг фикримизча юқорида айтилганидек кичик корхоналар инфраструктура расини кам маблағ сарфлаб ҳал этиш мумкин. Булар юқоридагиларга қўшимча восита соҳаси, турли хизматлар кўрсатиш соҳаларидир.

Шунингдек, жумҳуриятимизда чет мамлакатлар билан биродарлашган шаҳарлар фаолияти кенг йўлга қўйилган. Бу шаҳарларда акционерлик жамиятларининг марказлари мавжуд. Ҳозир мазкур жамиятлар тажрибасидан фойдаланиш ва шу шаҳарлар капитални жумҳуриятга оқиб келишини татавминлаш фурсати етди. Чет эл капиталига қурилга корхоналар келажагимиз учун кадрлар мактаб бўлади. Чунки мулкни давлат тасарруфидан чиқариш пайтида кичик корхоналар бозор иқтисодиётининг «эпицентри» сифатида майдонга чиқади.

Қишлоқ жойларда ҳозирги кунда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ўткир муаммолигича сақланиб қолмоқда. Шунингдек, аҳолининг тез ўсиб бориши, сув ресурсларининг етишмаслиги экин майдонларини кўпайтириш имкониятларининг чекланганлиги ҳам бир қатор ишларни амалга оширишни талаб этади. Пахта етиштириш ва уни далага сотиш бўйича топшириқлар камайирилиши муносабати билан бўшаётган ерлар шахсий хўжаликларни ривожлантириш учун ажратилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. 1989—1990 йилларда ажратилган 165 минг гектар ерга қўшимча равишда 1991 йилда яна 100 минг гектарга яқин майдон ажратилди. Жумҳурият Президенти Фармонига биноан амалга оширилаётган тадбирлар бир йўла бир неча муҳим муаммоларни ҳал этади. Булар биринчидан, яқин тартибдаги уй-жой қуриш кенгайишига ва уй-жой муаммосини ечишга кўмаклашади. Иккинчидан, деҳқон хўжаликлари кўпаяди, бу эса озиқ-овқат масаласини ҳал этиш демакдир. Қолаверса ўзбек деҳқони қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашда ананавий бой тажрибага эга. Айнан шу йўсинда иш олиб бориш қишлоқ аҳолисининг катта қисmini иш билан таъминлаш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир янги муносабат ўтишнинг ўз муаммо ва ечимлари бор. Бозор иқтисодиёти ана шундай янгича усуллардан бири. Жумҳуриятимизда фақат соғлом кучларни бирлаштириш ва ҳамжиҳатлик асосида иш билан бандликни таъминлабгина қолмай, балки халқимиз турмуш фарвонлигини ҳам яхшилаш мумкин.

Шариф ҚОБИЛО





Дехрибон ака-сингиллар...

Анаголий ВАНШТЕЙН тасвир лавҳаси.

Бутун дунёда рангли ва қора металлларга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Жаҳон миқёсидаги кончилик ишларига бир назар ташлайдиган бўлсак, бу яққол кўзга ташланади. Фойдали қазилма маъданларини қазиб олиш ҳажми ҳар 15-18 йилда икки ҳиссага кўпаймоқда.

Совет Иттифоқида эса бу кўрсаткич 8-10 йилни ташкил этади.

1 тоннадан фойдаланиш 3-5 сўмга тушади. Ваҳоланки, бу тоғ жинсларини экологик жиҳатдан безарар ҳолда «чиқиндихона» да сақлаш ҳам ҳар тоннаси учун 1-2 сўмданга тушади. Ўзингиз кўриб турибсиз, номақбул хўжайинлигимиздан қандай «самара» олаётганимизни! Ваҳоланки, бу чиқиндилардан қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш-

вий муҳандислик тадбирлари киради.

Комплекс тадбирлар икки йўналишда олиб борилади. Булар кон-техникавий ва биологик йўналишлардир.

Кон-техникавий йўналишда «чиқиндихона»ларни текислашдан уни қотириб, яна унумли тупроқлар олиб келиб тўкишгача бўлган ишлар амалга оширилади.

Биологик йўналишда эса тупроқнинг унумдорлигини яхшилашдан тортиб қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги тадбирлари ва сув ҳавзаларини ўзлаштириш каби ишлар бажарилади.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси тўғри бажарилса, кончилик ишлари олиб борилаётган ҳудуд экологик муҳитнинг соғломлашишига олиб келади. Афсуски, экологик фалокат ёқасида турган бир шароитда ҳам рекультивациялашнинг, табиий мувозанатни барқарорлаштиришдаги энг асосий қисмлари жумҳуриятимизнинг ҳеч бир кончилик корхонасида бажарилгани йўқ.

Бугунги кунда бу чиқиндилардан халқ хўжалигида фойдаланиш бўйича илмий-амалий ишлар амалга оширилмоқдаки, бу яхши йўлга қўйилса табиат учун ҳам, халқ хўжалиги учун ҳам фоят фойдали бўлади.

Келинг, олдин конларимиз хусусида қисқача тўхталайлик.

Ўзбекистон ҳудудининг ғарбий қисмида «Ўзбекколтини» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли иккита кон жойлашган бўлиб, тўнғич конлардан ҳисобланади. Улар Маржонбулоқ тоғ-бойитиш комплексига киради ва Маржонбулоқ олтин саралаш фабрикасини хом ашё билан таъминлайди. Бахмал ва Жолатар, Улпатар ва Миҳнодаристон майда конли ҳудудлари қўшимча хом ашё манбаи ҳисобланади. Шунингдек, шимолий Нурота тоғ тизмалари бўйлаб жойлашган Каттаич, Кескан, Темирқобиқ, Соп каби жойлардан сочма ҳолатдаги олтин конлари топилган. Қорақудуқ, Консой, Синтоп каби конлар асосий маъданли майда конлардир.

Маржонбулоқ олтин кони эса жанубий Нурота тизма тоғлари этагида жойлашган. У 1964 йили

Хом ашё тоғлари

*жумҳуриятимиз кончилик саноати
чиқиндиларидан фойдаланиш тўғрисида
баъзи мулоҳазалар*

Миқдор жиҳатидан олганда бу жаҳондаги жами кўрсаткичнинг 30 фоизи, деган гап.

Мамлакатимизда маъданларнинг тўртдан уч қисми очиқ усулда қазиб олинади. (Кучаяётган эҳтиёж эса ўз-ўзидан ишлаб чиқариш ҳажмининг яна ҳам оширилишини талаб қилади). Бу табиийки, тоғ-тоғ бўлиб уюлиб кетадиган тоғ жинслари — чиқиндилар ҳажмининг ҳам ошишига олиб келади. Улар замин бағридаги яралардай йиллаб ётаверади. Ҳозирча шундай. Шу боис ҳам бу чиқиндилардан фойдаланиш муаммоси қурилиш-бинокорлик материаллари камёб бўлган жумҳуриятимиз халқ хўжалиги учун улкан аҳамият касб этади?

Чиқиндилардан фойдаланиш самарадорлигининг қуйи чегараси — бир куб метрни қурилиш хом ашёси сифатида ишлатиш — 1 сўмга тўғри келади. Демак,

нинг имкониятлари чексиз. Аниқроғи, уларнинг учдан икки қисмидан қурилиш хом ашёси сифатида фойдаланиш мумкин. Ҳозирча эса бу кўрсаткич 3-5 фоизни ташкил этапти, холос. Жумҳуриятимиз заминдан чиқарилаётган кон чиқиндилари ҳам шу боис тобора каттароқ жойни эгаллаб борапти.

Булар жумласига Ангрэн кўмир кони ва Олмалик кон-металлургия комбинатининг очиқ усулида ишлайдиган конлари киради. Шунанга манзарани Навоий кон-металлургия комбинатининг очиқ конларида ҳам кузатиш мумкин.

Кон ишларида «ерларни рекультивациялаш» деган ибора бор. Унга фойдали қазилмаси очиқ усулда қазиб олинган, илгари халқ хўжалигида ишлатилиб келинган ерларнинг қайтадан тикланиши учун амалга ошириладиган комплекс кон-техника-

топилиб, 1967-1978 йиллари аниқлаш-геологик қидирув ишлари олиб борилган. Бу кон зонаси мураккаб чўкинди ва вулқон чўкиндилари қатламларидан иборат. Геологик тадқиқот якуни бўйича «кераксиз» тоғ жинслари юқоридан пастга қараб қуйидагича жойлашган:

1. Тупроқ-ўсимлик қатлами (20 см);

2. Жигарранг-кулранг асосий тоғ жинсларидан иборат бўлган лёссли суглинкалар. Умумий қалинлиги бир метрдан 15—20 метргача боради ва ўртача 8 метр-ни ташкил этади;

3. Асосий тоғ жинсларидан иборат, таркибида қатламлашган кўмирсимон-лойсимон филитлар (Ялтироқ юпқа қора-кўкиш пластинкаларга ажралади), сланецлар, қумтошлар ва бошқа баъзи жинслардан тузилган қатлам. Унинг қалинлиги 2—5 метрдан 40 метргача боради.

Лёссли суглинкалар асосан қурилишда, сувоқ ишларида ишлатилади. Ундан ташқари, ғиштнинг ташқи томонларига кўриши, жило беришда қўллаш мумкин?

Кўмирсимон-лойсимон филитлар эса ўзининг ёпишқоқлик хусусияти билан ғишт ва сопол буюмлари тайёрлаш учун қўл келади. Ундан ташқари, қурилиш-бинокорлик материаллари тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Мана шу қатламлар ўйиб олиниб чиқиндихонага ташиб ташланади. Маржонбулоқ очик усулдаги кони ишга тушгандан то шу бугунги кунгача ўтган 10 йил ичида чиқиндихонанинг ҳажми 15262 минг куб метр ёки 34340 минг тоннадан ортиб кетди. Бу чиқиндиларнинг таркибида юқорида тилга олганимиздан ташқари, сланецлар (60 фоиз), алевролитлар (15 фоиз), кўмирсимон сланецлар (13 фоиз) каби халқ хўжалиги учун хом ашё сифатида зарур тоғ жинслари ҳам бор.

Энг ёмони — ўтган давр мобайнида 500 гектардан ортиқроқ энг ҳосилдор ерлар ва яйловлар ушбу кон ҳудудига киритилган. Юқорида тилга олинган очик кон корxonанинг бир бўлими бўлиб ун-

дан ташқари, иккинчи асосий бўлими — Маржонбулоқ олтин саралаш фабрикаси ҳам мавжуд. Бу фабрикада олтин маъданига ишлов бериш технологик жараёнида фойдаланиладиган сувлар қуйқа ҳолида махсус сойга оқади ва катта сунъий чўкиндилар кўлини пайдо қилган. Экологик муаммо бу ерларда ҳам бугун асосий муаммога айланган. Ётган чиқинди тоғларидан қурилиш материали сифатида фойдаланишни кенг йўлга қўйиш бу муаммони ечиш сари бир қадам бўлади.

80-йилларнинг бошларида «Ўзбеколтини» ишлаб чиқариш бирлашмаси, унинг ўша пайтлардаги директори, иқтисод фанлари доктори Аброл Қаҳҳоров жонкуярлиги туфайли «Стром-проект» илмий-текшириш институти кошнкор материаллар тажрибахонаси мудираси, кимё фанлари номзоди Н. Н. Акромова ва илмий ходим Ф. М. Великановалар Маржонбулоқ кони чиқиндиларидан хом ашё сифатида фойдаланиш бўйича бир қатор тадқиқот ишлари олиб бордилар. Маржонбулоқ кони ва Ангрэн олтин конининг чиқиндиларидан оддий ва ғовак кошнкор ғишт тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди. Тажрибалар саноат ишлаб чиқариши шароитида ўтказилди. Олмалик қурилиш материаллари комбинатида ғиштнинг саноат синови ўтказилди. Ғишлар барча кўрсаткичлари бўйича давлат стандартларига (гост 530-80) жавоб беради. Бу ғишт пишк, мустаҳкам, чиройли ишланган бўлиб, ғовакли ва ғоваксиз кўринишда эди. Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ғовакли ғиштни ишлаб чиқаришга жорий этиш йилига 150 минг, ғоваксиз ғишт ишлаб чиқариш эса 100 минг сўм (бу йилига 25 миллион ғишт ишлаб чиқарилганида) самара беради.

Бундан ташқари, тадқиқотлар Маржонбулоқ саноат чиқиндилари деворбоп, кошнкор плиталар тайёрлашда ҳам яхши хом ашё эканлигини кўрсатди. Бироқ, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий катта аҳамиятга эга бу иш ўз ташаббускорларининг тайин



эмаслиги сабабли ўлда-жўлда қолиб кетди. Ва, ҳануз ўз ечимини кутиб ётибди.

Яна бир гап: ўша кон яқинидаги «Маржон» қишлоғи аҳолиси асримиз бошида табиий бўёқларни ёпиқ усулда қовлаб олиб, Самарқанд бозорларига етказиб беришган. Уша вақтда бу кичик конда етарли эҳтиёт чоралари кўрилмагани туфайли, бўёқни қовлаб олувчиларни тоғ жинслари босиб қолади ва ўшандан сўнг бу кон ёпиб қўйилади. Буни айтишдан мақсад, ўша бўёқларни яна мана шу кошнлар, материалларда қўллаш имконияти ҳам қўшимча тадқиқ қилинса...

Бундан ташқари, ССЖИ Вазирлар Кенгашининг 1990 йил 8 августдаги 790-сонли «Кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш ва уларни ривожлантириш чоралари» тўғрисидаги қарорига биноан, Маржонбулоқ олтин қазиб чиқариш кони базасида чиқинди тоғ жинсларидан қурилишбоп материаллар ишлаб чиқарувчи корхона қуриш зарур. Шунингдек, бу кон қошида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган майда корхона ёки цех ҳам ташкил этиш мумкин. Жиззах вилояти халқ депутатлари Совети бу ишларга бош қўшса ёмон бўлмасди.

Умуман эса гап кичик корхона кимники — хусусийми, жамоаникимми ёки давлатники бўлишида эмас. Гап замин бағридаги ярадай катта ҳудудни эгаллаб, атрофни булгаб, айбсиз айбдор бўлиб ётган «чиқинди» — арзон ва ўта фойдали, сифатли қурилиш хом ашёсидан ҳақиқий хўжайинлардек фойдалана билишимизда.

Мирза АБСАЛОМОВ.

Мирза Абсаломов Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтини тугатган. Ҳозирда Тошкент тармоқлараро малака ошириш институтида илмий ходим бўлиб ишламоқда.



УЛГУРЖИ САВДО

Вужудга келаётган янги иқтисодий шароитлар моддий-техника таъминотида ўта марказлаштиришдан воз кечишни, товар-пул муносабатларини асосан шартномалар, буюртмалар, эркин муомала воситалари орқали ташкил этишни талаб этмоқда. Чунки, иқтисодиётимизнинг инқирозга учрашида пул-товар муносабатларининг асосий қисми бўлган моддий-техника таъминоти системасининг ниҳоятда марказлаштирилганлиги ҳам асосий омиллардан бири бўлди. Бундай марказлаштирилган система биринчидан корхона, ташкилотларнинг иқтисодий мустақиллигини йўққа чиқарса, иккинчидан моддий техника қувватларидан хўжасизларча фойдаланишга олиб келади.

Моддий-техника таъминотини такомиллаштириш илғор усулларини, жумладан, тўғридан-тўғри, бевосита иқтисодий алоқалар, улгуржи савдо муносабатларини ўрнатиш билан боғлиқ. Уларнинг афзаллиги шундаки, асосий ишлаб чиқариш звенолари — корхона ва ташкилотлар, давлат ва жамоа хўжаликлари, кооператив ва фермер хўжаликлари ўзларига керакли бўлган моддий-техника қувватларини юқори ташкилотларнинг кўрсатмасига мувофиқ эмас, балки, ўзларининг ҳақиқий талаб ва эҳтиёжлари доирасида шартнома йўли билан олиш имкониятига эга бўладилар.

Моддий-техника воситаларининг улгуржи савдоси ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги эркин савдо-сотик муносабатларидир. У шартнома асосида ёки воситачилар ёрдамида амалга оширилади.

Улгуржи савдо муносабатлари ҳар қандай иқтисодий муносабатлар сингари энг аввало ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солиниши лозим, чунки, улгуржи, савдо муносабатларининг ривожланиши ҳуқуқий асосларининг қай ҳолатдалигига боғлиқ. Бирок, ҳозирга қадар улгуржи савдо ҳуқуқий атама сифатида ўзининг аниқ ифодасига эга эмас.

Кейинги йилларда улгуржи савдо муносабатларини тартибга солишга оид бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда, моддий-техника қувватлари савдосининг мазмуни, унинг турлари, усуллари, улгуржи савдо тартибда моддий-техника маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан тузиладиган шартномалар ва улар шартларини бузганлик учун мулкий жавобгарлик масалалари ўз аксини топган. Ана шундай норматив актлар ичида ССЖИ Вазирлар Кенгаши томонидан 1988 йил 25 июлда қабул қилинган «Ишлаб чиқаришнинг техник мақсадларига мўлжалланган маҳсулотларни етказиб бериш тўғрисида»ги Низом ва ССЖИ Давлат таъминоти қўмитаси томонидан 1986 йил 3 июнда тасдиқланган «Ишлаб чиқаришнинг техника мақсадларига мўлжалланган маҳсулотлар улгуржи савдоси тўғрисида»ги Низом алоҳида аҳамиятга эга. Бу ҳужжатларда улгуржи савдонинг ҳуқуқий жиҳатлари мазмуни қисман очиб берилган. Лекин, бу масалада ҳали қонунчилик органлари ҳам, ҳуқуқшунос, иқтисодчи олимлар ҳам ягона муқобил тўхтамага кела олганлари йўқ. Иккинчи Низомнинг биринчи бандида кўрсатилишича, ишлаб чиқаришнинг техник мақсадларига мўлжалланган маҳсулотлар улгуржи савдоси — моддий-техника таъминотининг бир шакли. Унга кўра, истеъмолчиларни моддий қувватлар билан таъминлаш ҳеч қандай фондларсиз, лимитларсиз истеъмолчиларнинг буюртмалари бўйича ССЖИ Давлат таъминоти қўмитасининг ҳуқуқий органлари билан тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

ССЖИ Вазирлар Кенгашининг 1987 йил 17 июлдаги «Хўжалик юретишнинг янги шароитида моддий-техника таъминоти ва ССЖИ Давлат таъминоти қўмитаси фаолиятини қайта қуриш тўғрисида»ги қарорининг 12-бандида ҳам улгуржи савдонинг янги хўжалик юретиш шароитидан келиб чиқувчи таърифи берилган. Унга кўра, улгуржи савдо истеъмолчиларни лимитларсиз моддий қувватлар билан

таъминлаш усули бўлиб, бу маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ёки моддий-техника таъминоти органлари орқали истеъмолчи ташкилотларнинг буюртмаси бўйича амалга оширилади. Хуллас, юқоридаги ҳужжатларга кўра, улгуржи савдонинг таъминотнинг бошқа усулларидан фарқ қилувчи асосий белгиси — истеъмолчиларнинг ҳеч қандай фонд ва лимитларсиз таъминланиши. Бироқ, улгуржи савдога берилган бу таъриф тўла эмас. Жумладан, унда улгуржи савдонинг бошқа воситачи ташкилотлар орқали амалга оширилиш имконияти кўрсатиб ўтилмаган. Шунингдек, унда моддий-техника қувватларининг фирма магазинлари орқали сотилиш масаласи ҳам очиқ қолган. Фирма магазинлари фаолиятининг иқтисодий мазмуни бир хил. Лекин, бу магазинлар ўзларининг ҳуқуқий ҳолатлари билан бири-бирдан фарқ қилади. Масалан, алоҳида вазирликлар системасида ташкил қилинган магазинларнинг ҳуқуқий ҳолати йирик ташкилотлар, бирлашмаларнинг таркибий қисми сифатида ташкил этилган магазинлар ҳуқуқий ҳолатидан кескин фарқ қилади. Вазирликлар системасида ташкил этиладиган магазинлар мустақил савдо ташкилотлари ҳисобланиб, улар юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланадилар. Улар маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ташкилотлар ўртасидаги воситачи вазифасини бажаради ва фонд, лимитларсиз маҳсулот етказиб беришга оид шартномалар тузади.

Ташкилотлар ва бирлашмалар системасида тузиладиган магазинлар эса шу ташкилотларнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги қонунда шундан келиб чиқиб, корхона ва бирлашмаларнинг ўз таркибидан улгуржи савдонинг амалга оширувчи тегишли бўлинмалар тузиш лозимлиги кўрсатилган, яъни, қонун ташкилот ва корхоналарга ўз маҳсулотларини ўзининг савдо тармоқлари орқали сотиш ҳуқуқини берган. Агарда, савдо-сотиқ бевосита истеъмолчилар билан бўладиган бўлса, бу тўғридан тўғри хўжалик алоқаси ҳисобланади. Лекин, шуни унутмаслик керакки, корхоналар ҳамма вақт ҳам маҳсулотларни фақат ўз магазинлари орқали сотавермайди. Корхона маҳсулотини бошқача усуллар билан сотиш ҳуқуқига ҳам эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни айтиш лозимки, улгуржи савдо тушунчасида унинг ташкилий формаларидан бири сифатида фирма савдоси ўз аксини топиши лозим.

Масалани ўрганиб чиқиш давомида, ишлаб чиқариш воситалари улгуржи савдоси аста-секин совет савдосининг ўзига айланиб қолмасикан, деган ўринли савол туғилади. Совет қомусий луғатида ёзилишича, ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдоси корхоналарнинг йирик партиядоги маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб беришни ўз ичига олувчи совет ички савдосининг бир қисмидир.

Бизнингча, бу масалани ҳал қилишда улгуржи савдонинг ҳозирги вақтда ҳам ишлаб чиқариш режаларини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш воситаси сифатида қолаётганлигидан келиб чиқиш зарур. Ишлаб чиқариш воситалари улгуржи савдоси истеъмол моллари улгуржи савдосидан кескин фарқ қилади.

Ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдосида, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки воситачи корхоналар томонидан истеъмолчиларга бевосита етказиб берилади. Бу эса унинг чакана савдога ўхшамаслигидан далолат беради. Фирма магазинлари учун эса

улгуржи савдо ишлаб чиқариш воситаларининг тўғри маънодаги савдосидан бошқа гап эмас. Лекин, ҳозирча бу савдо турининг халқ хўжалигидаги ҳиссаси жуда кам.

Ҳозирги пайтда улгуржи савдо ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келиши асоси—улгуржи савдо воситасида таъминлашга оид узоқ муддатли шартномалар ва маҳсулотларга бериладиган буюртмалардир. Бу шартномалар асосан моддий-техника таъминоти органлари билан истеъмолчилар ўртасида қўлланилади. Улар асосан ташкилий ҳаракатерга эга бўлади ва буюртма бериш тартибини, таъминотни ташкил этиш ҳамда бошқа ҳолатларни ўзида акс эттиради.

Истеъмолчиларни моддий қувватлар билан таъминлашга оид мулкий муносабатлар буюртмалар асосида вужудга келади. Бу буюртмаларда маҳсулотнинг сони (ҳажми), тури, етказиб бериш муддатлари, сифати ва ҳоказолар кўрсатилади.

Возор иқтисодиёти шароитида маҳсулотларни эркин савдо-сотиқ йўли билан сотиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Лекин, ҳозирги, моддий қувватлар етишмаётган бир пайтда маҳсулотларни эркин савдога чиқариш мақсадга мувофиқ эмас. Моддий қувватлар кўпайган сари, халқ хўжалигининг уларга бўлган эҳтиёжи қондирила боргани сари эркин савдо ҳам кенгай боради.

Улгуржи савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 1990-1991 йилларни ўз ичига олувчи биринчи босқичда улгуржи савдо тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилади ва ҳаёт синовидан ўтказилади. Ҳозирнинг ўзида улгуржи савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликлар яққол кўзга ташланмоқда. Шу сабабли, улгуржи савдо шартнома муносабатлари ўрнатишда намунавий шартномалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи босқичда халқ хўжалигини моддий қувватлар билан таъминлашни улгуржи савдо йўли билан амалга оширишга тўла ўтилади. Бу даврда моддий-техника таъминоти тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш моддий-техник мақсадларга мўлжалланган маҳсулотларнинг улгуржи савдоси тўғрисидаги ССЖИ Қонунини қабул қилиш билан яқунланиши керак. Бу Иттифоқ Қонуни улгуржи савдо муносабатларининг ҳуқуқий асоси бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, улгуржи савдо тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш жараёнининг ҳозирги босқичида улгуржи савдо тўғрисидаги Низомни қуйидаги қўшимчалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўларди:

1. Ишлаб чиқариш воситалари улгуржи савдоси тушунчасига аниқлик киритиш. Улгуржи савдо муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий формаларини ишлаб чиқиш;

2. Улгуржи савдо муносабатларида тўғридан тўғри хўжалик алоқалари, тушунчасини ишлаб чиқиш. Бунда маҳсулотларни реализация қилиш, уни ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида ҳеч қандай лимитларсиз, фондларсиз, шунингдек ҳеч қандай воситачи ташкилотлар штирокисиз амалга оширилиши назарда тутилиши лозим. Ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг фирма магазинлари орқали амалга ошириладиган улгуржи савдо муносабатларини ҳам тўғридан-тўғри хўжалик алоқалари сифатида қараш керак;

3. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўрта-

сида, шунингдек, фирма магазинлари ва махсус воситачилар ўргасидаги улгуржи савдо муносабатларининг ўрнатилиши тартибини ишлаб чиқиш. Бунда асосий восита сифатида эркин олиш-сотиш муносабатлари олинishi керак. Зарур бўлган ҳолатларда маҳсулотларга лимитларсиз буюртмалар қўлланилиши мумкин;

4. Улгуржи савдо—олиш-сотиш, маҳсулотни етказиб бериш йўли билан моддий қувватларни реализация қилишнинг ҳуқуқий жиҳатларини аниқ кўрсатмалар билан тўлдириш. У ёки бу ҳуқуқий усулни танлашда қуйидаги ҳолатлар инобатга олинishi керак: а) шартномани тузиш пайтида унинг предмети (объекти) мавжуд ёки йўқлиги; б) шартномани расмийлаштириш йўллари (буюртмаларни тақдим этиш ёки қувватларни олдиндан бериб қўйилмаган буюртмаларсиз олиш); в) шартномани тузиш ва ижро этиш вақтларининг мувофиқ келиши ёки келмаслиги;

5. Улгуржи савдо шароитида истеъмолчиларнинг турли-туман шартномалар тузиши иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эканлигини ҳисобга олиб, Низомнинг 9-бандида истеъмолчи ташкилотлар таркибига кирувчи ташкилот, бўлинмалар ҳам зарур ҳолларда шартномаларда ҳиссали шерик сифатида иштирок этиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилиши лозим;

6. Улгуржи савдо тартибида таъминлашга оид шартномалар тузилмайдиган ҳолатларда буюртмаларнинг ўзаро келишув асосида ўзгартирилиши мумкинлигини назарда тутиш. Бундай ўзгаришлар киритиш муддатлари олдиндан белгиланган бўлиши керак;

7. Томонларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариши учун жавобгарлигини кучайтириш мақсадида намунавий шартномалардаги мулкий жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларни улгуржи савдо тўғрисидаги Низомга ўтказиш лозим. Шу билан бирга шартнома мажбуриятларининг оғишмай бажарилишида мулкий жавобгарлик тўғрисидаги нормалар муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб Низомнинг мулкий жавобгарлик тўғрисидаги бўлими қуйидаги ҳолатлар билан тўлдирилиши лозим:

а) иттифоқдош жумҳуриятлар Давлат таъминоти қўйимталарига нисбатан уларга бўйсинувчи ташкилотларнинг ўз вазифаларини бажармаганликлари учун жавобгарлик ўрнатиш мақсадга мувофиқ;

б) улгуржи савдо тўғрисидаги Низомнинг 12-бандига биноан, истеъмолчи буюртмасини қабул қилишни асоссиз рад этганлиги учун таъминот ташкилотларининг жарима шаклидаги жавобгарлигини ўрнатиш;

в) моддий-техника таъминоти органларига нисбатан, улар ўзларига юклагилган мажбуриятни бажармаганлиги, яъни, маҳсулотларни марказлаштирилган ҳолда ташиб бермаганлиги учун моддий-жавобгарликнинг ўрнатилиши. Бу жавобгарлик моддий бўлиб, унинг миқдори марказлаштирилган ҳолда етказиб берилмаган ва истеъмолчиларнинг ўзлари томонидан ташиб олиб кетилган маҳсулотлар қийматига боғлиқ бўлади;

г) маҳсулотни етказиб бериш графикларини бузганлиги учун моддий-техника органларининг жавобгарлигини ўрнатиш. Бу жарима ташиб берилмаган маҳсулот қийматининг 8 фоизи миқдорида ўрнатилади;

д) моддий-техника таъминоти ташкилотларининг ишлаб чиқариш характеридаги хизматларни сифатсиз бажарганлиги учун жавобгарлигини ўрнатиш. Бу моддий жавобгарлик сифатсиз бажарилган хизмат қийматининг 5 фоизи миқдорида бўлиши мумкин. Агарда, аниқланган камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса, жарима сифатсиз бажарилган хизмат қийматининг 10 фоизи миқдорида белгиланиши керак;

е) Агарда, моддий қувватлар истеъмолчилар томонидан берилган талабномаларда уларнинг ҳақиқий эҳтиёжларидан ортиқча кўрсатилган бўлса, ҳар бир ана шунақа ҳолат учун 500 сўм миқдорида жарима ўрнатилиши зарур. Бундай қаттиқ жазо истеъмолчиларнинг буюртма тузишга масъулият билан ёндошишларини таъминлайди. Иккинчидан, истеъмолчиларда кераксиз маҳсулотлар тўпланиб қолишининг олди олинади;

8. Худди шундай моддий жавобгарлик истеъмолчилар улардаги маҳсулот захираларининг келишилганга қараганда кўпайгани тўғрисида моддий-техника таъминоти органларига хабар бермаган ҳар бир ҳолат учун ҳам ўрнатилиши лозим;

9. Қарз сифатида олинган маҳсулотни қайтаришни чўзганлиги учун истеъмолчи (қайтарилмаган маҳсулотнинг 8 фоизидан зиёд бўлмаган миқдорда) ҳар бир кечиктирилган кун учун қайтарилмаган маҳсулотнинг бир фоизи миқдорида пена тўлатиш моддий жавобгарлигини ўрнатиш лозим;

10. Маҳсулот ортиб борган автотранспортлар юклари туширилмаслиги оқибатида мунтазам (2 мартадан кўп) равишда бекор туриб қоладиган бўлса моддий-техника таъминоти ҳудудий органлари томонидан маҳсулотларни истеъмолчиларнинг ўзлари ташиб олиб кетиш тартибини ўрнатиш. Моддий-техника таъминоти органлари истеъмолчиларни 10 кун олдин бу ҳақда огоҳлантиришлари лозим. Маҳсулотларни марказлаштирилган ҳолда етказиб бериш истеъмолчилар автомашиналарнинг бўш туриб қолишининг олдини олишга қаратилган аниқ чоралар кўргандан кейингина тикланиши мумкин;

11. Томонлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқишнинг ҳуқуқий тартибини такомиллаштириш. Бу ишни арбитраж органлари бажаради.

Фуркат ШОДМОНОВ,
ЎзССЖ ФА фалсафа ва ҳуқуқ
институтини тадқиқотчиси.

РЕДАКЦИЯДАН: Мақолада халқ хўжалигининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун муҳим шартлардан бири бўлган моддий-техника таъминотини такомиллаштиришга оид қизиқарли фикрлар бор. Муаллиф моддий-техника таъминотининг бевосита алоқалар, хусусан улгуржи савдо йўли билан амалга оширилишини таклиф этапти. Бу корхона ва хўжаликкага ўзларига зарур бўлган моддий-техника қувватларини юқори ташкилотлар кўрсатмасига мувофиқ эмас, балки, ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фонд, лимитларсиз олиш имконини беради. Бу эса муаллиф фикрича, янги жорий этилаётган иқтисодий муносабатлар талабларига ҳам мосдир.

Шубҳасизки, моддий-техника воситалари таъминоти маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим омил. Шу боис, бу—жуда муҳим муаммо ҳусусида мутахассислар ва бу соҳага қизиқувчи, манфаатдор кишилар—журналхонларимиз ўз фикрлари билан ойномамиз саҳифалари орқали ўртоқлашадилар, деб умид қиламиз.

...Кечагидай эсимда, 1988 йилда Ўзбекистон телевидениеси томонидан намойиш қилинган «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» кўрсатувида муаллиф муҳим бир фактни келтирди:

«Ҳинд иқтисодчиларининг маълумотларига кўра, дунёнинг етти мўъжизаларидан бири бўлган Тож Маҳал мақбараси ҳозирги кунда Ҳиндистондаги Агра ва Лоҳур шаҳарлари харажати маблағ билан қоплар экан. Бу деган сўз, Тож Маҳал мақбарасидан тушган маблағ ҳисобига мана шу икки улкан шаҳар аҳолиси яшайди». Албатта, муаллиф мазкур фактни келтирганда, батамом, ҳақ эди. Ушанда, биздаги тарихий обидалар тақдири хусусида, куюнчақлик билан кўп фикрлар айтилганди, ижобий хулосалар келтирилганди. Мен ҳам бузун шу борада фикр билдирмоқчиман.

Маълумки, Ўзбекистон Урта Осиёда тарихий обидалар, маданий ёдгорликларга бой жумҳуриятдир. Қадимий Хива ва Бухоро, Кўҳна Самарқанд ва бошқа шаҳарларимиздаги тарихий ёдгорликлар бу фикримнинг далили бўла олади. Бу жойларга ҳар йили турли мамлакатлардан юз минглаб сайёҳлар гуруҳи ташрифи буюришади. Равшанки, бунинг натижасида неча миллион сўм маблағ иттифоқ хазинасига тушади. Бу маблағлар иттифоқимиздаги барча жумҳурият ва мухтор жумҳуриятлар ҳиссасига тенг тақсимланади. Бу улуш

дан ҳаттоки, Камчатка ва тайгаликлар ҳам бенасибу бебахра қолишмайди. Жумҳуриятимиз ҳиссасига мазкур маблағнинг ўндан бир улуши тўғри келади, десам, муболага бўлмас...

Бу ҳол, нафақат иқтисодчили, оддий касб эгасини ҳам ўйлантириб қўяди. Қизиқ, нима учун бу обидалар тақдирини марказ ҳал қилиши керак? Масалан, Тошкендаги Кўкалдош мадрасасини таъмирлаш хануз «отанга бор, онанга бор» қабилда саргардон. Хўш, таъмирлашни қайси ташилот ҳал қилади? Қизиқ, бу тарихий ёдгорлик ортидан тушган барча маблағ Иттифоқ бюджетига ўтсаю, таъмирлаш учун маблағ ажратиш амри маҳол бўлса! Қани бу ерда мантиқ? Буларнинг ҳаммаси амалда жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил эмаслигидан далолат беради.

Аёнки, тарихий ёдгорликлар Ўзбекистон сарҳадида жойлашган, унга хизмат қилувчи ходимлар ҳам шу жумҳуриятимиз фуқароларидир. Шундай экан, бу борадаги бошқарувчи ҳам иттифоқ ихтиёрига эмас, жумҳурият ихтиёрига ўтказилса, адолатли ишлар бўлар эди. Тушган маблағлар ҳисобига, жумҳуриятимизнинг бошқа харажатлари қопланса, мантиққа тўғрироқ бўлади, деб ўйлайман. Чунки бузундаги иқтисодий танглик пайтида, «ўзимизга енг бўлолмаган, ўзгага эн» бўла олмаймизку!

1990 йилнинг декабрида бўлиб ўтган ССЖИ Депутатларининг IV съездида сўзга чиққан РСФСР Президенти Б. Н. Ельцин фикрича, Россия шунча йил мобайнида мамлакатимиздаги бошқа жумҳуриятлар халқларини, фақат едириб-ичиргангина эмас, боқиб келгани учун ҳам, ўзи ҳозир ғариб аҳволга тушиб қолганмиш.

Ушбу фикрни мен ҳам айтганман. Фақат Россия мисолида эмас, жумҳуриятимиз мисолида. Аминманки, тожикистонлик ҳамкасбим ёки грузин ҳамкасбим ҳам бундай мулоҳазани ўз жумҳурият мисолида такрорлайди. Аммо, бу борада ўртоқ Б. Н. Ельцин ҳақми, менми ёки қардош ҳамкасбларим ҳақмилар — унга фақатгина биздан ханузгача сир тутилган статистик маълумотларини жавоб бера олади. Шу ваддан, ҳар бир жумҳурият том маънода мустақил бўлмас экан, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан, бошқарувдаги тўлақонли мустақилликка эришмас экан бу хил мунозара ва тортишувларнинг охири бўлмайди.

Ўзбекистон ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасида марказдан эмас, ўзини ўзи бошқарса, бузунги кундаги иқтисодий тангликнинг олдини олишнинг асосий омил бўлади, деб ҳисоблайман. Зеро, иқтисодий сиёсий томондан эркин ва мустақил бўлмаган жамият, омонат жамиятдир.

Юлдуз ДҲСМАТОВА,
ТошМИ хизматчиси.



Ассалому-алайкум «Ҳаёт ва иқтисод» журнали редакцияси ходимлари!

Сизларга шуни мамнуният билан айтмоқчиманки, журналнингизда босилган мақолаларнинг аксариятида ҳаётимизнинг бузунги кунни тўғри ёритилаётгани мени қувонтирмақда. Бунинг учун сизларга раҳмат.

Айниқса журналнинг 5-

сонидан босилган «Иқтисод ва жамият» рубрикасидаги «Хўжасизлик иллатидан қутилайлик», «Иқтисод ва тарих» рубрикаси остидаги Файзулла Хўжаевнинг «Бухоро халқ республикасининг иқтисодий аҳволи» ва шунингдек, Мукаррама Нурматованинг «Меҳнатсиз даромад» мақолалари менда жуда катта таассурот қолдирди. Шу мавзулар яна

давом эттирилса. Редакцияга таклифим шуки, журналда қуруқ гаплар камроқ айтилса, янги рубрикалар кўпайтириб борилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Сизларни бундан кейинги ишларингизга омад тилаб, доимий мухлисингиз.

Лола А.ЛАМОВА,
Қарши Давлат педагогика институтини IV курс толибаси.



ёки гўшт етиштириш муаммоси

Иқтисодий ва ижтимоий қайта қуриш кундалик ишимизга тобора кўпроқ сингиб бораётир. У ҳаётимизнинг барча томонларини қамраб олаётган, колхоз ва давлат хўжалиги ишлаб чиқаришининг бутун фаолиятида муҳим ўрин эгаллаётган ҳозирги даврда бу ишни қандай қилиб тўла амалга ошириш лозимлиги тўғрисидаги муаммолар ва қийинчиликлар олдимизда кўндаланг бўлиб турибди.

Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ҳажми ўн биринчи беш йилликдагига нисбатан 13 фоиз кўпайди, чорвачилик маҳсулотлари эса

24 фоиз ортди. Интенсив технологиялар кенг жорий этилмоқда, меҳнатни ташкил этишнинг янги усулларини қўлланиш чорвачиликдан олинадиган фойдани ошириш ва зарар кўриб ишлайдиган фермалар сонини анча камайтириш имконини бермоқда.

Жиззах районидаги «Москва» колхози донг таратган хўжаликлардан бири эди. Кейинги вақтда бу колхоз анча камқувват бўлиб, фермаси ҳам жуда «ўтириб» қолди. Сабаб?!

Бундан 5 йил аввал бу хўжаликдаги қорамоллар зоти ёмонлашди. Наслдор сигирлар

деярли қолмади. Соғиладиган сигирлар каммаҳсул бўлиб қолди. Бу фермадаги сигирларнинг кўпчилиги кунига 2-3 литрдан сут берар эди. Колхоз фермасининг йилига ҳар бир сигирдан топширадиган сути 1700 литрдан ошмай қолди. Оқибатда сут етиштириш режаси 50 фоиздан озгина ошди, холос. Хўш, нега бундай бўлди? Бу чорвага эътиборнинг камайиб кетиш оқибати эди. Масалан, вазни 130-140 килограмм бўлган гунажинларни чатиштиришга қўйилди. Улардан олинадиган бузоқларнинг вазни эса 11 килограммдан ошмасди. Шу билан бирга вояга тўла етмас-

дан чатиштирилган «чала» сигирлар ёлчитиб сут бермас ва насл олишга ҳам ярама.

Бу ерда биринчи галда молларнинг наслини яхшилаш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Колхоз мутахассислари бу муаммони ечиш учун Закарпатъ ва Ужгороддаги учта давлат хўжалигидан ҳар бири 18 ойлик бўлган, вазни 300-350 килограмм келадиган 250 швед зотли ғунажинларни олиб келишди. Улар тез орада сигир бўлиб етишди. 1989 йили бу сигирларнинг ҳар биридан 2462 литрдан сут соғиб олинди. Ҳозирги вақтда эса кунига уларнинг ҳар биридан 17-18 литрдан сут соғиб олинмоқда.

Колхоз ҳар 100 сигир ҳисобига режадаги 70 ўрнига 75 тадан бузоқ олди. Ҳозир фермада 467 соғиладиган сигир бор. Улар 16 оилавий пудратчига бўлиб берилган. Пудратчи оила бошлиқларидан бири Вали Раҳматов 52 ёшда. У ёшлигидан чорвадор бўлган. Унинг оиласи 45 сигир ва 80 ғунажинни баҳоли қудрат парвариш қилапти. Қизи Саноат Раҳматова район Кенгашининг депутаты. У ўз қарамоғидаги 25 сигирнинг ҳар биридан 3000 килограммдан ортиқ сут соғиб олди. Вали аканинг турмуш ўртоғи Гулнисо Раҳматова Қаҳрамон она — 10 фарзанднинг онаси. У ҳозир йигирмата сигирни соғайди. Бу оила 1989 йил якуни бўйича ўн минг сўм даромад қилди. Ферма бўйича юқори кўрсаткичга эришган бу оилага навбатсиз «Москвич» автомашинаси берилди.

Шунингдек, Мансур Бурхонов ва Бўрибой Қаршибоевлар бошлиқ пудратчи оилалар ўша йили 7-8 минг сўмдан даромад олишди. Ҳозир колхозда қорамоллар сони 1415 тага етди. 8 минг 242 қўй ва 1578 товуқ бор. Хўжаликда сут, гўшт, тухум ва жун тайёрлаш режалари ортиги билан бажарилмапти. Лекин, давлатга қоракўл тери топшириши 1989 йилдагидан 260 та кам

бўлиб қолди. Ҳар бир қоракўл терининг нархи 24 сўм.

Бу кўрсаткичлар ўз-ўзидан қўлга киритилдими? Йўқ, албатта! Сўнгги йилларнинг натижаларини таққосласак, масала ойдин бўлади. Колхоз чорвадан 1987 йилда 225 минг сўм, 1988 йилда 380 минг сўм зарар кўрган эди. 1989 йилда 225 минг сўм, ўтган йили эса 300 минг сўмга яқин фойда олди.

Бундай ютуққа эришиш учун асосан учта масалага эътибор бериш лозим. Биринчидан, молларнинг зоти яхши бўлса, у кўп сут беради. Ундан яхши насл олинади. Гўшт ҳам мўл бўлади, Иккинчидан, чорвачиликдан яхшигина маҳсулот олиш учун мустаҳкам озуқа базасига эга бўлиш керак. Озуқа мўл бўлса, моллар семириб, дуруст натижага эришиш имконияти яратилади. Учинчидан, меҳнатни ташкил этишининг янги шакллари жорий этилиши лозим. Илғор технологиядан унумли фойдаланиш керак. Илғор, интенсив технология деганда ҳамма нарсани ўз вақтида, меъёрида, ишнинг кўзини билган ҳолда бажариш керак, деган маъно тушунилади. Мана шу усулда тежамкорлик ҳам бўлади. Меҳнатнинг янги шаклларини қўлланишга чорвада ишловчи одамларнинг шароити ва уларнинг манфатдорлиги ҳам киради.

Кўп жойларда бўлганидек, Паркент районида ҳам бир неча йиллардан бери чорвадан зарар кўриб келинади. Лекин, кейинги вақтларда чорвачиликдан фойда олган хўжаликлар ҳам бўлди. Улардан бири «Коммуна» давлат хўжалигидир. Хўжалик фермасида 1203 бош қорамол, шу жумладан 372 сигир бор. Нисбатан яхши, деб ҳисобланган 1987 йил маълумотида кўра, хўжалик бўйича 1031 тонна ёки йиллик топшириқдагидан 61 тонна кўп сут соғиб олинган. Ҳар бир соғин сигир ҳисобига олинган сут ўртача 2 минг 473 килограммни таш-



кил қилган. Режадаги 175 тонна ўрнига 237 тонна гўшт тайёрланган. Чорвачиликдан 81 минг сўм фойда олинган. Коммуналиклар бу кўрсаткичга молларнинг зотини яхшилаш ва мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш сабабли эришдилар. Келгусидаги ютуқларнинг омили ҳам асосан мана шулар бўлади.

Хўжаликда ем-хашак етиштирувчи махсус бригада ташкил этилган. Унга Ориф Турдибоев раҳбарлик қилади. Бригадада 6 киши, жумладан уч механизатор ишлайди. Улар 550 гектар ерда беда етиштиришади. Бу майдонларнинг 130 гектари суғориладиган, қолганлари лалми ерлардир. Мазкур ерларда қишлоқ учун 2 минг 200 тонна беда пичани тайёрланди. Бундан ташқари, 300 минг тонна табиий ўт пичани, 300 тонна похол, 900 тонна сенаж, 1600 тонна силос, 730 тонна хашаки лавлаги жамғарилди. Жами 4280 тонна хашак



ёки ҳар бир мол ҳисобига 17,7 озуқа бирлиги ғамланди. Булар у қадар кўп бўлмасида ҳар ҳолда ижобий ўзгаришдир. Техникадан самарали фойдаланиш ҳисобига бедалар одатдаги 3 марта ўрнига 4-5 марта ўриб олинди. Аввалги йиллардаги қараганда 1130 тонна кўп хашак тайёрланди. Сифатига алоҳида эътибор берилди. Масалан, қўшни «Ленинбод» давлат хўжалигида сенаж ҳандағига похол майдаланган табиий ўтлар билан жойланмоқда. Бу озуқалар хилини кўпайтирибгина эмас, балки уларни яхшилаш имконини беради. Қишда бу озуқаларни майдалаш шарт эмас. У тўғридан-тўғри молларга берилаверади. Ана шу тажрибани «Коммуна» давлат хўжалиги чорвадорлари ҳам қўллашди. Хўжаликда бир килограмм дағал озуқанинг таннарни 2,5 тийинга тўғри келди. Бу аввалги йилдагидан камдир. Район агрохимлабораторияси анализларига кўра тайёрланган маҳсулотларнинг асосий қисми 1 ва 2 классларга қабул қилинди.

Хоразм вилоятининг Янгибозор районидаги «Москва» колхозини чорвадорлари 1986 йилда сут етиштиришни 62, гўшт тайёрлашни 63, тухум тайёрлашни 42 фоиз бажаришди. Колхозда чорвачиликка бўлган харажат ундан олинган даромадга нисбатан 85 минг 830 сўм кўп бўлди. «Нима қилиш керак, деган савол олдимизда кўндаланг бўлиб қолди, — дейди колхоз раиси Тўлабой Искандаров биз билан қилган суҳбатда, — ҳамма нарса ҳақида ўйлаб кўриб, гап инсон омилига келиб тўхтади. Биринчи галда чорвадорлар учун яхши шароит яратиш кераклиги ҳақида ўйлай бошладик. Чорва фермаси колхоз марказидан 6 километр узоқликда жойлашган. Фермага борадиган йўл ёзда тупроқ, қишда лой бўлади. Ҳаммасидан олдин мана шу кўча асфальт қилин-

ди. Ферманинг ўзида чорвадорлар уйи ташкил этилди. Хўжалик марказидан фермага чорвадорларни олиб борадиган махсус автобус тайинладик. Фермадаги иш звено пудратига тўла кўчирилди. Натижада сут миқдори анча кўпайди. Гўштга топшириладиган молнинг вазни 57 килограммга ортди. 1987 йилнинг 1 кварталда колхоз олдинги йилнинг шу давригадигига нисбатан давлатга 16 тонна кўп сут, 7,5 минг дона кўп тухум топширди. Чорвачиликда меҳнат қилаётган кишиларнинг эса манфаатдорлиги ортди».

Ғалаба районидаги Калинин номли давлат хўжалигида чорвачилик яқин-яқингача зарар келтирувчи тармоқ ҳисобланарди. Хўжалик раҳбар-

лари, мутахассислари чорвачиликни ривожлантириш, ундан фойда кўриш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Фермада ишни янгича ташкил этишга алоҳида эътибор берилди. Чорвадорларнинг тақлифи билан ферма пудратга ўтказилди. Қисқа вақт ичида бу тармоқда сезиларли ўзгаришлар бўлди. Илгари зарар келтирган ферма фойда бера бошлади». — Бизнинг иш усулимиз жуда оддий, — деб ҳикоя қилади давлат хўжалиги директори Турсунхўжа Искандаров. — Масалан, фермада соғин сигирларни, бўрдоқига боқиладиган молларни ва туғруқхона бўлимидаги сигирларни алоҳида-алоҳида звеноларнинг аъзолари парвариш қилишмоқда. Бизда ҳам звено, ҳам оила пудрати

Режалар катта, аммо...

Ўтаётган ҳар бир кун бизни бозор иқтисодиёти сари яқинлаштирмоқда. Хўш, биз қоракўлчилар туб иқтисодий ислохотга тайёرمизми? Ишлаб чиқарётган маҳсулотларимиз бозор иқтисоди таалабларига жавоб берадими? Хўжалик раҳбари сифатида мени шу сингари саволлар қийнайди. Чунки, қайта қуриш, ошкоралик деймизу, ҳали иқтисодий мустақиллик нима, билмаймиз. Ҳамон давлат режаси, топшириғи деган нисбий тушунча буйруқбозлик асосида ишлаяпмиз. Давлат режаси қандай белгиланган, у нимага асосланади, жиддий эътибор бермаймиз. Билганимиз: «зиммага олин-

ган режа ва мажбуриятларни удалаш, беш йилликларни муваффақиятли якунлаш»!

Келинг, яхшиси, бу фикрларни ўзим бошқарётган хўжалик мисолида бафуржа таҳлил этайлик. Давлат хўжалигимиз Томди районидаги энг йирик хўжаликлардан ҳисобланади. Унинг 130 га яқин отарида 75457 бош қўй-эчки бор. Шунинг 53229 нафари маҳсулдор совлиқлардир. Жорий йилда хўжалигимиз бўйича ҳар юз совлиқдан 95 ўрнига 98 тадан қўзи олдик, 27105 эртанги, наслдор қўзиларни ўстиришга қолдирдик. Давлатга эса 25047 қоракўл тери, кўп-лаб ширдон (қўзи қорин-

часи) сотдик. Агар, ҳар икки қирқимдан тола сифатида олинган жуни ҳам қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, йилни, қарийб, 1 миллион сўм соф даромад билан якунлаяпмиз. Афсуски, қилинган харажатлар олдиде бу фойда ҳеч нарса эмас. Чунки, илгари ҳар килограмми атиги 12 тийин бўлган омхта ем баҳоси бугун — 21 тийин. Енилги, қурилиш материаллари хусусида ҳам худди шу фикрни билдириш мумкин. Шундай экан, Қизилқум шароитида қандай қилиб иқтисодий юксалишга ёки юқори рентабелликка эришиш мумкин?

Шу аҳволга қарамай, қайси йўл билан бўлмасин давлат режаларини бажаришга масъулмиз. Мана, чорва қишлови даври ўтди ҳисоб. Аммо, отарлар омбори аллақачон шин-шийдан бўлган эди. На омхта ем бор, на ширали дағал хашак мўл эди. Шу аҳволда бир бало қилиб жамоат чорвасини қишдан олиб чиқдик. Утган йили чорва озуқаси жамғариш йиллик режа-

асосида иш юритилмоқда. Меҳнатни ташкил этишнинг оила пудрати усулида ишлаган Юнусбековлар оиласининг йиллик иш натижаларига назар ташлайлик.

Шартномага кўра Қурбон Юнусбеков, унинг хотини Марям Юнусбекова ва жияни Жумабой Умурзоқов — уч кишига йил бошида 14 соғилардан (янгилар туққан) сигир ва 56 бўғоз сигир бикитилди. Хўжалик шартномада кўрсатилганидек, пудратчиларни бино, белгиланган рацион бўйича озуқа, техника билан таъминлади. Молларга ветеринария хизмати кўрсатиш, маданий-маиший хизматни ҳам хўжалик ўз зиммасига олди. Оила аъзолари молларни боқиш ва ўстириш бўйича барча ишлар комплексини мута-

хассислар томонидан тавсия этилган технология асосида, иш жойида санитария-гигиена қоидаларига амал қилган ҳолда олиб бордилар. Дастлабки кунларданок, улар ишни оқилона ташкил этишга ҳаракат қилишди. Ўзларига ажратилган маблағни тежаб-тергаб сарфлашди. Бажарилаётган ишларнинг сифати, миқдори ҳам ўзлари назорат қилиб боришди. Барча мажбуриятларни тўлиқ бажарган оила аъзоларининг ҳар бири бир ойда сут етиштириш учун 39 сўм, молларнинг суткалик нормал семирганлиги учун 222 сўм, соғлом олинган бузоқ учун 38 сўмдан — жами 299 сўмдан аванс маош олиб боришди. Йил охирида пудратчи оила аъзоларининг иши сарҳисоб қилинди. Улар 45

тоннадан ортиқ сут соғиб олдилар. 286 соғлом бузоқни хўжаликка топширишди. Молларнинг йил давомида 11,7 тонна семириши таъминланди. Шундай қилиб, ишнинг пировард натижасига кўра, оила аъзолари 14 минг 749 сўм қўшимча даромад қилишди. Ҳар бир кишининг ўртача ойлик маоши 410 сўмданга тўғри келди.

Янгича ишлаш туфайли хўжаликда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кескин кўпайди. Масалан, бир йилда давлатга режадаги 690 тонна ўрнига 757 тонна сут сотилди. Ҳар бир сигирдан 2300



си бажарилмади. Бу аҳвол биргина бизнинг хўжаликка эмас, балки, Томдидаги ҳамма хўжаликларга хос. Ахир, чўл ва ярим чўл зонасидан биз қандай қилиб 7 — 7,5 минг тонна (бу фақат бир хўжалик учун) табиий ўт-ўлан тўплайлик. Томдибулоқда, ҳатто, баҳорда ҳам мол оғзи тўлиб кўк кўрмайдю, лекин, осмондан олиб, қавойи хашак режаси қўйилади. Ана шу режани деб ёзининг саратон кезларида ўн-ўн беш машинамиз, 30-40 нафар ишчиларимиз бўёғи Жиззах, бўёғи Урта чўл, бўёғи Қорақалпоғистон — зир югуришади. Не-не машаққатлар эвазига келтирилган қуруқ дўннинг (яхши, ширали чорва озуқасини ҳеч ким бермайди) ҳар тоннаси бизга, қарийб минг сўмга тушаверади. Бунинг устига сарф бўлган ёнилги, ишдан чиққан техника, йўқолган иш кунларини айтмайсизми? Бунинг устига ҳалигача давлат хўжалигимиздаги аксарият отарлар молига сув машиналар ёр-

дамида ташиб берилади. Бу ҳам кони зарар.

Хуллас, бозор иқтисодиётига ўтгизилгани, бизга иқтисодий мустақиллик ниҳоятда зарур. Қачонки, эркинлик, мустақиллик бўлсагина биз ўз ишлаб чиқарган қорақўл тери, жун, ширдонни хоҳлаган жойга шартнома асосида сотиш ҳуқуқига эга бўламиз. Ана ўшанда виллоятнинг ёки жумҳуриятнинг чорва озуқаси етиштиришга иқтисолашган бирор бир хўжалиги билан қатъий ҳамкорлик қила оламиз, у бизга ем-хашак беради, биз эса чорвачилик маҳсулотли. Ушанда хашак излаб, харажатга ботиб юрмаймиз. Бозор иқтисодиёти иқтисодий бақувватликни талаб қилади, дедик. Бизни иқтисодий заифликка олиб келган яна бир муаммо — гўшт режасининг катталигидир. Ҳар йили давлатга 1050 — 1060 тонна гўшт сотамиз. Бу хўжаликнинг 12-15 отар моли йўқ бўлади, дегани. Агар гўшт режаси камайса, шубҳасиз, икки йилдаёқ хўжаликда 100 минг бош

мол бўлиши ҳеч гап эмас. Қўйларнинг икки-уч қорин тугмаёқ гўштга сўйилиб кетиши ишнинг белига тепмоқда. Борди-ю, иқтисодий мустақилликка эришсак, гўшт, тери, жун, ширдон харид нархи устида ҳам сал тортишиб, сўнг сотардик. Чунки, биз давлатга сотаётган чорва маҳсулотлари нархи ниҳоятда паст. Бундай бўлгач, хўжалик иқтисодиёти қандай ўнгансин, чўпон-чўлиқ турмуш тарзи қандай яхшилансин? Дангал айтиш мумкин. Қўйчивоиларимиз ҳалол меҳнат қилади, йил ўн икки ой мол ортидан юришади-ю, йил сар ҳисобида, пировард натижада қўли пул кўрмайди. Шу боис, кўп ишларимиз чўпонликка асло розилик беришмайди.

Давлат хўжалигимиздаги яна бир ечим талаб муаммо — ишсизлик. Агар, иқтисодий мустақилликка эришсак, иқтисодий тангликдан қутулсак, шубҳасиз, «Оёққудук» қўргонидан енгил саноат корхоналари филиаллари, қандолатчи-

лик, тикувчилик цехлари очардик. Ёшт заводи қурадик. Бу юзлаб минглаб ёшлар ишли бўлади, дегани. Яна бир ачинарли томони, биз ҳар йили ҳаммом, клуб, маиший хизмат уйи, янги мактаб, магазин қурилишини мўлжаллаймизу амалга оширолмаймиз. Мазкур қурилишлар лойиҳаси тайёр бўлсада, у ёки бу сабабни рўқач қилиб режага киритишмайди. Бу ҳам юқорида, қайд этганимиздек иқтисодий мустақилликнинг йўқлигидан эмасми!

Хуллас, бутун, ҳозирча чорвадор амалий гамхўрликдан нарида. Улар савдо, тиббий хизматга ёлчишмайди, ўтовларида ёзда сув, қишда кўмир йўқ.

Чорвадорга эътибор бериш пайти аллақачон етган, йўқса, қозонингиз ҳали-бери гўшт кўрмайди, устингиз бут бўлмайди.

О. ДОСПАНБЕТОВ,
Томди районидagi
«Оёққудук» давлат
хўжалигининг
директори.

килограмм ўрнига 2525 килограммдан сут соғиб олинди. Молларнинг ўртача суткалик семириши 434 граммни ташкил этди. Бу нормадагидан 150 грамм ортиқдир. Энг муҳими чорвачилик хўжалик учун зарарли тармоқдан, фойдали соҳага айланди. Бир йилда 76 минг сўм соф фойда олинди. Албатта, бу фан ютуқлари асосида наслни яхшилаш, озуқани кўпайтириш ва инсон омилига эътиборни кучайтириш самараси бўлди. Фермада чорвадорлар уйи бор. Унда аёллар учун алоҳида дам олиш хонаси, тиббий ёрдам кўрсатиш пункти мавжуд. Хўжалик касаба уюшмасининг қарори билан чорвадорлар ошхонасидаги овқатларнинг нархи 50 фоиз арзонлаштирилган. Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни қишлоқ участка врачлари фермага келиб, кишиларнинг саломатлигидан хабар олади, тегишли маслаҳат ва ёрдамни беради. Махсус физиотерапия хонаси ва ҳаммом қурилган.

Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда ёрдамчи хўжаликларнинг ҳам аҳамияти катта. Косонсой районидаги «Дўстлик» давлат хўжалигининг Абдусаттор Шарипов бошлиқ бригадаси пахтакорлари дала шийпонидан сағал наридаги унчалик катта бўлмаган, типовой қурилган биналарда 14 қорамол (шу жумладан, 4 соғин сигир), 144 қўй ва 150 га яқин товуқ боқишмоқда.

Бригада ёрдамчи хўжалигининг тарихи 1979 йилдан, жамоага олтига нимжон қўйни хўжалик томонидан берилган пайтдан бошланган. Бригада аъзолари уларни, илгаригидек гўшт учун сўйишмади, аксинча насл олиш учун қолдирдилар. Дала шийпони яқинида сақлаб парвариш қила бошлашди. Бир йилдан сўнг қўйлар сони икки барабар кўпайди. Бригада аъзолари 5 минг сўм (ҳар бир киши 100 сўмдан) тўплашди ва бу пулга яна 30 қўй сотиб олиш-

ди. 1984 йилда эса тўртта сигир сотиб олишди. Ҳашар йўли билан кичик ферма қурилди. Ёрдамчи хўжаликдаги ишлар яхши изга туша бошлади. Кираверишдан чап томондаги бостирмада иккита буқа боқилмоқда. Уларнинг тепасига осилган тахтага ҳар бирининг ёши ва вазни ёзиб қўйилган: биттасининг вазни 800 килограмм, иккинчисиники 650. Тўртта сигирнинг ҳар бири 500 килограммдан. Ғунажинлар ва насл учун боқилаётган бузоқлар ҳамда бўрдоқига боқилаётган новвослар учун ҳам алоҳида жой ажратилган. Қулай охурлар қурилган. Бу ем-хашакни тежам билан сарфлаш имконини беради. «П» шаклида қурилган бино ва бостирмалар қўйлар учун мўлжалланган. Чорва моллари сони йил сайин кўпаймоқда ва янгиланмоқда.

— Барча қўйларимиз ҳисори зотидан. Гўшт учун сўйиладиган ҳар бир қўчқор 55-60 кило тош босади. Бригадада бир йил мобайнида йигирма бешта қўй сўйилмоқда. Молнинг қачон сўйилишини 7 кишидан иборат бригада кенгаши ҳал қилади. Товуқхонани сал нарироққа қурганмиз, — дейди Абдусаттор ака. — Ёзда ўтоқ пайтида юлинган барча ўтлар тўғри даладан фермага олиб келинади. Вазифа — молларни бригаданинг ўз имкониятлари ҳисобига боқиш. Бу камлик қилади, албатта. Хўжалик билан келишган ҳолда озуқа етиштириш учун ҳар йили даламизнинг бир четидан 10 гектарга яқин ер ажратамиз. У ерларга озуқабоп экинлар экамиз.

Бригада ҳар йили лалми ерлардан арпа учун уч гектар, силосбоп маккажўхори учун 4 гектар ер ажратади. Бундан ташқари доимо уч гектарда беда ўстирилади. Бўш қолган ерларга хашаки лавлаги экилади. Қиш даврида озуқа цеҳи ёрдамчи хўжаликнинг марказий участкаси ҳисобланади. Бу ерда хашак майдалаш

учун «КДУ-ИГК» агрегати ўрнатилган. Тайёрланган озуқа омихта қилиб, охурларга тарқатилади.

Чорвачиликда юқори кўрсаткичларга эришиш учун муайян билим, маҳоратга эга бўлган кишилар керак. Бригадада бундай кадрлар бор. Абдусамат Ёқубов ва унинг умр йўлдоши Замира бу молларни оилавий пудрат асосида парвариш қилишади. Уларга фарзандлари мактабдан бўш вақтларида кўмаклашадилар.

Зарур миқдордаги озуқани жамғаришга бу оила қандай улгуради, деган савол туғилади. Бунда бригада пахтакорларининг ёрдами катта роль ўйнайди. Озуқа экинларини экиш ва ўриб-йиғиб олиш пайтида бригаданинг барча аъзолари (48 киши) ёрдамчи хўжалик чорвадорларига беминнат кўмаклашадилар. Ҳамма ўзи учун ишлаётганлигини билади. Бригаданинг ёрдамчи хўжалиги даромади бир йилда 10 минг сўмдан зиёдни ташкил этади. Тушган пул омихта ем сотиб, олишга сарфланади. Ёрдамчи хўжалик шу бригада аъзоларини гўшт, сут билан таъминлашдан ташқари, давлат хўжалигидаги 120 ўринли «Нилуфар» болалар боғчасини оталиққа олган. Уларга гўшт, сут, тухум етказиб беради. Бригада аъзолари озуқа жамғаришда қатнашганлиги учун тушликда бепул овқатланадилар.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг зарур омилларидан бири хўжаликнинг ўзида мўл ем-хашак етиштиришдир. Бу соҳада Самарқанд вилояти Иштихон районидаги «Меҳнат-роҳат» колхозида бой тажриба тўпланган. Илгарилари бу хўжаликда бедалар уч марта ўрилар, ҳосилдорлик 100-120 центнердан ошмас эди. Ҳозир колхоздаги жами бедазорлар 19 ижарачига бўлиб берилган. Айниқса, Мирқосим Қувватов, Дағар Толипов, Абдувоҳид Аҳмедов, Луқмон Очилов, Синдор Пардаев,

Эргаш Йўлдошев сингари ижарачилар бедани интенсив технология асосида яхши парваришлаб, 6-7 марта ўриб, гектаридан 200-220 центнердан беда пичани тайёрлашмоқда. Колхоз бош иқтисодчиси Даминжон Ҳайдаров қайд этган рақамлар диққатимизни тортди. 1989 йили колхозда уч юз олти тонна ўрнига 848 тонна беда пичани тайёрланган. Топшириқ 277 фоиз бажарилган. Ҳосилдорлик эса гектар ҳисобига ўртача 200 центнерданга етди. Ваҳоланки, 1986 йилда ҳар гектар майдондан бор-йўғи 137 центнердан ҳосил олинган эди.

Яна бир қизиқарли далил. Уч йил муқаддам бир центнер беда пичанининг таннарихи 4 сўм 32 тийинни ташкил этган бўлса, бултур бу кўрсаткич 2 сўм 54 тийинга тўғри келди, яъни 1 сўм, 78 тийинга арзонлашди. Оқибатда ҳар гектар бедазордан 806 сўм даромад олинди.

— Бироқ ҳали бедачиликда муаммолар кўп, — дейди Иштихон район деҳқончилик


саноати уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Муҳитхон Сайдовутов. — Бизда ҳанузгача беда экиладиган сеялкалар йўқ, мослаштирилганларидан фойдаланаяпмиз. Натижада ҳар гектар ерга 12 кило ўрнига 20 килограммдан уруғ сепилмоқда. Устига-устак мавжуд техниканинг сифати ҳам қаноатлантормайди.

Ҳозир «Меҳнат-роҳат» колхозида алмашлаб экишнинг 7:3 схемаси эмас, балки, 6:1:3 схемаси қўлланилмоқда, яъни пахта-беда ўрнига, пахта — буғдой — беда усули амал қилаяпти. Бу чорва озуқасини купайтириш, ерни соғломлаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Шуни айтиш жоизки, озуқа экинларига ҳанузгача иккинчи даражали деб қараб келинмоқда. Беда ва бошқа озуқа экинлари фақат алмашлаб экиш учун ёки чет ҳамда қолди-қутти жойларга экиб келинади. Озуқа экинларини жойлаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Озиқовқат дастурида белгиланган 1 миллион 118 минг гектар

ерга озуқа экинлари экишни таъминлаш керак. Бусиз чорвачиликни янада ривожлантиришни тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар бир вилоят ва районда озуқа экинлари етиштиришни тартибга солиш лозим. Ҳар бир хўжалик бўйича экинларни жойлаштириш майдонларини қараб чиқиб, озуқа етиштириш имкониятларини юзага чиқариш, беда экишни кўпайтириш ва озуқа экинлари умумий майдони ҳажмига нисбатан 70-75 фоизини беда ташкил этишига эришиш лозим. Чунки, энди жамоат ва шахсий секторни тўла таъминлаш мақсадида озуқа экинлари майдонини янада кўпайтириш зарур бўлади. Ана шу йўл билан биз чорвачилигимизни янада ривожлантираемиз. Бу эса озиқовқат дастурини ҳал этишнинг муҳим омилдир.

Йўлдош МАНСУРОВ,
Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги
вазирлиги фан ютуқлари ва илғор
тажрибаларни жорий этиш ҳамда
тарғиб қилиш бошқармаси
етакчи мутахассиси.



ТАДБИРКОРЛИК



ёки Тovoқсой маиший кимё ишлаб чиқариш бирлашмасининг бугунги кун

Жумҳурият маҳаллий саноати Вазирлигига қарашли Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ районидан жойлашган Тovoқсой маиший кимё ишлаб чиқариш бирлашмасини мазкур саноатнинг энг олди корхоналаридан дейиш мушкул. Зеро, бу баҳо бирлашма ишлаб

чиқараётган маҳсулотларни харидорлар назаридан четда деганимиз эмас. Маълумки, маҳаллий саноат Вазирлиги учта вазифани бажаради, булар: маҳаллий хом ашёдан, ўзга вазирликларга, ташкилотларга қарашли корхоналар чиқиндиларидан маҳсу-

лотлар ишлаб чиқариш, минтақадаги аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини фойдали жамоат ишларига сафарбар қилиш. Агар бирлашма юқорида айтилган вазифалардан дастлабки иккитасига ихтисослашмаган бўлсада, учинчиси устидаги иш жиддий

олиб борилмоқда. Кейинги икки-уч йил мобайнида 200 киши ишга қабул қилинди. Ишчилар сафининг бунчалар тез ўсишига тўқимачилик ишлаб чиқаришни бир сменаликдан икки сменаликка ўтказилиши фойда берди. Мазкур бирлашмада — Товоқсойнинг ўзидан ва унга яқин қишлоқлардан келувчи жами 800 (асосан) аёллар меҳнат қилишади.

Бирлашманинг номи муштарийларимизни таажублантормасин. У фақатгина мойбўёк, гуашли ва сир бўёк, антифриз, тормоз суюқлигини ишлаб чиқармай, балки тўқимачилик маҳсулотларини ҳам истеъмолчиларга етказиб беради. Бирлашманинг йиллик ишлаб чиқарган маҳсулоти ҳозирда 17 миллион сўмни ташкил этади. Бу, албатта, жуда катта маблағ. Ўтган йили бирлашма ўз маҳсулотларидан 3,7 миллион сўм соф фойда олди.

Бирлашманинг ўзи



ҳам жуда салобатли кўринишга эга. Асосий бинолардаги дам олиш ва ризқхоналарга эга кенг, ёруғ цехлар, турли даволаш ускуналари ўрнатилган соғломлаштириш пункти, шаҳар ошхоналар трести ҳавас қилса арзигудек каттагина ошхона ишчилар хизмати-

да. (Бундай манзарани кўриб, Тovoқсой маҳаллий саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси салкам йигирма йил аввал ўз фаолиятини эски, қоронғу хоналарда бошлаганлигига ишониш қийин). Бирлашмада гиламчаларнинг эскизи чизиладиган бадий лаборатория мавжуд. Ҳозирда темирдан хом ашё ва тайёр маҳсулотни сақлаш учун 400 квадрат метрли омборхоналар қурилмоқда.

Товоқсойда, Искандар ва Чорвоқда бирлашманинг филиаллари ишлаб турибди. Мазкур филиалларнинг ишга туширилиши ўша посёлкалардаги аҳолини иш билан таъминлаш имконини беради. Бирлашма ўз кулчилик заводини қуриш нияти ҳам бор. Бунга имконият ҳам керакли хом ашё ҳам етарли.

Энди ютуқларни бир чеккага қўйиб, муаммоларга навбат берсак ҳам бўларди. Ҳозирги кунда бирлашма ишлаб чиқараётган маҳсулотлар на-



фақат Ўзбекистон, балки қардош Украина, Белоруссия, РСФСЖ, Озарбайжон каби жумҳуриятлар аҳолисининг талабини қондирмоқда. Шу сабаб товоқсойликлар маҳсулотларини янада кўпайтиришлари мумкин эди, лекин ўша миқдорда ҳам ашё олган тақдирдагина кўзланган кўрсаткичга эришса бўлади.

— Биз дастрўмолчалар ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришимиз мумкин, бироқ рўмолчаларга кетадиган газмолларни ишлаб чиқариш йилдан-йилга камайиб бормоқда,— дейди бирлашма директори У. Эшматов.— Айниқса, бу йил. Рўмолчаларга кетадиган матони бизга Россия корхоналари етказиб берарди. Лекин Россия жумҳуриятининг тўқимачилик саноати Вазирлиги Москвада ўтган сўнгги савдо-сотик ярмаркасида иштирок этмаганлиги сабабли улар билан шартнома тузол-


мадик. Ҳозир «иложи»ни қилаёلمиз. Мени бир нарса ўйлантиради, нахотки ўзимизда ҳам ўшандай корхоналар бўла туриб, қачонгача ўзга жумҳуриятлардан «тиланчилик» қилиш мумкин? Дарвоқе, 1987 йилда жумҳурият раҳбарларининг топшириғига кўра Тошкент тўқимачилик комбинати ва Бухоро ип-газлама комбинати ана шундай матоларни ишлаб чиқариши керак эди, лекин негадир тушунарсиз сабабларга кўра бу иш тўхтатилди. Муаммоларимиз ҳақида ўтган йили жумҳурият Вазирлар маҳкамасига мактуб йўллаган эдик. Вазирлар маҳкамаси ўз навбатида енгил саноат Вазирлигига Товоқсой бирлашмасини керакли маҳсулот билан тўла таъминлашни топширган, лекин аҳвол ҳали ҳам ўша-ўша. Агар ишимиз юришганда, яна аҳолининг ишсизлигига барҳам бериб, ишни икки

сменада тапшил этардик...

Олмалик кон-металлургия комбинати ҳам маҳсулотни ўз вақтида етказиб беролмаяпти. 1987 йилда кон-металлургия комбинатининг ўзи бирлашмани мойбўёқ ишлаб чиқариш учун рух порошоғи билан таъминлаб туришини таклиф этиб, бу соҳадаги шартнома ҳаттоки 2000-йилгача имзоланганди. Ана шу ишларни амалга ошириш мақсадида Товоқсойда янги маиший кимё цехи қурилиб, унда бирлашманинг буюртмасига кўра «Ўзбекхиммаш»нинг кооперативи ишлаб берган шарли тегирмон ўрнатилди. Бунинг ҳаммасига 800 минг сўм кетди. Ишлаб чиқаришни ишга туширишда Олмалик кон-металлургия комбинати панд берди. «Гигант» ишламай қолди, кон-металлургия комбинати хом ашёни етказиб бера олмади, шундан кейин товоқсойликлар рух порошоғини бошқа жойлардан олиб келишга мажбур бўлишди. Шунинг учун мазкур цехда ҳозирги кунда 40 киши эмас, балки ундан ўн баробар кам ишчи меҳнат қилмоқда.

Шу тобда шум хаёл мени тинч қўймайди: худди мана шу дақиқаларда тўқимачилар дастрўмоллар йўқлигидан, металлурглар эса буёқ ва лаклар йўқлигидан нолишаётган бўлса ажаб эмас. Ахир улар маҳсулот танқислигини ўзлари келтириб чиқаришаётганини билишармикан?..

Владимир МОЛОТКОВ,
«Ҳаёт ва иқтисод» —
«Жизнь и экономика»нинг
махсус мухбири.



Тасвирларда бирлашманинг бир кунлик ҳаёти акс эттирилган.

Алексей Жданов тасвирлари.

ЙЎЛНИ ТАЪМИРЛОВЧИ ЯНГИ МАШИНА

«Симон СА» (Женева) компаниясининг муҳандислари тежамкор ва экологик безарар йўлни таъмирловчи машина яратишди. Машина йўл устки қатламини термогенерация усули билан таъмирлайди. Газ горелкалари билан 150 даражагача қизитилган йўл устки қатлами қирғич ёрдамида кўчириб олинад ва махсус камерага узатилади. У ерда керагича қўшимча материаллар — шағал-қум, асфальт ёки бошқа жипслаштирувчи нарсалар билан аралаштирилади. Аралашма камерадан чиқарилиб йўлга ёзилади ва оғир текис гилдирак билан текислаб, қотирилади.

Шу йўсинда йўл устки қатлами бир йўла янгиланади. Бунда эски йўл қатламини тўла фойдаланилади, чиқит қиқмайди. Ҳар бир квадрат метр йўл таъмирига бор йўғи 20-40 килограммдан қўшимча материаллар сарф бўлади. Янги технология чиқитсиз бўлиш билан бирга йўл таъмирлаш ишларининг экологик жиҳатдан деярли безарар амалга оширилишини таъминлайди. Бундан ташқари, таъмирлаш ишлари тез олиб бориладик, бу транспорт қатнови катта бўлган шаҳарлар учун катта аҳамиятга эга. Машина минутига 2,5 квадрат метр йўлни янгилайди. Машина уч хилда — эни 30 сантиметр, 1 метр ва 2,5 метрлик қилиб ишлаб чиқарилмоқда. Бу машинадан йўлак ва йўлнинг қатнов қисмида таъмирлаш ишларини бажаришда фойдаланиш имконини беради.

ТИШ ЕМИРИЛИШИГА ҚАРШИ ДОРИ

Француз тадқиқотчилари тана ичкарасига қабул қилинадиган вакцина ишлаб чиқинаяпти. У сўлак-тупукда карлесни пайдо қилувчи бактерияларни ҳалок этувчи таначалар пайдо қиларкан. Бу вакцина ёрдамида тиш врачлари қабулини икки барабар қисқартириш мумкин экан. Дастлабки синовлар қониқарли натижа берди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЖАРОҲАТЛАНИШ

Жаҳонда ҳар йили ишлаб чиқаришда юз берадиган бахтсиз ҳодисалар оқибатида 200

минг киши ҳалок бўлмоқда ва 120 миллион киши жиддий жароҳат олаяпти.

ОЗОН ҚАТЛАМИ ҲИМОЯСИ УЧУН

Япониянинг «Хонда мотро» фирмаси ўз корхоналарида фреонларни тутиб қолувчи ускуналар ўрнатиш дастурини амалга оширмоқда. 1991 йилгача фирманинг 2400 асосий корхоналари шундай ускуналар билан таъминланди.

«Тойота мотор корпорейшн» фирмаси ҳам шунақа дастурни амалга ошираётганини эълон қилди. Бунга кўра, Япониядаги барча ва 2620 нафар хориждаги ҳавони кондициялаш қўлланиладиган автомобилга техник хизмат кўрсатиш станцияларида озон қатламини емирувчи моддаларни йиғиб, қайта ишловчи ускуналар ўрнатилади.

«ЧЕКМАЙ ЧЕКИШ» ВА ЎПКА РАКИ

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Америка агентлигининг маълумотларига кўра, АҚШда йилига 3800 билвосита чекувчилар вафот этмоқда. Тадқиқотлар натижалари шунини кўрсатдики, тамаки тутуни 15 фоиз чекмайдиган кишиларни ўпка ракига дучор этиб, ўлимига сабаб бўлмоқда. Бу хавф, айниқса, кашанданинг оиласида кучли.

Чекувчилар хусусида гапирадиган бўлсак, Оксфорд дорилфунуни эпидемиологи Ричард Петонинг айтишича, 2025 йилга келиб тараққий этган мамлакатларда никотиндан ҳозиргидай йилига 2 эмас 3 миллион киши, ривожланиб келаётган мамлакатларда эса 7 миллион киши ҳалок бўлади.

ЎСИМЛИКДАН ЁҚИЛГИ ТАЙЁРЛАНАДИ

Тигаска (Ирландия) тадқиқот марказида райграс-кўп йиллик италия ўсимлигидан ёқилғи (шу жумладан автомобиллар учун ҳам) олиш учун хом ашё сифатида фойдаланиш имкониятлари қидирилмоқда. Нам пайтида бу ўсимлик таркибида 60 фоизгача сув бўлади. Технологик усул билан ўсимлик сувидан этанол олиш мумкин. Этанол эса модификация қилинган двигателли автомобиллар учун ёқилғи сифатида фойдаланилади. Суви ажратиб олинган ўсимлик қолдиқлари эса молларга емиш бўлади.

Менеджер—ишбилармон раҳбар



Менеджер — ўзи ким? Бу сўз инглиз тилида бошқарувчи деган маънони англатсада, жуда кенг доирада ишлатилади. Яъни менеджерни ишбилармон, уддабурон иш бошқарувчи ёки раҳбар маъносига тушунилса тўғрироқ бўлади. Менеджер ўз корхонасида ишлаб-чиқаришни тўғри ташкил қилиш орқали корхонанинг молиявий муаффақиятини таъминлашга интилади. Замоनावий менеджер — бу ўз соҳасида зўр мутахассис, ҳар қандай ҳолатда ягона тўғри йўлни топа биладиган қолаверса, таваккал қилиб, бутун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган шахсдир.

Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида корхонанинг муста-

қил иш юритиши учун менеджерларга талаб ўсиб бораётир. Ҳар бир корхонанинг, жамoa турмушининг молиявий яхшиланиши шу менеджерларнинг самарали, уддабурон, бошқариш санъатига эга бўлишига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Хўш, бошқариш санъати нима? Бошқариш санъати менеджердан талаб қилинадиган хислатлардан энг асосийси бўлиб, унинг ўз қўл остидаги хизматчилар билан жуда яхши муносабат ўрнатишида, корхонада ишлаб чиқаришнинг энг самара берадиган муҳитини яратишида катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз ўзининг бозор муносабатларига ўтишгача бўлган даврдаги режали иқтисод сиёсатида йўл қўйган камчиликлардан бири — бу раҳбар

кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги йўл қўйилган хатолардир. Корхона раҳбарлари, иш бошқарувчиларни фақат юқоридан берилган топшириқларни бажарувчилар, деб ҳисобланилиши ва кадрлар танлашда асосий эътибор шунга қаратилиши натижасида мамлакатимиз чуқур иқтисодий инқирозга келиб қолди. Давлатимизнинг бутун халқ хўжалиги фақат буйруқни бажарувчилар қўлида эди. Шу туфайли омма орасида раҳбарлик буюддий, чуқур билимлар талаб қилмайдиган, тажрибаси, характери, бошқариш санъатига эга бўлиш-бўлмаглигидан қатъи назар ҳар қандай шахсга берилиши мумкин бўлган мансаб тушунчасига айланиб қолди. Раҳбарни эса тайинлашса бўлгани, қолгани яъни нимани, қачон ва қаерда

бажаришни юқоридан айтиб туришарди. Раҳбарларнинг ҳаммасини шу хислатлари бўйича тайинланиб келинди деб бўлмайди, мамлакатимиз халқ хўжалигида чуқур билимли, уддабурон раҳбарлар ҳам анчагина бўлишган. Бошқариш санъатига келсак, гўёки раҳбарлик фақат аниқ ҳисоб-китобларга боғлиқдек бўлиб туюлади. Шунга қарамай юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришиб бораётган бир қатор мамлакатлар хўжалик раҳбарлари, менеджерлари бошқариш санъатига фан сифатида катта эътибор беришади ва бу санъатни эгаллаш учун бир қатор билимларни пухта ўрганишади.

Сиёсий-иқтисодий мустақиллик йўлидан бораётган Ўзбекистон бозор муносабатларига кириб бормоқда. Дунёда ҳар қандай офатнинг ҳам кушандаси, ҳар қандай муаммонинг чораси бўлганидек, мана шу бозор деган дарё тўфонида бехатар сузишнинг ҳам чораси, оз бўлсада, мавжуддир. Мен ана шундай чора сифатида шу дарёга ўзини отган ҳар бир жамoa, корхона раҳбарига, бозор дарёсида ўз жамoаси билан бемалол сузиши учун бошқариш санъатига тез ўрганиб олишларини таклиф қилган бўлур эдим.

Ҳозирги пайтда жумҳуриятимизда бу борада олиб борилаётган ишлардан кўринадики, бозор муносабатлари учун етарли менеджерлар таёрлаб бериш имкониятига эга эмасмиз. Институтларнинг махсус курсларида тайёрланаётган талабалар сони анча оз, қолаверса, уларнинг ҳаммаси ҳам дарров раҳбарлик курсисига ўтиради, деб бўлмайди. Ҳозирги кунда раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган минглаб бошқариш санъатидан беҳабар, фақат топшириқларни бажаришга мослашган шахслар, бозор шароитида ўз қўл остидаги халқни қай аҳволга солиб қўйишади? Эртага юқоридан топшириқ бермай, ўзинг ишла, дейишса улар

довдираб қолишмасмикан ёки иқтисодий билимлардан хабари йўқ бошлиқ, маркетингни билмай маҳсулотини бозорда яхши баҳода сота олмай, ўз корхонасига миллионлаб зарар етказмасмикан?

Бутуниттифоқ менежерлар тайёрлаш ўқув марказининг тингловчиси сифатида жумҳуриятимиз раҳбарлари, илмий марказлари, нашриётлари эътиборини шунга қаратмоқчиманки, ўзбек раҳбар кадрлари бозор муносабатлари шароитида ишлашга тайёр эмас. Қолаверса, менежерлик санъати бўйича ўзбек тилида ҳеч қандай дарсликлар ва методик кўрсатмалар йўқ. Жумҳуриятимизда маркетинг, яъни бозорни ўрганиш системаси йўлга қўйилмаган, корхона ва жамоа хўжалик раҳбарлари бозорларни таққослаш, уни ўрганиш имкониятига эга эмас. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхона раҳбари маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишнинг комплекс тадбирлари, маҳсулотнинг ишлаб чиқарувчидан харидоргача бўлган доимий самарадорлик ва фойдага қаратилган ҳаракати-маркетингни пухта эгалламоғи шарт.

1923-1933 йилларда Америка Қўшма Штатлари чуқур иқтисодий инқирозни бошдан кечирди. Бундан чиқиш мақсадида президент Франклин Рузвельт бошчилигида «Янги курс» иқтисодий дастури қабул қилинди. Бу дастур авваламбор қисқа муҳлат ичида Қўшма Штатларда кўп-кўп уддабурон раҳбарлар — менежерлар тайёрлаш ва уларнинг ишбилармонлиги орқали Қўшма Штатларни инқироздан олиб чиқишга қаратилган эди». — Янги курс» энг тўғри йўл эди ва у Қўшма Штатларни гуллаб-яшнашига олиб келди. Ўз иқтисодий ютуқлари билан дунёни ҳайратга солиб турган Япония ҳам халқ таълими ва кадрлар тайёрлашда бошқача ёндашув туфайлигина бу ютуқларга эришаётир.

Иқтисодий ва сиёсий мустақиллик йўлидан бораётган жумҳуриятимизда иқтисодий гуллаб яшнаётган давлатлар йўли чуқур таҳлил қилиниши ва ўрганилиши лозим. Олимларимиз, таржимонларимиз ишбилармон кишилар Дейл Карнеги, Сирел Паркинсон, Тоёхиро Коно ва шунга ўхшаш шахслар китобларини, кўрсатмаларини ўзбекчага ўгириб берсалар, бозор муносабатларига ўтиш шароитида жуда

катта иш қилган бўлур эдилар. Жумҳуриятимиздаги корхона ва жамоа хўжалик раҳбарлари буюк ишбилармон кишилар ўз асарларида кўрсатиб ўтган қуйидаги «Ёмон раҳбарнинг хислатлари» ни ўзларидан йўқотиш чорасини изласалар уларнинг ўз корхоналарида, жамоаларида обрўлари янада ортган бўлур эди.

Ёмон раҳбар воқеаларни олдиндан кўра билмагани ва сезмаганлиги учун доимо кутилмаган ҳолатларга тушиб ўзини йўқотади ва ўзини ҳаммадан удабурон, билимдон ҳисоблаб, барча ишни фақат ўзи қилишга уринади. Корхонадаги ҳамма ишни ўз қўлига олганлиги, барча ишга аралашганлиги туфайли доимо вақти етишмайди. Ҳар кун 15-18 соатдан ишлайди, иш жойида кечқурунлари билан қолиб кетади. Уринбосари шу бугуннинг ўзидаёқ ҳал қила олиши мумкин бўлган ишни эртага қолдиради. Ҳеч қачон бирор ишни охиригача ҳал қилмайди, натижада чала қолган ишлар уни доим эзиб юради. У гўёки бошқа ранглар йўқдек доим ҳамма нарсани икки хил-оқ ва қора рангда кўради. Пашшадан фил ясашни ёқтиради. Асосий ишни иккинчи даражали ишдан ажрата олмайди ва ҳоказо. Бундайлардан худо асрасин. Бирор корхона, ташкилотга бошлиқ бўлиб қолса борми, бу корхона таназзулга юз тутади деяверинг.

Муштарийлар, хўш, ёмон раҳбарнинг иллатларини баён қилдингиз, яхши раҳбар сизингча қандай бўлади, фазилатлари нималарда акс этади, демократик шароитда биз кимни бошлиқ этиб сайлашимиз керак, деган савол беришлари эҳтимолдан холи эмас.

Бизнингча, яхши раҳбарнинг хислатлари аввал бошда кўрсат-

ганимдан ташқари камсуқум, принципиал, ҳалол, шижоатлигида кўринади. У демократик централизм усулида иш юритади. Яъни деҳқонча қилиб айтадиган, бўлсак, демократияга асосланиб ишчи-хизматчиларнинг фикри, таклифи, мулоҳазалари билан ҳисоблашиб иш кўради. Шу билан бир қаторда корхонада интизомни, тартибни талабчанлик билан назоратга олдиради. Сифат билан кўрсаткични эътибордан соқит қилмайди. Меҳнатни аниқ ҳисоб-китоб, режа билан қилишга эришади. Ўзининг қобилиятига объектив баҳо бера олади. Кадрлар танлашда, иш жараёнида таниш-билишчиликка эмас, асл мутахассисларга суянади.

Ходимлари ўртасида «расмий девор» пайдо бўлишига йўл қўймайди. Каттани-катта, ёшни-ёш ўрнида кўради. Жамоанинг тўй-маракасида иштирок этади, иштирок этгандаям тўрида эмас, ҳамма қатори ўтиришга ҳаракат қилади. Унинг мақсади лавозимини сунстеъмол қилиб қинғир йўллар билан чўнтақ қаппайтириш эмас, балки тадбиркорлик билан корхонани, жамоани бойитиш ва шунинг баробарида ўзининг ҳам бирини икки қилишдир. тепадан берилган буйруқни ўз «элаги»дан ўтказиб бажаради. Қисқаси, том маънода менежер бўлади. Сайловда бир неча номзод бўлса ҳам бундай раҳбар 95-100 фоиз овоз олади.

Хуллас, жамиятнинг ҳар бир фаол фуқароси хўжаликларни менежер-раҳбар бошқаришига ҳаммаслақ бўлиши лозим.

Насрулло САИДОВ,
Вобкент шаҳридаги
199-механизациялашган кўча
колонна бошлиғи,
Ўзбекистон ССР халқ депутати,
бутуниттифоқ менежерлар
маркази тингловчиси.

Редакциямиздан.

Ушбу мақолада муаллиф ривожланган капиталистик мамлакатлардаги менежерлар ҳақида гапириб, уларни биздаги хўжалик етакчиларига қиёслаган ва раҳбарларимизда ҳам менежерлик хислатлари бўлишига истак билдирган. Асл менежер сўзининг луғавий маъноси — иш бошқарувчидир ва бу касб фазилати нафақат юқори бўғин раҳбарларига, балки қуйи бўғин иш юритувчилари, оддий ходимларга ҳам тегишлидир. Биз журналхонлардан бундан ҳам зиёд, таҳлилий фикр-мулоҳазаларни кутамиз.



ТЕЖАМ

● Абонементларга нега ўт қўйилди?
● Чиқинди тоғлари фаровонлигимиз йўлини бекитиб қўймасин!

● Чиқиндилар, иккиламчи хом ашё тўғрисида қонун керак!
● Одамлар сабрининг таги сариқ олтинми? Йўқ!..

ҲАҚИДА СЎЗ

ёки ёғоч материаллари ва бошқа моддий қувватлар исрофгарчилигидан ким манфаатдор?

Ҳар ҳафтада бозорга тушаман. Ҳадеб бозорга тушаверишга унча «истак» йўқ. Уша бир бозорликни тежаб-тергаб ўз муддатигача етказамиз. Емон эмас. Оиламиз унча катта бўлмаса-да, меҳмонлар — ўртоқларим, қариндош-уруғлар тез-тез келиб туришади. Ҳалигача меҳмонларни меҳмондорчилигимиз билан ҳайратга сололмаган бўлсакда, уялиб ҳам қолганимиз йўқ. Хуллас етиб турибди...

Бу жумҳуриятимиздаги жуда кўпчилик оилалардаги, яъни, энг қуйи хўжалик юритиш звеномиздаги умумий аҳвол. Бироқ, шу звенодан юқорилаб борганимиз сайин, хўжалик юритишнинг юқори поғоналарида, кишининг бошини ровлатиб ташлайдиган муаммоларга дуч

келамиз. Мана бир соҳани олиб кўрайлик.

Бизда ёғоч материаллари ниҳоятда камёб. Ёғоч етказиб берувчи жумҳуриятларнинг бу маҳсулотлар ҳажмини қисқартириб қўйгани, 1991 йилдан бу масала янада оғирлашаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунгидақа хўжалик юритишимизда эртага бу соҳада қанақанги қийинчиликларга дуч келишимизни тасаввур қилиш қийин эмас. Баъзи «жаҳонгашталар» билан суҳбатлашиб қолсанг, Россияда катта-йўғон ҳодаю хариларни икки бўлиб ўчоққа тикишаётганини рўкач қилади. Ўйламайдик, улар «арик»нинг бошида ўтирганини. Катта ўрмонзор ўртасида яшаётган одам бизга ўхшаб тезак териб уй иси-

тишга тоқат қилармиди?! Бундан ташқари, улар «ўрмонларимизни ўзимиз сотиб, ўзимиз ёқиб, ўзимиз ағдариб-чиритиб йўқ қилиб юборяпмиз» деб ўтиргани йўқ. Яқинда «Уральский рабочий» рўзномасида босилган РСФСЖ халқ ноиб В. Машковнинг «Сўнгги қайин, сўнгги арчагача» («До последней сосны, до последней ёлки») мақоласига кўзим тушиб қолди. Халқ ноиб ўрмонларнинг қирқилиб кетаётганидан ташвишга тушиб, «Кавказ тоғлари ёки дўстона Ўрта Осиё жумҳурияларида тузилган «капиталистик меҳнат илғорлари»дан иборат бригадалар у ер-бу ерда қолган «оролча» — ўрмонларни ҳам» қирқиб кетишаётганини ёзади. Ўрмонлари йўқолиб бораётган кишининг ташвишлари бизга бегона эмас. Бироқ, биз ҳам шундайга ёғочга эга бўлаётганимиз йўқ. Кўпгина оғаларимиз назарида, гўё, биз боряпмизу текиндан текинга ўрмонларни кесиш келяпмиз. На пахта, на олтин, на мева-чева, на бошқа рангли металлари мрамор, газ бераётганимиз йўқ. Фақат оляпмиз. Шунга монанд гапларни Борис Николаевич Ельциннинг нутқларида ҳам учратдик... Нима ҳам дейишимиз мумкин. Фақат, бундан буён сал ўйлаб иш тутишимиз лозим. Лекин, кишига таъсир этадигани бошқа нарса.

Дашному таъналар эвазига олиб келган нарсаларимиздан нега тўғри фойдаланмаймиз? Йил ўн икки ой «снабженец»ларимиз чўнтагига пул тўлдириб Россия вилоятларида кезиб юришади. Не азобда, деярли ҳар доим бир нима сочиб ёғоч олишади, бир нима бериб вагон тўғирлашади, минг азобда вагонни жўнатишади. (Гапларимдан шубҳаланган кишиларни бир мартагина таъминотчи вакилларимизга Россия сафарида ҳамроҳликни таклиф этаман). Ўзим Свердлов шаҳридаги сиёсатшунослик ва ижтимоий бошқарув институтида ўқиётганимда таъминотчи ҳамюртларимнинг мезбонларни ресторанларда меҳмон қилганининг гувоҳи бўлганман. Бунга ҳам «бир нима» кетади. Йўл харажатлари, «чоп-чоп»ларчи?! Вагондаги ёғоч ўзимизга, манзилга етиб келган куни «тилло»га айланади. Юқорида санаб ўтганимиз — беш-ўнта «бир нима» туядай юк бўлиб сизнинг, менинг яғир елкаларимизга тушади. «Шартнома борку, биз уларга-улар бизга» деяпсизми? Уша «снабженец»ларимиздан бирига мен

ҳам бир мартагина шу саволини берганман. Меҳмоним «ҳали боласанда» дегандай қўл силтаб «э-э-э!!!» деган. Кейинроққина бу бошини не-не тошларга ураура бир хулосага келган кишининг жавоби эканини ўзим ҳам тушундим. Бу соҳанинг муаммолари кўп экан, чигагалликлари кўп экан.

Шундай аҳволга қарамай, денгиздаги балиқ сув билан қандай муносабатда бўлса, жумҳуриятимизда ёғоч материаллари, бошқа хом ашёлар билан шундай муносабат давом этмоқда. Ҳамма соҳани эмас, кичик бир тармоқни олиб кўрайлик.

Ўтган йил охиридаги 1991 йил учун рўзномаю ойномаларга, турли-туман холису идоравий нашрларга обуна компанияси даврида жумҳуриятимиздаги қоғоз етишмовчилиги оқибатида юз берган қимматчилик ҳам нашрларга, ҳам обуначиларга улкан иқтисодий, маънавий ва сиёсий зарар келтирди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, оилаларнинг тўртдан уч қисми моддий сабаблар боис «ўз» газета ва журналларига ҳам ёзила олмади. Буни қоғоз етишмовчилиги оқибати деб ўйлайсизми? Буни қаранг: жумҳуриятимизда, тахминан, 3 миллион оила бор. Ва, ҳар бирининг уйда бўлмаганда 6 килограммдан қоғоз чиқиндилари чанг босиб ётади ёки ахлатхонага чиқариб ташланади. Бу 18 минг тонна қоғоз дегани. Бир йилда бу «6 кило»лардан қанчаси ахлатхонага чиқиб кетади?! Бироқ, жумҳурият автомобил транспорти вазирлигининг қоғоз исрофгарчилиги кўрсаткичларини «яхшилаш» бўйича амалга ошираётган ишлари олдида бу ҳолва. Ўтган йилнинг III кварталда Тошкентдаги 18-автопаркда 33 миллион дона абонемент ёқиб юборилди. Бу ҳол шаҳардаги яна етти автохўжаликда ҳам юз берди. Бу қоғозлар бизга керак эмасмиди? Бизга керак, лекин, вазирликка керак эмас. Чунки, жумҳуриятимиздаги 40 минг тонналик қоғоз етишмовчилиги учун бу вазирлик жавобгар эмас. Бироқ, бу абонементлардан қай усул билан бўлсада, одамлар фойдаланмасликларининг (абонементлар ҳали ишлатилмаган ахир) олдини олиб қўйиш — вазифаси.

Жумҳуриятимизда «Узвторресурси» деган, иккиламчи хомашё, чиқиндилар йиғиб давлатга топшириб, шунинг ҳисобига нон ейдиган ташкилот бор. Бироқ

хўжалик ҳисобидаги бу ташкилотнинг бору йўқлигини ҳали ҳеч ким бундай сезгани йўқ. Тўғрироғи, пионерлар макулатура тўплашни бас қилгандан (улар ҳар ҳолда тўлагач олиб кетишсин, деб жанжал қилиб туришарди) бери «жи-миб» кетган. Энди билсак, Ангрен картон-идиш комбинати «ярим куч» билан ишлаётган, «Узвторресурси» бирлашмаси уни «тўла куч» билан ишлатиш учун РСФСЖ ва Қозоғисотондан макулатура ундириш мақсадида шартнома тузиш билан овора экан. («Правда Востока» 5 октябрь, 1990 йил). Буёқда эса шунча қимматли хом ашёга олов қўйиб, исроф қилинапти. Буни қандай баҳолаш мумкин! Бунақа муносабатнинг тагида қандай мақсад ётибди?

Бугун ана шу саволга аниқ жавоб талаб қилишимиз керак. 10 тийин уриб қолган магазинчини жавобгарликка тортамизу шунчалаб халқ маблағини лоқайдлик билан йўқ қилиб юбораётган раҳбарлар — ташкилотлар ҳеч нарса учун жавоб бермайди. Йўқотилаётган нарса хомчўтини фикримизга қарши чиқувчи (улар албатта бўлади) «ўртоқ»ларга яна бир бор эслатиб ўтаман. Бу маълумотлар улар столи устидаги қоғозлар орасида йўқолиб кетган бўлса ажаб эмас-да!

● *Ҳар 60 килограмм қоғоз чиқиндисини битта юз йиллик дарахтни асраб қолади;*

● *Бир миллион тонна макулатурадан 4 миллион куб метр биринчи навли тахта-ёғоч олинади, бу эми 100 метрлик Москвадан Ленинградгача бўлган масофадаги ўрмон қирққиздан сақлаб қолинади, дегани;*

● *Макулатурадан олинган қоғоз ва картоннинг таннарни ёғоч ва целлюлозадан олинганига қараганда 2 баравар арзон бўлади;*

● *Бир тонна макулатурадан 750 килограмм қоғоз олиш мумкин;*

● *Бир тонна макулатура жаҳон бозорида олинган бир тонна нефтдан 2—4 баравар қиммат (бизда 80 сўм атрофида) туради.*

Ана энди бу ишга мутасадди ўртоқларга қоғоз чиқитларини ёқиб юбориш, йиғилганларини ташиб кетмай қор-ём-

ғир тагида қолдириш, аҳолини нафақат қизиқтириш, балки, бу ишга бюрократларча ёндошув билан бездириш оқибатида ўзлари келтираётган иқтисодий зарарни ҳисоблаб, маънавий зарарни виждонан мушоҳада қилиш қийин эмас. Одамлар сабрининг ҳам чеки бор. Кейинги сўров сўнги сўров бўлиб қолиши мумкин.

Умуман, аҳвол шундай давом этаверса, ҳадемай чиқиндилар ҳажми олинаётган қазилмалар ва ишлаб чиқарилаётган бир қатор маҳсулотлар ҳажмига тенглашиб қолади. Чунки, мамлакат бўйича уларнинг йиллик ўсиши 5 миллиард тоннани ташкил этмоқда. Бунда жумҳуриятимиз асосий ўринлардан бирини эгаллайди — турли ишлаб чиқариш чиқиндиларининг йиллик ҳажми 1 миллиард тоннадан ошиқ.

Бугун жумҳуриятимизда миллионлаб тонна қимматбаҳо қурилиш ва бинокорлик материалларига айлантирилиши лозим бўлган тоғ-кончилик саноати чиқиндилари, минглаб тонна мрамор шағали, безак-тақинчоқларга айланиши лозим бўлган қимматли тошлар, турли саноат ва бошқа тармоқлар чиқиндилари катта жойини эгаллаб, ҳавони бузиб, ёниб-куйиб касаллик тарқатиб ётибди. Масалан, биргина Маржонбулоқ кони ишга тушгандан то бугунгача ўтган 10 йил ичида унинг «ахлатхона»сининг ҳажми 15262 минг куб метр ёки 34340 минг тоннадан ошиб кетди. У 500 гектардан ошиқ энг ҳосилдор ерларни эгаллаб ётибди. Ваҳоланки, бу тоғ чиқиндилари таркиби ажойиб бинокорлик материаллари ҳисобланган гилли сланецлар, алевролитлар, кўмирсимон-лойсимон филитлар, лёсли суглинкалар ва бошқа қимматли хом ашёлардан иборат. Лекин, ҳеч ким ундан фойдаланмапти. Маржонбулоқ кони каби конлар эса бизда оз эмас.

Умуман, жумҳуриятимиз халқ хўжалигининг материал қувватларга бўлган эҳтиёжининг жуда кам қисмигина қайта ишланган чиқиндилар ҳисобига қондирилмоқда. Нима қилмоқ зарур? Иқтисодий ислохотнинг «шарофати» билан иккиламчи хом ашёга давлат буюртмаси (металлдан ташқари) ҳам йўқотилди. Ўрнига ҳеч қандай тадбир белгиланмади. Айнан шунақанги соҳалар давлат ғамхўрлигига муҳтож бўлсада, бизда иккиламчи хом ашё йиғиш тармоғи,

чиқиндилардан фойдаланиш ривожланмаган. Бу учун конкрет ҳеч ким жавоб бермайди. Корхоналар бирламчи хом ашёдан фойдаланишга кўникиб қолишган. Ҳозир жумҳуриятимизда тўпланиб қолаётган улкан ҳажмдаги тоғ жинслари ва бошқа чиқиндиларнинг 05 миллион тоннасидан фойдаланилапти, холос.

Жумҳуриятимизда иккиламчи хом ашёдан фойдаланишни тартибга солувчи — чиқиндилар тўғрисида қонун қабул қилиш пайти етди. Олий Кенгашимиз, халқ ноиблари бунга шошилиш эътиборни қаратишлари зарур. Чиқинди тоғлари барпо қилаётган ва ундан қайта фойдаланишни хошламаётган вазирлик, идора ва корхона-ташкилотлар, конкрет раҳбарларга нисбатан аниқ жавобгарлик белгилаб қўйилиши лозим.

Моддий қувватлардан тежамли фойдаланиш қонунсизлиги асосан таркиб топган иқтисодиёт типига эга мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бу иш қонун чиқаришдан бошланиши керак. Қонун эса ўз навбатида иқтисодий омилларни ҳаракатга келтиради. Бу корхоналарни чиқиндилардан кўпроқ фойдаланишга рағбатлантириши лозим. Масалан, Японияда 1977 йилдан буён чиқиндиларни қайта ишлаш тўғрисидаги қонун амал қилиб келяпти. Қонунда чиқиндилар чиқараётган корхоналар жавобгарлиги, вазифалари алоҳида таъкидланган. Бу қонунни бузганлик учун нафақат иқтисодий, балки, жиноий жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилган, жавобгар шахс қамоқ жазосига ҳукм этилиши мумкин.

Францияда чиқарилган қонунга кўра эса ўз чиқиндиларидан фойдаланиш, зарарсизлигини таъминлаш чоралари кўрилмаган корхоналар қуриш тақиқланган. АҚШ конгресси ҳам бундан чорак аср муқаддам қаттиқ чиқиндиларни йўқотиш бўйича қонун қабул қилган эди. Олмонияда чиқитларни сақлаш ва йўқ қилишнинг қоидалари бузилганлиги учун қаттиқ жавобгарлик чоралари белгиланган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Биз эса ҳали буларнинг орзусидамиз. На ишлаб чиқариш чиқиндилари тўғри-

сидаги қонун бор, на улардан фойдаланиш бўйича изчил илмий тадқиқотларга эгамиз. Борларидан фойдаланмаймиз фойдаланай, деганга бермаймиз. Бунақа хўжалик юритишимизда бозор муносабатлари қарор топгач қандай кун кечирамиз. Мавжуд моддий заҳираларимиз биз ва биздан кейинги яна бир авлодни яхши таъминлай олиши мумкинлиги хусусида кўп фикр айтилаяптики, улар жудаям ҳақиқатдан узоқ бўлмаса керак. Ният: қорни тўймай қолса, боласини ҳам еб юборадиган қуён ёки чўчқа ҳолига тушиб қолмайлик. Хом ашёга бўлган эҳтиёжларининг ярмини чиқиндилар ҳисобига қондираётган жаҳоннинг иқтисодий «кит»ларидан ўрناк олсак ёмон бўлмасди. Бу эса моддий қувватлардан фойдаланишда бошвоқсизлик, «ким кўп юлар»чиликдан қатъий ҳуқуқий тартибга ўтишни талаб қилади.

Ибодулла УСАРОВ,
«Ҳаёт ва иқтисод»нинг халқ хўжалиги
иқтисодиёти бўлими муҳаррири.

Реданингиздан:

Журналист Ибодулла Усаровнинг мақоласида тилга олинган муаммолар бугунги иқтисодий танглик шароитида айниқса қаттиқ сезилмоқда. Ҳар ким, ҳар корхона бу муаммоларни ўз билганича ҳал қилапти. Ишлаб чиқариш чиқиндилари ва бошқа иккиламчи хом ашёлардан фойдаланиш эса ҳеч кимнинг «эсига келмаяпти». Нега? Чунки, бизда табиий қувватлардан тежамли фойдаланиш механизми йўқ, экологик механизм татбиқ этилмаган. Шу жиҳатдан мақоладаги таклиф — чиқиндилар ҳақида жиддий ўйлаш зарурати эътиборга лойиқ. Сиз нима дейсиз?

Ўзбек бозорлари




Қатағон йилларида Абдулла Қодирий, Файзулла Хўжаев, Чўлпон ва Фитрат, Ботулар билан бирга... бозор ҳам ҳибсга олиниб, унинг устидан ҳам ўлим ҳукми чиқарилган эди. Қаранг бардошни: неча минглаб одамлар Россия аҳолисининг ҳожатини чиқараман, ўзим ҳам даромад оламан, минг йиллик савдо-сотик анъанаси, ипак йўли ҳаётини давом эттираман, деб қамалиб чиқдилар. Аммо бозорни омон сақлаб қолдилар. Бугун эса оғир касалга дучор бўлган жамият бозорни ҳибсдан бўшатишга мажбур бўлди. Акс ҳолда, ўзининг ҳам оқликдан ўлиб қолиши равшан кўриниб қолганди.

Аслида, ҳар қандай кўча, майдон, хиёбон, магазин, емакхоналар, одамлар ва давлатларнинг уйлари — бутун ҳудуд тижоратгоҳ бўлиши керак. Бизда эса махсус жойлар девор ёки панжара билан ўралиб, пешонасига тақ эттириб «Дехқон бозори. Рынок», деб ёзиб қўйилган. Шу ердан бошқа жойда бирон нарса сотган кимсага дарров жарама солинади.

Соғлом жамиятда бозор — ҳаёт мактаби.

Америкада ёш болалар беш-олти ёшлигидан бошлаб бозор билан таништирилади, тижорат (бизнес) қилишга ўргатилади.

Бир вақтлар бизнинг Шарқда ҳам шундай эди, ўзбекларда ҳам савдо қилиш, савдолашиш асло уят саналмасди. Қадимий ипак йўли Туркистоннинг бош қонтомири эди. Шаҳар ва қишлоқларнинг юраги бозор эди. Ўзбеклар тижорат қилишга уста, савдо санъатида жуда моҳир эдилар. Ҳозир эса уларнинг кўпчилиги пахтанинг илдизига боғлаб қўйилган. Оқ пахта — тойлаб, хонатласни — тўплаб, майизларни — қошлаб қўқон аравага юклаб Кашмирга бориш, дунё кезишни-ку қўйлик. Ҳатто Тошкент бозорида икки кило олманор харид қилишнинг эплайдиган ўзбеклар сон мингта. Яхшисини танлолмайдилар, нархи устида савдолашиш мумкинлигини, кўтарасига олса анча арзон тушишни ҳаёлига ҳам келтирмайдилар, давлат магазинлари шунга кўникириб қўйган. Шарқ бозорининг бой имкониятлари борлигини, юксак ин-



сонийлигини нафақат Европадан келганлар, балки маҳаллий аҳоли ҳам пайқамай қолаяптилар. Тўғри, ҳозирги кунда бозордаги нарх-наводан жуда кўнгил тўлмайди. Чўнтакчақар нархлар. Лекин бозорнинг имонсизлашаётганига қараб бутун халқни, савдо-сотиқни қоралаш, шарқни ёмонотлиқ қилиш ҳам тўғримас.

Ўтмишда худодан имон тилаган одамларнинг аждодлари бугун гўштнинг нархини 15-18 сўмга, майизни 12 сўмга олиб чиқиб, аҳолини қон қақшатиб, бозорни бадном қилишмоқда. Ўзбеклар минг йил бозор қилиб, байрам қилиб, фақат ҳозирга келибгина бозорни қарғайдиган одат чиқардилар. «Ҳе, қирилиб кетсин бозори», «Савдогарларнинг уйига ўт тушсин, илоё!» — ночор қолган онаизорларнинг бу каби нолаларини кўп эшитамиз. «Шу оналарнинг оху зори бир кун ижобат бўлмасайди!», деб чўчийди киши.

Бозор ва халқ ўртасидаги низони бартараф этиш, бозорни яна ўзбекнинг суюкли, бағри кенг, донишманд улфатига айлантириш, Юсуфбек ҳожи таъбири билан айтганда, бу даргоҳдан ҳеч ким хафа бўлиб кетмаслиги учун нима қилмоқ керак?

1. Аввало Ўзбекистон ноз-неъматлари биринчи навбатда шу юрт аҳлига

буюрсин. Бу борадаги дастлабки қадамлар ҳам ташланди.

2. Бозорга уя қўйиб олган ва нархни ойлаб-йиллаб туширмай, деҳқонларнинг арзон ва тез сотиб кетишига йўл қўймаётган чайқовчиларнинг пайини қирқиш учун бозордаги жой ва тарози ҳақи вақтига қараб ошиб борувчи солиқ каби бўлмоғи керак. (Бу қонда албатта, бозорни иккинчи уйига айлантириб олганлар учун тегишли бўлади).

3. Бозорнинг инсонпарвар бўлиши учун ҳозиргидай нарх ошириш эмас, аксинча, арзон таннархга эришиш лозим бўлади. Бунинг учун бозор (тижорат) таълими кенг йўлга қўйилмоғи даркор.

4. Шу мақсадда бозоршунослик фани ўрта мактабда алоҳида ўқитилмоғи керак. Балки, меҳнат дарсларини такомиллаштириб, савдо илми унинг бир қисми бўлар.

Бугунги кунда ҳисоб, жисмшунослик, кимё, ҳатто тарих ва география фанлари ҳам ўқувчиларни қизиқтирмаяпти. Сабаби — бу дарслик ва машғулотларда мазкур фанлар болаларга келажакда нималарга керак бўлиши айтилмаган, инсонни ўрнидан жилдирувчи қудратли куч — эҳтиёж экани унутилган. Мактабдаги ҳамма дарслар бозор ҳаёти, тижорат билан боғланиши мумкин, бутун дунё мактаб-

ларида шундай қилинади. Шу тарзда барча фанлар болакайнинг орзулари билан туташади. Келажакда ўзи тижорат қиладиган мамлакатлар, шаҳарлар тарихи, географияси, илмий ва маданий ёдгорликларини ўқувчи эслаб қолишга ҳаракат қилади.


Ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг дастур ва дарсликлари ҳам янги ҳаёт қонунлари, талаблари асосида бутунлай қайта ёзиб чиқилмоғи, тижорат қони улар томирига киритилмоғи керак.

Жумҳурият мустақиллик декларацияси умрбоқий бўлиши ва амалга ошиши учун халқ маорифида бошланғич, ўрта, махсус ва олий тижорат таълими тезлик билан вужудга келтирилмоғи зарур.

5. Газета, журнал, радио ва телевидениеда оммабоп тижорат таълими йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ. Бунда маҳсулотни топиш, арзон олиш ва сотиш санъатигина тарғиб этилиб қолмасдан, харидорлик маҳорати, озгина пулга кўпроқ нарса олиш сирлари ҳам ёритиб борилиши керак. Албатта, бунда аҳолининг камбағал қатлами манфаатлари олдинги ўринда туриши лозим.

Шундагина бозор бизга яна эл бўлади.

Нурмуҳаммад ХОЛЛИЕВ.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ИҚТИСОДИЁТ ҚЎМИТАСИДА

Ўзбекистон ССР Иқтисодиёт қўмитаси коллегиясининг навбатдаги мажлисида 1991—1995 йилларда жумҳурият қурилиш индустриясининг хом ашё базасини янада ривожлантириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Маълумки, Ўзбекистон заминида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча минерал хом ашё турлари мавжуд. Коллегия аъзоларининг маърузалари ва қабул қилинган қарорда таъкидланадики, ҳозир давлат балансида цемент, қоплаш учун ишлатиладиган тошлар, керамзит, оҳак, шиша ва девор материалларига эга 384 кон ҳисобга олинган. Ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, жумҳуриятимиздаги бу хом ашё захиралари қурилиш соҳаси эҳтиёжларини узоқ муддат бемалол қондиради.

Бироқ, бу захиралардан ўта қониқарсиз фойдаланилмоқда. Конларнинг 158 тасидан фойдаланилмоқда, холос, 226 таси эса ҳали ўзлаштирилгани йўқ. Ваҳоланки, уларда жуда ноёб хом ашё мавжуд. Шунга қарамай, жумҳуриятимиз қурилиш комплексининг қурилиш материаллари ва уларни ишлаб чиқариш учун зарур хом ашёларга бўлган эҳтиёжи мамлакатнинг бошқа районларидан келтириш ҳисобига қондирилмоқда. Масалан, 1990 йилда ўзимизда захиралари бўлгани ҳолда цемент етишмовчилиги 1,3 миллион тоннани ташкил қилди, 330 минг тонна гипсли тош, 800 минг куб метр ғовакли қуймалар ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё, ярим миллион тонна кварцли кум четдан келтирилди. Ваҳоланки, ўзимиздаги ушбу хом ашё захираларидан тўла фойдалансак, Ўзбекистонда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 1,5—3 марта кўпайиб жумҳуриятимиз қурилиш саноатининг

турли минерал-хом ашёга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади.

Коллегияда хом ашё базасининг бугунги аҳволи қурилиш материалларининг алоҳида турлари бўйича изчил кўриб чиқилди ва унинг самарасиз ўзлаштирилаётгани сабаблари кўрсатиб ўтилди. Бунинг сабаби шуки, корхоналар хом ашё конларини ўз балансига текинга оладилар, қидирув ишлари эса давлат бюджети ҳисобига амалга оширилади. Бунинг устига корхоналардан конларни ўзлаштирмагани оқибатида келадиган иқтисодий зарар ҳам ундириб олинмайди — бундай тартиб йўқ. Шу боис, бу конларга сарфланган 20 миллион сўм давлат маблағи ер остида ўзлаштирилмай ётибди, жумҳурият қурилиш комплекси эса хом ашё ва қурилиш материаллари йўқлиги сабаб режаларни бажаролмаяпти, четдан олиб келиши оқибатида улкан зарар кўряпти.

Жумҳуриятимиздаги цемент хом ашёси захираларидан самарали фойдаланиш йўллари хусусида ҳам жиддий гап борди. Ҳозирда унинг 26 жойида, умумий ҳажми 1,4 миллион тонналик захираси бўлиб, шундан 12 жойдагисигина ўзлаштирилмоқда. Ваҳоланки, фойдаланилмаётган конларнинг деярли ҳаммаси ЎзССР қурилиш материаллари вазирлиги балансида турибди. Коллегия вазирликнинг 13-беш йилликда 6,7 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш имконини берувчи янги қувватларни ишга солиш юзасидан берган қаттиқ вадасини эътиборга олиб қўйди. «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Навоий цемент заводи, Қувасой ва Бекобод цемент комбинатларини кенгайтириш мўлжалланмоқда. Шеробод ва Самарқандда 14-беш йиллик бошларида иш-

га тушадиган янги заводлар қурилиши бошланади. Янги қувватларни хом ашё билан таъминлаш мақсадида бир неча янги хом ашё конлари ўзлаштирилади. Бу ишлар 1995 йилдаёқ жумҳуриятимизда цемент ишлаб чиқаришини 15—16 миллион тоннага етказиш ва қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжларимизни ўзимизнинг ресурсларимиз ҳисобига қондириш имконини беради.

Жумҳурият сувоқ ва девор сиртини қоплаш учун зарур бўлган хом ашёга жуда бой. Бироқ, коллегия қарорида кўрсатилишича, ЎзССР қурилиш материаллари вазирлиги бу материалларнинг якка ҳукмрон ишлаб чиқарувчиси бўлиб олгани ҳолда хом ашё захираларини зарур даражада ўзлаштирмаяпти, маҳсулотлар ишлаб чиқаришининг ўсиши ва турли хиллигини таъминламаяпти. Буларнинг ҳаммаси қурувчиларни кўпгина бинони пардозлаш материалларини четдан келтиришга мажбур этмоқда. Коллегия пардозлаш учун зарур тошларнинг топилган захираларидан шу беш йилликнинг ўзида бу хом ашёни олишни 3—4 марта ошириш имконини беришини эътиборга олган ҳолда вазирликка аҳволни тез орада ўнглашни топширди.

Шунингдек, коллегия қурилиш материаллари вазирлиги билан бир қаторда жумҳуриятнинг бошқа вазирлик ва идораларига ҳам қоплама материаллар ишлаб чиқарувчи корхоналар тузишга рухсат бериш зарур деб топди. Бундай чора бу соҳага қўшимча молиявий ва материал-техник ресурсларни жалб этиш, якка ҳукмронликни йўқотиш имконини беради. Бу эса нафақат ишлаб чиқариш ҳажмини оширади, балки, маҳсулот турини кўпайтиради ва сифатини яхшилайди.

Коллегияда жумҳуриятнинг қурилиш гипси ва ганч қазиб олиш ҳажмини оширишда катта имкониялари борлиги таъкидланди. Учта йирик гипс кони ҳажмининг ўзиёқ 150 миллион тоннадан ошиқ бўлиб, улардан биттаси — Мамажўрғотин конигина ўзлаштирилган. Ундан йилига 400 минг тонна гипсли тош олинапти, унга эҳтиёж эса 720 минг тонна. Ҳозир етишмаётган гипсни Тожикистон, ҳатто, Россия ва Украинанинг чет минтақаларидан олиб келишга мажбур бўлинапти, Ўзбекистон ССР иқтисодиёт қўмитаси коллегияси ЎзССР қурилиш материаллари вазирлигидан жумҳурият ҳукуматининг гипс қазиб олишни кўпайтириш тўғрисидаги қарорининг сўзсиз бажарилишини талаб қилди. Бу вазифанинг бажарилиши 13-беш йиллик охирига бориб жумҳурият халқ хўжалигининг бу хом ашёга бўлган эҳтиёжини маҳаллий ресурслар ҳисобига тўла қондириш имконини беради.

Муҳокама давомида қурилиш комплексининг керамзит, оҳак ва гишт хом ашёсига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш имконини берувчи захиралар борлиги таъкидланди. Масалан, Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғисон мухтор жумҳурияти гишт ишлаб чиқариш ҳамда шу орқали ўз эҳтиёжларини тўла қондириш имкониятига эгалар. Жумҳуриятнинг тоғ ва чўл районларида бетон ва силикатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун улкан ҳажмда майда қурилиш материаллари мавжуд.

Коллегияда жумҳуриятнинг ўз шиша-ойнасини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган минерал хом ашё базасини яратиш масаласи жиддий ишлаб чиқилди. Маълумки, Ўзбекистондаги Қувасой ва Чирчиқ шиша заводлари Тожикистондан келтириладиган юқори сифатли қум билан иш-

лайди. Бу келтириладиган кварцли қумлардан қуйиш цехларида қолипловчи материал сифатида ҳам фойдаланилмоқда. 1995 йилга бориб жумҳуриятимиз халқ хўжалигининг бу хом ашёга бўлган талаби 850 минг тоннага етади ва ушбу эҳтиёж маҳаллий ресурслар билан тўла қопланиши мумкин. Вухоро вилоятидан Жирой ва Карманадаги конлар ўзлаштиришга тайёрлаб қўйилди. Биринчи навли қумлар тозаланмасданоқ шиша ишлаб чиқариш саноати ва қуйиш цехларида фойдаланишга яроқлидир. Шу боис, Навоий тоғ-металлургия комбинатига Жирой кони базасида шиша маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона қуриш топширилди.

Кармананинг қуми ҳам биринчи ишлов беришдан сўнг худди шу мақсадларга хизмат қилиши мумкин. Шу боис, яқин орада бойитиш фабрикаси қуриш мўлжалланган ҳолда бу кон очилмоқда.

Коллегия қурилиш материалларини геологик қидирув самарадорлигини ошириш, топилган конларни ўзлаштириш ва хом ашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида комплекс фойдаланиш учун қуйидагиларни зарур деб топди:

— давлат бюджети маблағлари камлиги ва ҳали фойдаланилмаётган хом ашё конларининг кўплигини ҳисобга олиб, эндиликда маҳаллий қурилиш хом ашёлари геология қидируви буюртмачилар билан тузилган шартномалар асосида ва уларнинг маблағи ҳисобига олиб борилсин;

— балансида қурилиш материаллари хом ашёси бўлган вазирилик, идоралар, корхона ва ташкилотлар қисқа муддатларда «Ўзбекгеология» (ГКГУ) бошқармасини жалб этган ҳолда бу конларни текшириб, уларнинг фойдаланишга яроқлилиги ва имкониятлари ҳусусида ЎзССР иқтисодиёт қўмитасига таклифларни топширсинлар;

— «Средазугол» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ангрэн кўмири кони минерал-хом ашёсидан фойдаланишнинг комплекс дастурининг бажарилишини, каолинни майдалаб сортга ажратувчи ва йўл-йўлакай олинадиган оҳактўшни қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга тайёрловчи фабрикани тезроқ қуриб, ишга тушириш орқали тезлаштирсин;

— Олмалик тоғ-металлургия комбинати Учқулоч конидан чиқаётган қўшимча карбонатли жинсларда уларни корхоналарга жўнатиш орқали фойдаланишни таъминласин.

Коллегияда, шунингдек, қурилиш материаллари учун хом ашё базасини яратиш мақсадида давлат бюджети ҳисобидан геологик қидирув ишлари олиб бориш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди. Фақат, бу, қурилиш соҳасининг эҳтиёж катта хом ашёларига нисбатан қўлланилади. Бундан ташқари, бошқа қурилиш хом ашёларини қидирув ишлари ҳам олиб борилади.

Коллегия кимё, геология, металлургия ва минерал хом ашёси бўлимига геология ташкилотлари билан ҳамкорликда жумҳурият халқ хўжалигини минерал-хом ашё ресурслари билан таъминлашни яхшилаш бўйича ишларни давом эттиришни топширди.

Коллегия ёқилғи-энергетика, қурилиш материаллари, ёғоч тайёрлаш ва ёғочга ишлов бериш, моддий баланлар ва ресурсларни тежаш бўлиmlарига химия, геология, металлургия ва минерал хом ашё бўлими билан ҳамкорликда йўл-йўлакай олинаётган, айниқса, Ангрэн кўмири конидаги, қурилиш материалларидан комплекс фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришни, шу ердан майдалаш-сорлаш фабрикаси қурилиши ва фойдаланишга топширилишни таъминлашни топширди.



«Савдо ходимлари харид вақтида хариддорлар берган эскирган ва йиртилган пулларни олишлари мумкинми?»

**Самариддин
СОТВОЛДИЕВ,
Жиззах шаҳри».**

Қалбаки эканлигига ҳеч қандай важ кўрсатмайдиган, улардаги сўзлар ўз аниқликларини сақлаган ҳар қандай ССЖИ Давлат банкининг пул белгилари тўловга асқотади.

Барча корхона, ташкилот, муассаса ва ширкатлар ҳеч қандай қаршиликсиз:

а) тешилган жойлари бор, йиртилган, бироз ранги ўчган, доғли, қалам ва сиёҳда ёзилган;

б) йиртилиб ва иккита бўлаги бир-бирига тўғри келтириб ёпиштирилган;

в) бўёқ тўкилганлиги сабабли ўз рангини йўқотган, увадаси чиққан ва ёнган;

г) ўз катталигини йўқотган пулларни тўловга қабул қилиб, ССЖИ банк ташкилотларига топширишлари мумкин.

«Кичик корхона» дегани нима? Уни қимлар ташкил қилиши мумкин ва у қандай имкониятларга эга?»

**Ваҳоб ЖАББОРОВ,
Қарши шаҳри»**

1990 йилнинг 8 августда ССЖИ Вазирлар кенгаши «Кичик корхоналарни ташкил қилиш ва уларнинг ривожига тўғрисида» 790-рақамли қарорни қабул қилди.

Кичик корхоналар халқ хўжалигининг ҳар қандай соҳасида турли маблағлар ҳисобига ташкил қилиниши мумкин.

Кичик корхоналар қаторига янги ташкил қилинаётган ва жорий корхоналар, чунончи саноат ва қурилишда 200 кишига яқин, фанда — 100 киши, ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида — 50 га яқин, ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган соҳаларда — 25 га яқин, савдода — 15 киши меҳнат қилаётган корхоналар киради.

Кичик корхоналар давлат ва бошқа ташкилотлар, шунингдек бирга-

ликда хўжалик юритувчи фуқаролар, оила аъзолар ва бошқа кишилар томонидан ташкил қилиниши мумкин.

Кичик корхона у жойлашган халқ депутатлари Совети ижроия комитетлари томонидан давлат рўйхатига олинган, ҳуқуқий асосга эга.

«Танишларим мендан қарзга пул олиб, тилхат ёзиб беришганди. Бироқ, уни нотариус орқали тасдиқлабмагандик. Муддат тугадию лекин улар қарзни ханузгача қайтармади. Пулни олиш учун қаерга муурожаат қилишим мумкин?»

**Тоҳир МАНСУРОВ,
Навоий шаҳри».**

Фуқаролар ўртасида қарз бериш ва олиш шартномаси ёзма равишда ёки нотариус орқали тузилиши мумкин. Жумҳуриятнинг Фуқаролар кодексигадаги 44-моддага кўра, юз сўмдан ортиқ пул олиш ва бериш шартномаси ёзма равишда тузилади. Агар томонлар бундай келишувга рози бўлишса, улар тилхатни ўз хоҳишларига кўра, нотариус орқали тасдиқлашлари ҳам мумкин. Зеро, бундай йўл унчалик шарт эмас.

Агар қарздор киши олинган пулни қарз берган кишига ўз вақтида қайтармаса у ҳолда қарз

берувчи судга мурожаат қилишга ҳақли. Ариза қарздор яшайдиган жойдаги судга берилади.

Судга мурожаат этиш учун қуйидаги ҳужжатлар керак:

— икки нусхадаги даъво аризаси;

— тилхатнинг нусхаси;

— давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

Агар даъво ариза қониқарли деб топилса давлат божи ариза берган кишига қайтарилади.

«Барча корхоналар касба уюшмаси аъзолари сонига қараб эмас, балки ишчиларнинг сонига қараб давлатнинг ижтимоий сугурга фондига маълум миқдордаги маблағни ўтказади. Шу билан бирга «касаллик варақаси»га пул тўлаш ишчининг касба уюшма аъзоси ёки аъзоси эмаслигига қараб тўланади. Бу — кишини касба уюшмаси аъзоллигига «зўрлаб» киритиш эмасми? Бундай қондага барҳам бериш вақти келмадимикин?»

*Раҳим ИСЛОМОВ,
Самарқанд вилоятининг
Иштихон райони».*

бўлган даврига ярим миқдордаги нафақа пули тўланади.

Ҳозирги вақтда мазкур қонданинг амалда бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ҳозирда «касаллик варақаси»га тўланадиган пул давлат ҳисобидан берилмоқда, касба уюшмаси аъзоллиги эса бу ерда ҳеч қандай ўрин касб этмайди.

Шунинг учун, ВЦСПС Президиуми нафақа тўлаш вақтида хизматчининг касба уюшмаси аъзоси ёки аъзоси эмаслигини эътиборга олмасликнинг тарафдори. Марказий касба ташкилоти ҳукумат бунини қонуний равишда ҳал қилиши учун ўз таклифини юборган.

«Мен икки болани катта қилдим. Иш фаолиятим 18 йилни ташкил қилмоқда. Социал таъминот бўлимида болаларни катта қилишга кетган йилларимни ҳисобга олишмади. У ерда айтишларича, янги қонун замонвий оналарга тегишли экан. Визнинг улардан нимамиз кам?»

*Рохатой ҚОСИМОВА,
Тошкент вилоятининг
Тошкент райони».*

пенсия билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорнинг 67-моддасига («З» пункти) кўра оналарнинг ёш боласини катта қилиш учун кетган йиллари (бунда 3 йиллик муддат назарда тутилмоқда, жами 6 йилдан ошмаса) иш фаолияти қаторига қўшилади. Модда 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киради. Бу имтиёз «замонавий ва замонвий бўлмаган» барча оналарга тааллуқли. Агар ким пенсиясини аввалроқ расмийлаштирган бўлса, уларга қайтадан ҳисоб-китоб қилинади.

Лекин масаланинг бир томонига диққатингизни тортмоқчимиз. Агар она ишдан бўшаган бўлса болани катта қилишга кетган вақт иш фаолияти ҳисобига киритилади. Агар ўша вақтда у ишлаган ёки ўқиган бўлса у ҳолда онанинг қанча боласи бўлмасин қўшимча 3—6 йил ўз-ўзидан ёзилмайди.

ХАТЛАР ВА ОММА

БИЛАН АЛОҚА

БЎЛИМИ

ССЖИда фуқароларни



Ҳақиқатан ҳам, ССЖИ Халқ Комиссарлари кенгаши ва Марказий ижроия қўмитасининг 1931 йилги «Ижтимоий сугурта тўғрисида»ги қарорига асосан касба уюшма аъзоси бўлмаган ишчи ва хизматчиларнинг вақтинчалик ишга яроқсиз



Эрта тонгдан кўчалар гав-жумлаша бошлапти. Баҳор нафасини туйиб одимлаётган одамлар аста-секин ўз иш жойларига йўл олишмоқда. Қўйсин ҳар тонг барвақт туриб, нонушта ҳозирлар экан, кун бўйи нималар қилиши кераклигини хаёлидан ўтказиб қўяди. Турмуш ўртоғини ишга, қизларини институтга ўқишга юборадю, кейин ўзи ҳам салкам ўн саккиз йилдан бери ишлаётган шифохонаси-

га кетади. Медицина-санитария бирлашмаси марказий клиник шифохонасининг жарроҳлик бўлимида ҳар куни унинг йўлига ўнлаб беморлар кўз тикиб ўтиришади. Улар шифокордан нажот кутадилар. Бундай кезларда Қўйсин саломатлигини тиклаш мақсадида келган кишилар ўзига қанчалик ишониб, интиқ бўлиб кутишаётганини жуда яхши ҳис қилади. Чунки ўзи ҳам қачонлардир шифокор-

нинг йўлига бутун вужуди билан интизор бўлганини яхши эслайди.

...Отаси «ёмонлар»нинг қў-

«ЎЗИМИЗНИНГ ЎЗБЕК АЁЛИ»

Тасвирли лавҳалар

лига тушиб, ниҳоятда оғир жароҳатланганди ўшанда. Онаси билан Қўйсин фақатгина унинг саломатлигини тилашарди. Шифокорлар хузурига боришарди. Отасининг қасаллари жарроҳлар ёрдами билангина тузалиши мумкин эди. Шифокор қўлларидан нажот излаган Қўйсин шу пайтлардаёқ жарроҳ бўлишни кўнглига тугиб қўйди. Бунга қарангки, онасининг орзуси ҳам қизиники билан бир хил экан.

Шу воқеа сабаб бўлдими, Қўйсин ўрта мактабни тугатиб Тошкент тиббиёт институтига ўқишга кирди. Астойдил интиланлиги туфайли бўлса керак, соҳаларга ажратилаётганда бу қизнинг жарроҳлик бўлимига ўтказиш ҳақидаги илтимосини инobatга оладилар. Ваҳоланки, бизнинг тараққий этган замонамизда жарроҳлик асосан эркаклар иши деб ҳисобланади. Тўғри, уларнинг орасида аёллар ҳам

бор, лекин жуда кам. Ўзбек аёллари эса санокли.

Институт имтиёзли диплом билан тугатилди. 1972 йилда Медицина-санитария бирлашмасининг марказий клиник шифохонасига жарроҳ-шифокор сифатида ишга кирди. Янги иш ўрганаётган шифокор тажрибали жарроҳлар, айниқса ўзининг устози, академик Восит Воҳидовнинг сеҳрли қўлларини синчковлик билан кузатаётган Қўйсин орадан тўрт йил ўтгач ўзи ишлаётган бўлимга мудир этиб тайинланди. Мана, ҳозирча шу ишда меҳнат қиляпти.

Қўйсинни бўлимдагилар



ди, — дейди Қўйсин. — Бир қишлоқда бир шифокор ҳамма беморларни даволарди. Ҳозирчи бир соҳани эгаллаган одам иккинчи соҳадаги беморни даволай олмайди. Биз ҳар бир касалликни фақат ўз мутахассиси даволасин деймиз, кўп ҳолларда одамларни «бор отангга, бор онангга» тарзида сарсон қилиб қўётганимизни билмаймиз. Шифокор авва-



замонавийлаштирибми, эркалабми, «Кларахон» деб ҳам аташаркан. Шифокорнинг нафақат сеҳрли қўллари, балки одамийлиги, ширин сўзлиги беморларга қувват бахш этади. «Бу аёлнинг ҳамisha очик кўнгил билан, жилмайиб соғлигингиз ҳақида суриштирганида, қанийди ҳамма шифокорлар ҳам шундай бўлишса, деб орзу қиламиз». Бўлимда даволанаётган ҳар бир бемор жарроҳ аёл ҳақида шундай сўзлайди.

Қўйсин эса шифокор ҳамма соҳадан хабардор бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

— Биласизми, илгариги пайтларни кўпчилик эслай-





ламбор катта қалб эгаси бўлиши керак, деб ўйлайман. Ахир беморлар айнан шу касбдагиларга ўз ҳаётларини ишониб топширадилар.

Қаҳрамонимиз фикрига қўшилмай иложимиз йўқ. Саломатлик посбонлари деб аталган кишиларнинг кўпчилиги ўз устида ишлашлари керак. Уларнинг аксариятида билим ва тажриба етарли эмас. Ёш шифокорларни тажрибалиларига бириктириб, касб сирларини ўргатишларига имкон бериш керак. Қўйсин иш юзасидан жуда кўп марта бундай масканларга бориб, малакасини ошириб қайтган. Айниқса Москва ва Ленинградда бўлганида тиббий муассасаларнинг жиҳозланишига, бу ердаги техникага ҳаваси келади. Беморларнинг касаллик диагнозини ниҳоятда аниқлик билан белгилаб берувчи аппаратлар, компьютерли топографлар бор. Бизда эса аҳолининг қанчалик кўп бўлишига қарамай ҳаттоки рентген аппаратлари ҳам кам. Минтақамизда, жумладан Ўзбекистонимизда шифокорлар етишмайди. Касалланиш ҳоллари эса бошқа жойлардагига нисбатан бирмунча кўпроқ. Шундай экан, тақсимот масаласида мамлакатнинг ҳамма минтақаларига тенг муносабатда бўлиш зарур. Акс ҳолда... Бунинг натижасини ўзингиз кў-

риб турибсиз, Ўзбекистонда оналар, болалар касаллиги йилдан-йилга ошяпти. Ҳудудимизда айниқса, ошқозон, ичак, юрак, ўпка, жигар касалликлари, айниқса «сарик касал» ўсиб кетди. Шифокор аёл ҳар сафар бу ҳол устида ташвишланиб гапиради. Буларнинг асосий сабаби илгарилари мусаффо бўлган осмонимиз булғанганидан, химия заводларидаги заҳарлар одамларга таъсир этаётганидир. Беморларни даволаш учун дори-дармонлар, шприцлар етишмайди. Агар ҳамма нарса етарли бўлса касалликларнинг бошқаларга юқиши ҳам кескин камайган бўлур эди.

Ҳа, табобат иқтисодиёти ҳам бугун мураккаб аҳволда.

Қўйсин Баҳодирова орзу қилган техника, дорилар, кенг ва ёруғ шифохоналарнинг қурилиши, беморларни даволаш ўринлари етарли бўлиши авваламбор иқтисодга боғлиқ. Узоқ йиллар давомида шуни тушуниб етмаганимиз бугун бизга сабоқ бўлаяпти.

...Жарроҳлик бўлими мудир хонага кирган аёлнинг қон босимини ўлчадию, «ҳаммаси жойида» дегандек жилмайиб қўйди. Яқиндагина ранги синиқиб, дунё кўзига тор кўринган бу аёл энди шифокорига миннатдорчилик кўзлари билан қараяпти. Бундан Қўйсиннинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Умуман, у турмуш ўртоғининг ҳамда икки қизининг ҳам табобат соҳасига алоқадор эканлигидан баъзан ич-ичидан фахрланиб ҳам қўяди.

Соғлиқни сақлаш аълочиси, биринчи категориядаги жарроҳ, ажойиб инсон, бўлинма мудир, уй бекаси, она, беморларнинг саломатлигини тикловчи посбон... Қўйсиннинг бугунги кунини шундай таърифлаш ўринли бўлса керак. Балки бу хислатларни давом эттириш мумкиндир. Лекин энг асосийси у ўзимизнинг «ўзбек аёли»...

Васида ТУРСУНОВА,
«Ҳаёт ва иқтисод»
учун махсус ёзилган.

Алексей ЖДАНОВ тасвирлари.





Маданият кўзгуси

тил билиш халқлар дўстлиги ва
иқтисодини мустаҳкамлайди

Швециялик Свен Ларссон:

«Мени, тарих, марка йиғиш, манзаралии отриткалар тўплаш, китоб ўқиш кизиқтиради. 450 дан зиёд китобим бор. Ўзбекистон тарихига ишқибозман. Шарқда Тошкент жуда машҳур экан. Мени Тошкент ҳақида ўйлаб қолдим».

Индонезиянинг Сурабая шаҳридан Лон Кин Сингх мактуби: «Қадрли Йўлдош Аълоев, мактубингни ҳузур қилиб ўқидим, отриткаларинг ва

менинг ёшим 17 да, мени тенгдошларим Бобби, деб аташади. Мени билим юртининг учинчи курсида ўқийман. Мени сизни Америкада маориф системаси билан таништиримоқчиман. Мени ўқув юртлири тарихи ва системаси кизиқтиради. Менинг бир неча саволимга жавоб берсангиз. Оилангиз, оила аъзоларингизнинг нималарга қизиқишлари, нималарни ёқтиришлари ҳақида ёзинг. Тошкент қаерда жойлашган? Олий таълим системаси, сизнинг эътиқодингиз ва институтни битиргандан кейинги истиқболингиз ҳақида ёзинг».

Буюк Британиянинг Лондон шаҳридан ўзбек маданияти билимдони Ширин Акинер ёзади: Қадрли Аълоев, мен ҳадемай азим Тошкент шаҳрида бўламан. Мени луғатлар қизиқтиради. Ўзбек тилининг бойиши, унинг тараққиёти мени ўзига ром этган. Сизнинг луғатингиз чиққанини эшитдим. Уша луғатдан нуска олиш иштиёқидаман. Мен ҳам машҳур тилшунос олим Ульман китобларидан Сизни баҳраманд этаман. Сизни ва оилангизни интизорлик билан кўриш орзусидаман. Энг яхши истақлар билан Ширин.

Тил билиш оқибатида жуда кўп чет эллик талабалар, олимлар, давлат арбоблари билан учрашиш ниятига эга бўлади киши. Тил билган ҳар бир кимсанинг билим доираси, мушоада-си кенгайди. Адабий, илмий, маданий ва иқтисодий алоқалар ривож топади. Оддий бир мисол. Мени институтда инглиз адабиёти ва тилидан мутахассис унвонини олдим. «Ўқитувчи» наشريётининг Чет тили ва адабиёти редакциясига ўтгач, (ўша пайтда «Ўрта ва олий мактаб» наشريёти дейиларди), немис, француз ва испан тилларини мустақил ўргандим. Аспирантура жараёнида араб тилини ҳам бироз ўрганишга тўғри келди.

Кези келганда шунни айтиш керакки, ўрта мактабда ўзбек тили, инглиз, француз, немис тиллари билан бирга шарқ халқлари тилларини ўрганишга жиддий эътибор бериш керак. Тил-маданият кўзгуси. Тил билиш дўстликни мустаҳкамлайди?

Йўлдош АЪЛОЕВ,

Тилга эътибор, элга эътибор, деган нақл бор халқимизда. Ешлигимизда ўзбек, қозок, қирғиз, туркман, татар, турк, озарбайжон, осетин болалари бир ота ва бир она фарзандлари каби кўй, сигир боқардик, биргаликда чўмилар, ҳар хил ўйинлар ўйнардик, бир мактабда таълим-тарбия ва билим олардик. Турли тилларда суҳбатлашардик. Миллат айириш бизлар учун ёт эди. Уша пайтларда ўрганган тилларимиз ҳамон хотирада муҳрланиб қолган.

Кейинчалик ўрта мактабнинг юқори синфларида чет тилини алоҳида қизиқиш билан ўргандим. Меҳнат Қизил Байроғи орденли 24-мактабга чет элдан меҳмонлар тез-тез ташриф буюришарди. Ҳинд делегацияси келса, бизга жон қиради. Делегация келиб кетгач, инглиз тилига бўлган қизиқишимиз яна ортарди. Инглиз тили ўқитувчимиз (ҳозир Тошкент Давлат чет тиллар институтининг доценти Фаина Марковна Бершадская) бизларда инглиз тилига нисбатан қизиқиш уйғота олган эди.

Инглиз тилига бўлган муштоқлик мени Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтига етаклаб келди. Уша кезларда институтимизда Халқаро Дўстлик клуби фаол ишлар, жуда кўп талабалар чет эллик студентлар билан хат орқали алоқа қилар эдилар. Шу жумладан мен ҳам Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари, Бразилия, Швеция, Германия, Индонезия, Ҳиндистон каби ўндан ортиқ мамлакатларнинг талабаларидан хат олиб, уларга жавоб ёзардим.

Ажабланарлиси шундаки, барча чет эллик талабалар миллатидан қатъи назар, хатни инглиз тилида ёзишар ва бизларни «руслар» деб аташарди. Хат муаллифларини кўпроқ Ўзбекистон тарихи, маданияти, ўзбек халқининг урф-одатлари, турли маркалар, отритка-суратли хатлар тўплаш қизиқтирарди. Мактублардан намуналар:

*Тилда халқнинг бор йўғи,
унинг бутун ватани гавдалана-
ди... Тил халқнинг ўтмиш,
ҳозирги ва келажак авлодини
буюк бир яхлитликка, тарихий,
жонли бир жипсликка айланти-
рувчи энг ҳаётлий, энг бой ва энг
мустаҳкам воситадир.*


К. Д. УШИНСКИЙ.

маркаларинг учун гоят миннатдорман.. Энди икки оғиз сўз дунё воқеалари ҳақида. Шарқ мамлакатлари мустаҳкамланиб бормоқда. Индонезия ва Советлар Иттифоқи ўртасида муносабатлар тобора яхшиланмоқда. Биз Индонезия мустақилликка эришган куннинг ўн беш йиллигини байрам қилаймиз».

Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳридан толиба Аша Бҳаргава ёзади: «Қадрли Аълоев, сендан мактуб келганида мен Аллоҳободда эдим. Опам фарзанд кўриш арафасида эди. Мени унга ёрдам бердим. У қизли бўлди... Ҳозир Калкуттада куллар иссиқ, тунлари илик. Менинг ажойиб ҳовлим бор. Саҳнида гуллар жуда кўп, мен уларга ҳар куни сув сепаман. Сен юборган суратни олдим. Мени ўз суратини юбора олмайман. Бизнинг одатимизга кўра, қиз бола турмушга чиқмасидан расмга тушмайди. Отаноамиз бунга йўл қўймайди. Суратни кейинроқ юбораман».

Америка Қўшма Штатлари, Филадельфия, Пенсильваниядан толиба Роберта Сваффорд: «Қадрли Аълоев,

СОН
"Неча"



Журналимизнинг ўтган йил тўртинчи сонидан мухбиримиз Шухрат Иброҳимовнинг «Бугунги мардикорлар» мақоласи эълон қилинганди. Ёш журналист мардикорликни бошдан кечириб, бу муаммонинг иқтисодий ва социал томонларини очиб берганди.

Самарқандлик мухбиримиз Нусрат Раҳматов бу тадқиқотни давом эттирди. Тўғри, у мардикорлик қилган эмас, аммо уйига олиб келган мардикорнинг сардафтарини варақлаб, уни қоғозга туширди.

Талай мулоҳазаларга кўра, биз мардикорнинг номини андак ўзгартириб, Раҳмон деб аташга қарор қилдик. Аммо у ҳақдаги бошқа маълумотларни ўз ҳолча берамиз. Бу йигит (19 ёшда) Жиззах вилоятидан бўлиб, оилавий жанжал сабабли аразлаб кетган. Ўтган йил кузда Самарқандга келиб турли дайдилар рўзгурзонлик қиладиган ғишт заводи хумдонидан Гена деган йигит билан танишиб, мардикорлик қила бошлаган. У ёғини ўздан эшитсангиз маъқул, албатта. Аммо тагин шунки қўшиб ўтишимиз жоизки, мухбиримиз ижодкор сифатида масаланинг маънавий томонларига кўпроқ эътибор берган.

Пулсан?

Хуллас, мардикор йигитнинг саргузаштлари бутурур.

Регистондан ўтиб, бир неча қадам юришимиз билан тўп-ланиб турган оломон мардикорлар эканлигини дарҳол сездим. Уларнинг аксарияти асабий, серзарда одамлар бўлиб туюлди менга. Мардикорларнинг кўпчилиги тинмай арзон сигарет чекар, баҳслашишарди. Худди бизникидек, уларнинг ҳам кийимлари эски, ғижимланган эди. Бу одамлар орасида ўсмирлардан тортиб, олтмишларни қоралаб қолган даққи эркакларгача бор эди. Уларнинг ёшигина эмас, тоифаси, миллати ҳам турли-туманлиги сезилиб турарди. Азбаройи бола-чақаси-

ни боққани келган деҳқондан тортиб, бир замонлар киборлар жамиятининг арзандаси бўлиб, кейин баднафслик ё ичкилик сабаб шу кўйга тушиб қолган сипойи амалдоргача, ногаҳонда стипендиядан маҳрум бўлган студентдан тортиб, бетайин мусофиргача бор эди бу тонгги анжуманда.

Хўжайинлар (бу ерда уларни «сойбикор» дейишаркан) озчилик, лекин дарҳол кўзга ташланишади. Улар кўп ҳолда тожикча гап бошлашса ҳамки, ўзбекча, русчани равон гапиришади. Хўжайин яқинлашиши билан айрим мардикорлар уларга пешвоз чиқар, қиёфаларига ҳокисорлик, меҳнаткашлик хислатларини беришга уринишарди. Сойбикорлар эса кўп ҳолларда гавдаси йирикрок, мускуллироқ мардикорларни излашарди. Мен Генадан анча ёш бўлсам ҳам гавдам у билан тенг эди. Шунга қарамай бизга эътибор беришмасди. Ёнимиздаги икки студентни бир аёл йигирма сўмдан ёллаб, том сувоққа олиб кетгач, бақалоқ амаки мен томон дадил юриб келди-ю ҳа йўқ, бе йўқ сўради.

— Сен неча пулсан? Ўрнимга пахта теришга борасанми? Қунига ўн сўмдан бераман. Майли ўн беш сўмдан. Бўптими?

Мен нима дейишни билмадим. Менинг ўрнимга Гена жавоб берди.

— Биз икки кишимиз, бир-биримизни ташлаб кетолмаймиз.

Сойбикор ўгирилиб кетди. Мен кун бўйи пахта териб, шимилдириқ ҳам ололмаган кунларимни эсладим.

Шу орада бир чол Генага ҳам харидор бўлди. Ўтин ёришга олиб кетмоқчи бўлди. Аммо бу савдо ҳам пишмади. Шундан кейин биз томон бирор киши йўламади. Ҳадемай одамлар ҳам сийраклашиб қолдилар. Гарангсиб турганимизда, дўппи кийган (буниси ҳам бақалоқ) бир киши келдию сал нарироқда туриб,

ариқ қазиш учун тўрт киши кераклигини айтди. Гена иккаламиз ҳеч иккиланмай унга яқинлашдик. Бизга бир деҳқон билан студент ҳам қўшилди. Хўжайин ўн беш сўмдан тўламоқчи бўлди. Биз индамадик. Сукут эса — аломати ризо.

Хўжайиннинг эски маркадаги «Волга»си бизни шаҳардан ташқарига олиб чиқди. Кейин катта кўчадан ўнгга бурилиб ҳам анча юрдик. Ниҳоят бақалоқ тормоз босди. Бу ер чойхона, магазин, сартарошхонага эга бўлган кичик қишлоқ эди. Машинадан тушгач, атрофдаги одамлардан бегонасираб, андак хижолат чекиб турдик. Сойбикор қадимги бойларга хос виқор билан қаршимиздаги ариқни кўрсатиб, «ремонт» қилишимиз зарурлигини уқтирди.

Азбаройи ишнинг кўзини қилишидан бўлса керак, деҳқон беихтиёр ишбоши бўлиб қолди. У студент иккаламизга ариқнинг икки рошини текислаб кетишни тайинлади. Гена икковлари бўлса, ариқнинг остини тозалашмоқчи бўлишди. Гарчанд белкуракларимиз занглаган бўлса ҳам студент иккаламизга ғайрат билан ишга киришиб кетдик. Анчайин узоклашганимиздан сўнг, деҳқон бизни чақирди.

— Бунча тез ишлаш шартмас, — деди меҳрибон оҳангда, — бундайига ўзларингни чарчатиб қўясизлар.

Биз шаштимиздан тушиб, уларга кўмаклаша бошладик. Тупроқ остидан эски калиш, чинни синиқлари каби балобаттарлар чиқар ва биз уни тупроққа қўшиб нари улоқтирардик. Чойхонада ҳам ёшяланглар тўпланиб, қозон илишди. Хўжайинимиз ялпайиб ўтирганича сабзи тўғрай бўшлади.

Бирор соатлар чамаси ишлагандик, шекилли, қайданам бир отахон пайдо бўлди ва чойхонадагиларга дашном бера бошлади.

— Шунча йилдан бери ҳашар қилиб қазирдик. Сув ичадиган ариқларингни ҳам мар-

дикор қазийдиган бўлдимми?

Чойхонадаги бекорхўжалар ноўнгай бўлишди, шекилли, гапни ҳазил-мутойбага буришди. Ҳалиги бақалоқ отахонга кампирлар ҳақида гапириб, зўрма-зўраки аския қилди. Отахон яктагини шартта ечди-ю дарахтга илиб, олдимизга тушганича ариқ қазишга киришди. У кетмонни аниқ мўлжалга урар ва зилдай оғир лойни чаққонлик билан нари улоқтирарди. Мўйсафид биз билан бир оғиз ҳам гаплашмади, баракс нохуш қовоқ уйиб ишлайверди. Унинг бир ўзи ҳам ариқнинг ёнини текислар, ҳам остини тозалар ва энг хижолатлиси, тўртталамиздан кўпроқ юмуш бажарарди. Биз ноўнгай бўлиб, тезроқ ишлай бошладик. Ҳарқалай отахон тин олди. Кейин қўлини силтаб, яктагини кийди. У жўнаб кетиши билан биз ҳам чойхонадагилар ҳам енгил тортидик. Ҳалигилар мўйсафидни бироз ғийбат қилишди. Тушликка бизни чойхонага чақиришни эп кўришмаган бўлишса ҳамки, одамгарчилик юзасидан ош бериб юборишди.

Мардикорликнинг биринчи кунини шундай кечди. Шундан кейин Гена билан икки кун шаҳарда санқиб юрдик. Жамғармамиз тугаб, тирикчилик ваҳимаси босгандан кейин нажот маскани — мардикор бозорига йўл олдик. Бу гал харидоримиз серсавлат, калондимоғ ака бўлиб чиқди У ҳам «Волга» сига таклиф этди. Биз негадир савдолашмадик ҳам.

Дастлаб уни катта амалдор деб ўйлагандим, кейин билсам шунчаки врач экан. Унинг ҳовли-жойи жуда серҳашам, дабдабали эди. Мен ганчкорлик қилган айвонни, бир-бирини такрорламайдиган қимматбаҳо қандилларни, жимжимадор қилиб бўялган устунларни ҳеч қачон кўрмагандим.

Хўжайиннинг таклифи билан Гена иккаламиз ҳовли ўртасидаги ёзлик айвонга қўйилган стол атрофидан жой олдик. Лекин қимматбаҳо стул-

ларга ўтиргач, ўзимизни ноўн-гай сеза бошладик. Кейинроқ ўйлаб кўрсам, ўшанда бизни бунчалик ноқулайликка солган нарса хўжайин билан орамиздаги тафовут экан. Атрофдаги ҳамма нарса: муомаладаги нописандликдан тортиб, ногаҳоний ҳашамгача сени хору хасдай беқадр эканлигини ёдингга солаверса, ўзингни эркин тутиб бўпсан?!

Хўжайин русчада анча чайнаиб, айвон ёнидан ёмғир суви учун чуқур қазимиз кераклигини айтди. У ноўнғайликдан чиқиши учун атайин ўзбекчалаб кетмон, белкурак сўрадим. У тагин рус тилида алланималар деб гўлдиради.

Хўжайин ишдан тушдан сўнг келди. Унинг ланж қиёфасидан ишимиздан мамнунлигини ҳам норозилигини ҳам англаб ололмадик. У айвондаги креслога ялпайиб ўтириши билан икки киши кириб келди. Ёши каттароғи ўзича ҳазилмутойиба қилгач, муддаога ўтди.

— Иккаламизни Тожикистонга тўйга айтиб кетишган. Боргандан кейин бир-икки кунда қайтиш мушкул...

— Тушунарли, тушунарли,— ҳиринглаб унинг сўзини кесди хўжайин ва папкасини очиб иккита тоза бюллетен варақаси чиқарди. Суҳбатдошларига пайдар-пай саволлар бериб, жавобларини қоғозга туширди. Меҳмонларнинг ёшроғи иккала бюллетенни ҳам олди-ю стол чеккасига учта ўн сўмликни қўйди. Хўжайин шу пулни бизга берди.

Ҳаёт шу тариқа бир маромда давом этаётган эди, аммо бир куни фалокат босиб, хумдонимизни милиция босди. Одамлар пуллари, ҳужжатларини иширишга киришдилар. Баримизни бир машинага жойлаб бўлинмага олиб боришди. Капитаннинг тортмасида бир талай суратлар бор эди. Ҳар биримиз билан гаплашганда, суратларга қараб-қараб қўярди. Генага икки кун давомида Самарқанддан чиқиб кетишни таклиф этишди,

акс ҳолда ёмон бўлишини таъкидлашди.

— Отинг нима, қаердансан,— сўради бошлиқ мендан, у билан юзма-юз бўлгач. Гена айтгандай қилиб, батамом бошқа ном ва жойни тилга олдим. Капитан ёнимдаги милиционерга маъноли имлади. У мени қўшни хонага олиб кирди.

— Нега ёлғон гапирасан, найрангвоз,— деди у иккаламиз ёлғиз қолгач,— кимни лаққиллатмоқчисан?

— Ёлғон эмас!— рад этдим.

Шу пайт милиционер столни (атайин) тебратиб юборди. Унинг устидаги ручка гилдираб тушиб кетди.

— Ол,— деди ручкага имлаб буйруқ оҳангида.

Мен энгашиб уни оламан деганда, аблаҳ биқинимга зарб билан тешиб юборди. Азбаройи нафасим ичимга тушиб кетди. Бу гал ростини айтдим. Улар мени Жўззах шаҳар ички ишлар бошқармаси ихтиёрига юбормоқчи бўлишди. Эртаси уларнинг кўзини шамғалат қилиб қочдим.

Мен мардикорликка жуда кўникиб қолгандим. Уч маҳал овқат, яхши муомала, ўз вақтида ҳисоб-китоб деганларидай. Шу орада гишт заводига ишчи бўлиб ҳам кирдим, аммо биринчи ҳафтадаёқ мардикорлик чандон устун эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Чунки қайноқ хумдондан қўлни куйдирадиган даражада иссиқ гиштни олиб чиқиш жўн иш эмасди. Ана шу машаққатли юмуш учун кунига олти-етти сўм ёзарди холос. Мардикорнинг тагин шуниси маъқул эдики, турли тоифадаги одамлар билан юзма-юз бўлардим. Бу ўринда Боғибаланд қишлоғидаги бир оила ҳақида гапириб берсам ортиқчалик қилмас.

Уша куни ўттиз ёшлардаги хушқомат киши мени Регистон-Боғибаланд автобуси билан шаҳарнинг бошқа томонига олиб берди.

— Лойхоналарни кўма-

сан,— деди нима иш қилишим билан қизиққач.

Биз унча катта бўлмаган дарвозадан ичкари киришимиз билан тахминан йигирма беш ёшлардаги бир жувон истиқболимизга чиқди. Уни гўзал, сулув, шоҳиста дейиш камлик қилади. Ҳис-туйғулари ўтмаслашиб қолган эркак ҳам бу сиймони кўрганда, табиат шу келинчакка келганда бор маҳоратини ишга солганига ишонч ҳосил қилиши турган гап эди.

Хўжайин унга тожикчалаб алланима деди. Жувон эхтиром ила унинг гапини маъқуллаб турди. Жувоннинг нозик табассуми билан маъқул ишорасини қилиб бош тебратиб туриши бетакрор эди. Мен бу даргоҳда ўзгача меҳр билан меҳнат қила бошладим. Аммо тагин фалокат юз бериб қолди. Хумдонда Бекмурод деган бетайин бир киши билан дўстлашиб қолдим ва картада беш-юз сўм бой бердим. Буни сезиб қолган бека менга беш юз сўм берди. Тўғри, мен кейин шунга яраша ишлаб ҳам бердим, аммо, унинг ногаҳоний бир мардикорга ишониши мени ҳаяжонга солди. Уни бир меҳрибон опадай яхши кўриб қолдим ва ҳозир ҳам ҳафта-ўн кунда уларникига бориб тураман.

Энди хумдонда тунамайман. Квартира олганман. Ўзим профессионал мардикорга айланганман. Хўжайин мен эмас, мен уни танлайман. Бетон, лой ишларга бормайман. Шунингдек, ҳар кунига йигирма сўмдан кам ҳақ берадиган ишни ҳам рад этаман.

Мен мардикорлар кооперативи ёки биржаси тузилишига рози эмасман. Агар тузилса ҳам мен уларга бормайман. Чунки мен батамом эркин одамман шундай бўлиб қолишни истайман. Бироз пул тўпласам, Боғибаланддаги бекага элтиб бермоқчиман. У менга қаллиқ топишга, тўйимга раҳнамолик қилишига ишонман.

Ям-яшил дарахт

Бу оила аъзолари Шарқона таомилга тўла риоя қилишларини билардик.

— Ассалому-алайкум!

— Воалайкум ассалом! Келинлар болаларим, — ичкарига ундади Мунаввархон ая очиқ чеҳра билан.

Қимтиниб остонадан ҳатлаймиз. Мунаввархон ая фотиҳага қўл очади: яратганга миннатдорлик, юртга омонлик, элга фаровонлик, ўтган кунларга, ноз-неъматларга шукроналик, ёшларга фазлу камол, беморларга шифо, мусофирларга илтифот, ҳокимларга инсоф-товфиқ, олимларга ақлу заковат тилайдилар, сўнг бирин-бирин тан-сиҳатлигимизни сўрайдилар.

Хонадон соҳиби Саидахмад домланинг саксон ёшга қадам қўйганлари баҳонасида қадам ранжида қилганимиз-муддаомизни баён этамиз.

— Тиш дўхтирига чиқувдилар. Кексалик. Ҳозир келиб қоладилар.

Бир зумда ноз-неъматларга тўла дастурхон ёзилди. Ҳаворанг пиёладан иссиқ чой ҳовури кўтарилади. Мунаввархон ая бу йилги идди рамозон байрами ҳақида ҳаяжон билан сўзлайдилар...

Ёшиқдан Саидахмад домла кириб келади. Одатга кўра, ўрнимиздан илкис тураемиз. Домлани тўрға ўтказиб, ҳол-аҳвол сў-



саксон ёшли иқтисод фанлари доктори, профессорнинг ҳаёти ва фаолияти хусусида

раймиз. Узун, қуюқ суҳбат бошланади...

Суҳбат орасида кўз қиримиз билан ҳовлини кузатамиз. Майин баҳор насми эсади. Ҳовлида гуркираб турган ям-яшил мева-ли дарахтлар оҳиства тебранади. Хаёлга беихтиёр бир тоза, нафис қиёс урилади: улар билан Саидахмад домла оиласи ўртасида рамзий ўх-

шашлик бор! Ахир, Саидахмад домла шигил ҳосилли ям-яшил дарахтга ўхшамай-

дими? Бошқа қиёсга ташбеҳга ўрин йўқ. Ахир, навқирон ни ҳолнинг воёга етиши, ширин-ширин мева тугиши учун муъйян фурсат, омилкор боғ-бон меҳнати зўрур бўлганидек, баъзи одамнинг ҳам ўиб воёга етиши, қонил инсон бўлиши уун муайян макон ва замон, муҳит ва меҳнат, устод ва дўстлар а-рурлиги шубҳасиз-дир!..

Инсон ақли камолга етган сари, умрининг тўлқинли ўзанлари ортида қолгани сари ўз-ўзига ҳисоб бер бошлайди: ҳаётнинг олий неъматини бўлга умрни қандай ўтказдим? Одамларга яхшилик қилолдимми? Ҳалоллик, ростгўйлик, поклик, меҳнат, диёнат, садоқат кўчаси муюлишларида адашмадимми? Ўзимдаги яхши деб юрган фарзилатларимни фарзандларимга, шогирдларимга, дўстларимга юқтиролдимми? Ҳалқим учун нима қилдим! Одамлар ишончини оқлай олдимми?.. Саидахмад домла ўз-ўзига бундай саволларни кўп марта берган ва умр йўлларини бир-бир сарҳисоб қилиб қалбида жўш урган ҳаяжон ва ҳиссиёт ара-лаш қониқарли жавоб топа олган.



1910 йил баҳорининг бошида Ғуломхон маҳдумни Сорахон ая учинчи ўғил фарзанд билан суюқтирди. Унга китоб сийиб Саидахмад деб исм бердилар. Уша йили бехор яхши келган, ям-яшил дарахтлар шоҳида шигилшиғил ҳосил эди. У йилларда Тошкент шаҳри ҳозиргидек ғала-ғувир эмас, фақат араб тортган отларнинг пишқириғи осойишталикни бузиб турар, иморатлар япасқи, кам-кўрким эди. Ғуломхон маҳдум марасада илми-тодиларга сабоқ берар, ёз йиларида боғбонлик ва деҳқончилик билан шуғулланарди. Сорахон ая маҳалла қизларини ўқитар, дини кетган отин эди. Саидахмад ҳам акалари Одилхон, Яҳёхон, Саидакромхонни бошланғич санодини — ҳақиқий ҳаёт сабогини отасидан олди. Одилхон ўн тўрт ёшида Қуръони Каримни ёд олган — қори бўлган эди. Лекин, ҳаёт аччиқ экан! Отаналари фарзандлари камолини кўролмади ҳаётдан кўз юмдилар. Яҳёхон билан Саидахмад интернатда тарбияланди. Одамнинг боши — палахмоннинг тоши, уни тақдир хоҳласа у ёнга, хоҳласа бу ёнга улоқтиради, деган халқ нақли рост бўлсада, яхши одамлар бор экан, улар етти етимчадан ширин сўзларини, беминнат ёрдамларини дариг тугмадилар. Етимлар янги ҳаёт бағрига шўнғидилар. Болалик ўсмирлик билан алмашинди...

Тарихимизнинг 30-йиллари Саидахмад Ғуломов ҳаётига ҳам ўз муҳрини босди. Янги мактаб дарсхоналарида даврининг ўтли нафаси уфуриб

турар, мафкуравий кураш хусусида соатлаб баҳслар кетар, илмга чанқоқ ўт-олов ёшлар янгиликка ўч эдилар. Комсомолнинг обрўси баланд, жамоат ишлари қайнаб ётарди. Саидахмад тарих ва иқтисодиёт фанларини пухта ўзлаштирар, бошқалардан нимаси биландир фарқ қиларди.

Саидахмад Ғуломов 1930 йили Ўрта Осиё режа-иқтисод институтига кириб ўқий бошлади. У пайтлар иқтисодчи мутахассислар кам, уларга талаб кучли эди. Саидахмад Ғуломов талабалик йилларидаёқ ТошМИда, сўнгра қишлоқ хўжалик институтида сиёсий иқтисод фанидан дарс бера бошлади. Давр шитобли, мафкуравий жанжаллар гулхани ловулларди. Шу тариқа қатарон йиллар бошланиб кетди. Унинг даҳшатли эпкинни Яҳёхон ва Саидахмад Ғуломовлар ҳаётига ҳам тегиб ўтди, Фарғона вилояти Киров райони ижрокўмининг раиси бўлиб ишлаётган Саидакром Ғуломов қамоққа олинади. Акаларининг «гуноҳи» учун Тошкент олий мактабларида муаллимлик қилаётган Яҳёхон ва Саидахмад Ғуломовлар ҳам ишдан ҳайдалади. Бу сарғардонлик уч йилга чўзилди. Оталари бундай дегувчи эдилар; Пок кишининг ипоқликда айбланиши энг катта ҳақоратдир! Тухмат туфайли тушган тақдир ёзирининг даъвоси — сабр-тоқат ва қаноатдир! Жабрни сабр билан енгмоқ комил инсонлардан меросдир. Аюб пайғамбар бошига етмиш уч йил тухмат тоши ёғилди, ул жафога сабр айлаган ҳазрати Аюбни худо

жаннатга киритди...

Акалари тухмат балосидан фориг бўлгандан сўнгра Яҳёхон илмий изланишларини давом эттирди. Саидахмад эса Ўзбекистон ССР Давлат режа қўмитасида ишла бошлади.

1941 йил Улуғ Ватан уруши бошланиб қолди. Саидахмад Ғуломов зиммасига Харьков шаҳридаги каноф фабрикасини Тошкентга кўчириб келиш ва тез фурсатда ишга тушириш вазифаси юклатилди. Вақт зиқ, масъулият катта, арз-қолга ўрин йўқ эди. Уйдан кўра идорада ухлаган кунлари кўп бўлди. Қишлоқма-қишлоқ юриб 4 минг қари-қартанг, болалар ва аёлларни зарбдор қурилишга жалб этди. Фабрика қурилиши беш ойда тугалланди.

1942 йил Саидахмад Ғуломов Шаҳрисабзда ҳисобчилар тайёрлайдиган қисқа муддатли курс очишга жалб этилди. Уч йил ичида 1200 нафар ҳисобчилар тайёрлади. Уша йилларда мамлакат бошига тушган кулфат ва жароҳатнинг зардоблари ҳар бир қалбдан сизиб турарди. Йигитлар кетма-кет фронтга отланишар, ҳалок бўлганлардан «қора хат»лар келар, ҳаёт маромига дарз кетган эди... Уруш ҳақларимизнинг Ғалабаси билан тугади. Қон кечган йигитлар зафар билан аскарликдан қайтишди. Қадди дол деҳқонлар кўкрагига шамол тегди. Қайгу қувонч билан, йиғи кулги билан алмашинди.

Ғалаба баҳорида Саидахмад Ғуломов ҳам Шаҳрисабздан Тошкентга қайтиб келди ва юридик институтида дарс бера бошлади. Йигитлик

йиллари тизгинсиз ўтиб борарди. Уйлаб қарса, ўттиз беш ёшни уриб қўйибди-ю, ҳали уйланмабди. 1945 йилнинг баҳорида Баландмачит маҳалласидаги ҳовлига ўн етти ёшли Мунаввархон Ғаниева зебо келин бўлиб тушди. Мунаввархон хонадонга қуёшдай нур олиб келди. Биринкетин бир-биридан ширин, лазиз фарзандлар туғилди. Уларга Саидахроп, Саидаасроп, Феруза деб исм бердилар...

— Мулла ака, бир гап айтсам койимасизми? — деди бир кун эрталавки чой устида Мунаввархон ая Яҳёхон Ғуломовга чой узатар экан.

— Нега койир эканман, гапиринг келин, — дедилар у киши.

— Сиз катта олимсиз. Укангиз эса илм билан шуғулланмайдилар. Оз-моз ёрдам берсангиз бўлармиди!

— Дилимдагини топиб айтингиз, «Илм қилинг!» дейишдан армон қолмади. Нуқул соғлигимга тўғри келмайди, деб баҳона қилади. Энди икковлашамиз, эрингизни олим қилишга сиз ҳам манга ёрдам беринг, — дедилар Яҳёхон домла мийиғида кулиб.

Бу сўзлар далда бўлиб, Саидахмад Ғуломов бўш вақтларида архивга қатнай бошлади. Лекин, болаликдаги ниҳоясиз қийинчиликлар, уруш йилларининг қаттиқ қарҳатчилиги Саидахмад Ғуломов соғлиғига путур етказган эди. Шу боисдан унинг тўшакда ётиб қолган кунлари ҳам кўп бўларди. Орзунинг ушалиши қийин кўчди: Мунаввархон ая 1-пойафзал фабрикасида ишлар,

эрини эрталаб архивга қўйиб, ишдан қайтишда бирга олиб келарди. Баъзан ёнида кун бўйи ўтириб, ёзувчизувларига қарашарди. Қимирлаган қир ошар, деганларидек, ният рўёбга чиқадиган кунлари келди. 1948 йил Саидахмад Ғуломов Плеханов номидаги Москва халқ хўжалиги институтида фан номзодлиги диссертациясини ҳимоя қилди. Москвалик олимлар ўзбекистонлик иқтисодчи олимнинг илмий ишини юксак баҳоладилар.

Саидахмад Ғуломов кўп йиллардан бери Тошкент халқ хўжалиги институтида доцент, сўнг профессор, кафедра мудири бўлиб ишлаб келадилар. 1975 йил докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У кишининг ташаббуси билан «Халқ хўжалиги тарихи ва иқтисодий таълимот» кафедраси ташкил этилди. У бир неча монографиялар, рисолалар, илмий мақолалар муаллифи ва муҳаррири. Бутунитифоқ ва жумҳуриятлараро конференцияларда маърузалар қилди. Унинг раҳбарлигида 3 нафар фан доктори, 30 нафар фан номзоди етишиб чиқди. Умр бесамар ўтмади. Эл орасида номи танилган фан заҳматкаши ва камтар инсон ўзи ва бошқаларга талабчан бўлиб, шогирдлар: дўстлар, фарзандлар камолоти йўлида тинмай меҳнат қилди. У умрини одамларга яхшилик қилиш, саховат ва зиё бахш этишдек улуг мақсадга бағишлади. Профессор ёш олимлар, муаллимлар даврасида ушбу сўзларни такрор-такрор айтади: «Муаллим ишида қийинчиликлар жуда кўп, масъу-

лияти ҳам улугдир. Бирор фанни ўқитиш, албатта, энг асосий иш. Талабалар ҳамма нарсада муаллимларига тақлид қиладилар. Шу боисдан муаллим ўзининг дунёқарashi, хулқ-атвори, ҳис-туйғулари, хатти-ҳаракати талабаларнинг ниҳоятда кучли назорати остида бўлишини доим англаб туриши муҳимдир. Ҳеч бир касб эгаси муаллим-устоздек олий мартаба ва ҳурмат-иззатга сазовор эмас. Виласизларми, ота-она, жамият энг қимматли мулки — орзу-умидлари ва келажаги бўлган болаларини муаллимларга ишониб топширар экан, муаллимлар ҳам бу ишончни беистисно оқлаши лозим. Ҳама гап шунда!»

Ўзбекистон ССЖ халқ маорифи аълочиси, устоз-муаллим Саидахмад Ғуломовнинг бу ўгитларида катта мантиқ бор!..

Мунаввархон ая профессор Саидахмад Ғуломовнинг қувонч ва ташвишларига бир умр шерик бўлди: борига қаноат қилди, ширин муомаласи, доно маслаҳатлари билан мушқулини осон қилишга интилди. Ая турмуш ташвишлари, рўзгор юмушларидан ортмасада, домладан ортда қолмади. Ўттиз ёшида Тошкент халқ хўжалиги институтининг кундузги бўлимига ўқишга кирди. «Қийналиб қолмасми-кансиз?» деганди институт ректори Муҳаммаджон Қориев. «Домланинг илмий иши, фарзандлар тарбияси, рўзгор юмушлари деб вақтида ўқий олмадим. Энди фурсат етди. Айнан кундузги бўлимда ўқимасам бўлмайди», деганди ўшанда Мунаввархон ая. Ая институтни би-

тириб, кўп йиллар Тошкент политехника институтида муаллимлик қилди, шу ердан пенсияга чиқди.

Оилада уч фарзанд вояга етди. Ота-она фарзандлар камолида бири ой, бири қуёш бўлиб парвоналик қилдилар. Болалар шарқона удумлар руҳида камол топди. «Болаларни деб, бутун умрим мактабда ўтди — дейди Мунаввархон ая. — Уларнинг фанларни ўзлаштиришлари, муаллимларнинг дарс ўтиши сифати устида тинимсиз музокаралар олиб борардим. Ниятимга эришдим: фарзандларим илм ортидан кетишди. Саидахмад Ғуломов 24 ёшда, Саидасроп 23 ёшда фан номзоди, сал кейинроқ фан доктори бўлишди. Бахтимдан айланай, фарзандларим ота-боболари анъаналарини давом эттирмақдалар».

Академик Яҳё Ғуломовнинг халқимиз тарихини якқалам этишдаги самарали хизматларидан ҳамма бохабар. У кишининг ўзига хос ҳаёт йўли ривоятларга айланган. Аммо, иқтисод фанлари докторлари, профессорлар, ака-ука Саидахмад ва Саидасроп Ғуломовлар ана шу улуг алломанинг неваралари, илм-фанда катта сулоланинг давомчилари эканидан кўпчилик бехабар.

Саидахмад домла истиқомат қиладиган Янгиариқ маҳалла қўмитасининг раиси Фазлиддин Камолов мактабда «Уч авлод учрашувида» шундай деди: «Фарзандлар камолидан қувонмаган, бахтидан масрур бўлмаган, яратганга шукроналар айтмаган ота-она борми?! Саидахмад домла ва му-

наввар ая ана шундай ота-она! Фарзандлари — Саидахмад Ғуломов — иқтисод фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР халқ депутати, Саидасроп Ғуломов ҳам профессор, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати. Феруза Ғуломова ҳам фан номзоди, доцент. Саксон ёшдан ўтаётган Саидахмад Ғуломов ва Мунаввархон ая ҳаёт йўллари, фарзандларининг камоли билан ҳар қанча ғуруланса ярашади!..»

Саидахмад Ғуломов 50 йилдан буён шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда иқтисодиётнинг долзарб масалалари ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради. Ҳамиша одамларга яхшилик улашиш, бировнинг юмушини осон қилиш ташвишида юради. Домла ҳали бардам, бақувват — ҳеч ким саксонга кирган демайди. Биз ҳам саксонга кирайлик, болаларимиз фарзандларингизга ўхшасин деб ният қилади қилшини зиёрат қилган киши... Ям-яшил дарахт соясидаги сўрида домла билан мириқиб суҳбат қурдик. Дарахт шохларида шигил ҳосил. Митти довчалар баҳор таровати ва саховатини кўз-кўз қилади. Баҳор насими эсади. Барглар оҳиста шивирлайди. Хаёлга келган нафис қиёсдан энтиқиб қўямиз: Саидахмад домла Она ерга чуқур илдииз отган, мевалари шигил ям-яшил дарахтга ўхшайди...

Отахўжа БАҲОДИРОВ,
фалсафа фанлари
номзоди.
Ғуломқодир ҒАФУРОВ,
филология фанлари
номзоди

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг иқтисодий фаолиятига бир назар

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг иқтисодий фаолиятига бир назар

«Бехбудий ҳазратлари кўри-нишда ғоят маҳобатли ва салобатли эди. Аҳволига воқиф бўлмагон кимса, мутакаббир деб гумон қилур эди. Лекин, ҳақиқатда мулоим суҳбатлик, тақаллуфсиз бир одам эди. Ўз моли ҳақида бўлсин, халқ моли ҳақида бўлсин, иқтисодга кўп риоя қилар ва ижтимоий аҳволимизнинг тузулиши учун иқтисодга риоя қилиши биринчи шартлардан билар эди. Шунинг учун тўй ва аъзаларга бўлатургон исрофларни ўзи бутун тарк қилгон ва сўзига қулоқ солатургонларни ҳам тарк қилдиргон эди.

С. АЙНИЙ
(«Зарафшон» газетаси,
1923 йил 25 март)

Туркистон тараққийпарварлиги, маърифатпарварлиги, журналистикаси ва драматургиясида ҳамда илмда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг номи маърур жарангайди. Ф. Хўжаев айтганидай, «Сийёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадидларидан унга тенг кела оладиган киши бўлмас керак».

1899 йилдан эътиборан Бехбудий кўплаб саёҳатларга чиқди. Миср, Истанбул, Қрим, Қозон,

Кавказ ва шу каби ўнлаб шаҳарларда бўлди.

Дунёвий тараққиётни англаб етган Бехбудий Туркистонда ҳам янгиликни кенг жорий этиш, янги мактаблар ташкил этиш, халқнинг ўзлигини англаши ҳамда иқтисоди яхшиланиши учун нималар қилиш кераклиги ҳақида матбуотда чиқишлар қила бошлади. Унинг «Туркистон вилоятининг газети», «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Тужжор», «Осиё», «Турон», «Хуррият», «Нажот», «Ойна», «Самарқанд», «Меҳнаткашлар тавуши», «Улуғ Туркистон», «Тирик сўз» каби матбуот саҳифаларидаги юзлаб мақолларида янги маориф, дунёвий фанларнинг фойдаси, комил инсоннинг тарбияси, Туркистон фарзандларининг ёрқин истиқболи, унинг келажаги ва иқтисодий муаммолари ётади.

Бехбудий Туркистоннинг мана шу мақсадларини ойдинлаштирмоқ ва халққа кенг тушунтиришда ҳақиқий тадқиқотчи сифатида кўринади. У нафақат журналист—тадқиқотчи, муҳаррир сифатида ҳам иқтисодни қуқур билувчи ташаббускор инсон эди. У «Самарқанд» газетасини (1913 йил апрель), «Ойна» журналин

(1913 йил август) ўз маблағи ҳисобига ташкил қилди.

Ҳозир жумҳуриятимизда ўзбек тили давлат тилидир. Бехбудий ҳазратлари бунинг учун 73 йил аввал курашган эди. 1918 йил Тошкентда бўлган большевик коммунистларининг қурултойида ўртоқ Таболиннинг таклифи билан Туркистон жумҳуриятида яшаган мусулмонларнинг она тилларини давлат тили этиб тайинламоқ ва бундан кейин маҳаллий халқ тилини доимо давлат тили этиб эълон қилишга қарор берилган эди. Қурултойда Бехбудий ҳам иштирок қилиб, ўз фикрини билдирган: «Туркистон ўлкасидаги халқнинг кўпроғи ўзбек, қирғиз, қозоқ ҳам туркман халқларидан иборат. Бошқалар бўлса оз. Виноилло ўзбек (сартия) учун — ўзбек тили, қирғиз-қозоқлар учун қозоқ тили, Туркманистон учун туркман тили (яъни шевалар) расмий тил саналурга ти-йиш».

М. Бехбудий илгарини кўра билар эди. Миллатнинг тараққиёти, келажаги, иқтисоди ҳақида ўз таклифлари ва режалари бор эди. Ўзи нашр этган «Самарқанд» ва «Ойна» саҳифаларида бу борада кўплаб мақолалар ёзди. Ҳазрат айтар эди: «Мозий-истиқ-



Нормуроод Авазов 1986 йилда Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультетини тугатган. Айни пайтда шу факультетнинг ўқитувачиси.

болнинг тарозисидур». Бугунги кунда унинг мақолалари мана шу мақсад ва вазифаларни адо этади.

Беҳбудий Туркистоннинг келажagini унинг янги кадрларида, мутахассисларида ва иқтисодчиларида, деб билар эди. Шунинг учун ҳам у ҳар бир ёзган мақоласида янги тараққиётга жавоб берадиган кадр етиштириш масаласини кўярди. Савдототиқ ишларини кенг ривожлантириш, касса очиб миллий даромадни кўпайтириш зарурлиги ҳақида тушунтиришлар олиб борди. У «Самарқанд» газетасида (1913 йил 12 июль) шундай ёзади: «Иморат қилмоқчи бўлсак план лойиҳаси лозимки, инженерга муҳтож бўлурмиз. Аммо, биз ҳануз муҳандис илмини билмаймиз. Кантур ва расмий дафтар тутиб, касса туруб тижорат этмоқ лозим?»

Беҳбудий Туркистонда етиштирилаётган маҳсулотлар арзон баҳоларда Оврўпо бозорларига олиб кетилаётганидан ачинди. Бизда ҳам Оврўпо бозорларида савдо-сотик қиладиган мутахассисларнинг етишиб чиқишларини истайди: «Туркистон меваси, донаси, тоши, туфроғи эски немурсалари Оврўпа бозорига кетар. Мунини Оврўпа даллоллари келиб оз баҳога олиб кетар. Меҳнатни биз қилармиз, фойдани улар кў-

рар». Шунинг учун дейди, Беҳбудий: «Оврўпа ила савдо қилатургон киши аввало ўн сани замона илми ўқимоғи лозим».

Булар бугунги кунда ҳам муаммомиз, ҳал этилиши керак бўлган масалаларимиз. Агар 78 йил аввал кўтарилган масалалар ўша пайтда ҳал этилганида бизнинг ҳолимиз бугунгидай бўлмас эди. Аксинча...

Беҳбудий Туркистоннинг келажagini ўйлар экан, миллатнинг тараққиёти борасида турли йўллари қидирди. Бойларга ҳам мурожаат эди. Бошқа юртларнинг бойлари, бадавлат кишилари ўз халқига ёрдамлар бераётганлиги ҳақида мисоллар келтирди: «бошқа миллатларнинг бойлари фақир ва етимлар учун мактаб ва дорилфунунлар солдурурлар, фақир ва етимларнинг ўқимоғи учун воқф (истипедия)лар тайин қилур... Бутун Туркистон ўн бой элинда минг сўмдан берса 25 бола учун Тошкентда (диний ва замоний) бир (пансиун)ли ва наҳори мукамал мактаб бино бўлуб, ҳар йил ҳукумат мактабинда 50 бола тайёрлайдур». Агар шундай бўлсаки, ўн йиллар ичида яхши-яхши муҳандис, шифокор, ҳуқуқшунос, иқтисодчи каби мутахассислар етишиб чиқарди, деб умид қиладди. «Аллон миллатимиз бойларидан шунини кўз тутар. Халойиқни барбод этадурган тўйларни эмас, оҳ бу сўзларни англайдурган бойлар бизда етишганми?».

Беҳбудий тўйлардаги исрофгарчиликка батамом қарши эди. Тўйларни бежирим, кам харажат билан ўтказиш тарафдори бўлганди: «Малумимиздирки, тўй ва маракаларга сарф қилинадурган ақча ила Кавказ, Қирим, Оренбург ва Қозонга усул таълим ўрганмоқ учун бола юбормоқ керакдур. Ҳукумат мактабларига кирмоқ учун русча билмоқ ва имтиҳон бермоқ лозим ва бу имтиҳонни бермоқ учун ҳар болани икки сана русчага ўқитиб тарбият этмоқ керак. Ва бул сана учун ҳар бирига 400 сўм ақча керакдур. Ақчалик оталар албатта тўй ва маракага қизғонмаганларидек, болани ўқитмоққа ҳам қизғонмаслари керак. Болалар учун тарбияхона очмоқ лозим. Ва бу тарбияхоналар замонийча ва ҳам миллий ва диний руҳда бўлиши керакдур.» («Ойна», № 7, 1913 йил).

Агарда четларга бориб ўқиш учун ёшларда истак бўлса-ю,

аммо, ўзи камбағал, ота-онанинг қудрати етмаса, бунга у қуйидагича таклиф киритди. Туркистон фарзандларининг илми учун маориф жамияти ёки хайрия жамияти ташкил қилиш керак. Токи, бу жамият халқдан маблағ йиғиб миллатнинг ривожини учун унинг фарзандларини ўқитсин: «...муҳандис, муаллим, замона мактабдори, миллатни ҳомийи яъни давлат думасига депутат, миллий саноатхоналаримизни ислоҳи, техник тижоратхона, банкларда бизга ёрдам берувчи яъни тижорат илмини ўқиган каммерсант... одамларни етиштирмоқ керакдур.»

Шунинг учун ҳам Беҳбудийнинг халққа қарата айтадиган гапи шундаки «беҳуда сарфларга кетадиган харажатларни илмга сарфламоқ керакдир. Илм бизнинг омилигимиз, идеалимиз, муродимиз, тилагимиз ва муддаомиздир. Ҳозир барча кучни илм олишга қаратмасак, забун бўлурмиз».

Ҳазрат Беҳбудий Туркистон халқининг маросимларида ниҳоятда кўп харажат бўлаётганликларини кўриб, ўзи муфти сифатида ташвишга тушганини юқорида айтгандик. Айни пайтда ўрта қисм тўй ва таъзияларда икки минг сўмдан беш минг сўмгача, бундайроқ тўйларда ўн минг сўмгача сарф қилмоқ одат тусига кириб бормоқда эди. Энди, бойларга айтадиган сўз йўқ. Лекин, камбағал ва ўрта ҳолларга ушбу тўй ва таъзиялар жуда оғир бўлмоқда эди. Шунинг учун ҳам М. Беҳбудий ташаббуси билан Самарқандда ислоҳ русум мажлиси чақирилиб тўй, таъзия ва бошқа маросимлар учун тартибнома ишлаб чиқилди. Ҳукуматдан ҳам ружсат олинди, муҳрланиб, ижрога қўйилди. Мана шу ислоҳ русум мажлисининг қарорномаси матбуотга Беҳбудий томонидан берилган: 1909 йил 13 майда «Туркистон вилоятининг газетаси»да эълон қилинди. Мана шу иттифоқномани келтирамиз:

«ИТТИФОҚНОМА. 1909 сана 21 март. (1327 сана.)

Бизлар Самарқанд шаҳрини тубанда зикрланмиш маъتبир одамлари ва элликбошлари қилдик. Ушбу иттифоқномани хурматли шаҳар пристуфи ва ҳукуматини ружсати ила шул хусусидаким, биринчи, Самарқандда матуфо (дафи) бўлгучларни ёши қирқдан қуйи бўлса, ками ва юқо-

ри бўлса сўфи ертиш берулсун. Ертиш фақат қабр устида берилиб, бошқа жойда ва сўнгра берилмас. Ҳавоҳ бой ва камбағал ё мансабдор бўлсун, зиёда берилмай ҳаммага баробар берилур. Бу ертиш ҳам ихтиёрий. Русум хусусидан қилинмайду.

Иккинчи, тўйлар бобида: шундай қарор бердики, мансабда турган қози, муфти, мударрис, имом, хагиб ва дуоғўй эшон, оқсоқолга ҳар сифатда бўлса бўлсин, тўйларда қанд ва набот бермасга ва ҳам синф касаба ўз оқсоқолларидан бошқа ва касаба оқсоқолларига ҳам қанд ва набот бермасун. Мазкур миллий ва рухоний мансабдорга ҳам қанд ва набот бермоқ жабри эмас, ихтиёрийду Бермаса яхшироқду.

Никоҳ ақидага, ҳазор мажлисига пул берлмай, фақат имом ва музан ва муҳла ходимига берилса керак. Аммо, аларга берилатургон ҳам уч сўмдан зиёда бўлмасун. Шаҳар тўйларига базим ва кўпқари берилмасун. Маҳалла йиғитлари пул жамиҳлаб, жувон саҳламасинлар ва ўзларига бобо-йиғитлар каттаси-кўтармасунлар. Тўйларга тўёна бермоқ матрук бўлсун. Мурдашавга ўлган киши тарафиндан икки танга ила бир кўрпа ва бир ястук ва озгина либосдан бошқа немирса берилмасун. (Бу қадар имкон тўй ва аъзалар кичикроқ қилинсин.)

Мастлик, ўғирлик ва қотил ишларни бўлмасликга тадбирлар жорий қилинсун. Қозилар ва палитсия ҳузурида ўғилларига ҳеч ким восита ва кофил бўлмасин.

Ушбу иттифоқномани ҳукуматга топшириб ва ўрнуга келтирмоқ ва тўй, таъзияга халойиққа насиҳат бериб, яхшилик ила ушбу қарорномани жорий қилмоқ учун ушбу одамларни вакил ва маъмур қилдик: Муҳаммад Раҳимбой Хўжа Аҳмад ўғли, Маҳмудхўжа Бехбудхўжа ўғли, Ҳожи Мавлонбой Тошмаҳмуд ўғли, Ҳожи Шамсиддин Ибодулло ўғли, Абдулғоффорбой Ҳожи Абдулло ўғли, Муҳаммад Раҳим Шокирбой ўғли ва ғ. к.

Ушбу иттифоқномани бузганларни дарилқозо ва политсия маҳкамасига жавоба қолдирилсун деб усул насиҳага бир неча юз киши муҳир босиб қўл қўйғонду.

Вакиллардан бири Маҳмудхўжа ибн Бехбудий.»

Бехбудий иқтисод муаммолари

ҳақида фикр юртар экан, банкларнинг айна пайтдаги аҳамияти, Туркистонда унинг зарарли ёки фойдали эканлиги ҳақида фикр юртади. Биздан ташқаридагилар банкдан қандай фойдаланаяпти, бизникиларчи? Буни унинг «Оҳ, банклар бизни барбод этди!» номли «Ойна» журнаlining 1914 йил 19-сонида эълон қилинган мақоласидан ўқиш мумкин. Унда бизни банклар барбод этмаслиги, аксинчалиги баён этилади: «Айб банкда йўқ, бизда. Чунки, бошқа миллатлар банклар сабаби ила обод бўлур. Давлати ва мулки ортур. Аммо, биз замона банклари сабаби ила барбод ва фақир бўлурмиз. Аввалги бор мулкимиз қўлдан кетарки, бунинг асл сабаби банк эмас, ўзимизни тарбиясизлигимиз ва донишсизлигимиз ва беҳисобсизлигимиз ҳамда наф ва зараримизни билмаганимиз».

Бехбудий замонавий тараққиётдан беҳабарлигимиз, савдо ишларида нўноқлигимизнинг сабаби жаҳолат ва нодонлик, дейди. «Банк сабаби ила яхудий, армони ва бошқалар давлатлик бўлур. Биз бўлса билакс давлатимиздан, мулк ва обрўмиздан айрилурмиз. Чунончи, қўлдаги бор нарсаларни тўй ва ғарга, беҳуда одатларга сарф этармиз? Кўрпамизга қараб аёқ узатмаймиз?»

Бехбудий Самарқанд мусулмон ижроия қўмитасининг раиси муовини бўлиб ишлаганида Самарқандда ноннинг қиммат сотилаётганлигини ислоҳ қилиб, мусулмон ижроия қўмитасининг мажлисини чақириб муҳим қарор қабул қилдилар. Қуйида мана шу қарорномани келтирамиз. Бу 1917 йилнинг 13 июнида қабул қилинган:

1. Мусулмон нонвойхонлари пиширган олий нонларининг бир қадоғи 75 тийиндан зиёда сотилмасун.

2. Уйда пиширилган хонаки ва Осёки нонларнинг бир қадоғи 70 тийиндан ортиқ сотилмасун.

3. Ултируб сотайтургон нонфурушларнинг олдида тарозиси бўлсун.

4. Кўтариб нон сотувчи ва ё ўлтируб сотувчиларга лозимки, харидор тарозига тортув олмоқчи бўлса, бемалол тортиб берсун.

5. Нонвойхона соҳибига лозимки, яши пишган ва куймаган нонни бозорга юборсин ва шамиҳундан бўлмасун кўб турлик шўр нон бўлмасун.

Мазкур моддага амал қилмаганларни жазоси Мусулмон Ижроия қўмитаси ва Шўро Исломотарафидан тайин бўлган муфтишлар ва оқсоқолларга лозимки, юқоридаги қоидаларга амал қилмаганларни тангирнома ёзиб, они ила шаҳар қозиларига топширсунлар. Шариятпаоҳ қозиларга лозимки, бир неча даъфа жинойт қилгонларни уч кундан етти кунгача Самарқанд миришабхонасига ҳибисга ҳуқум қилинсунлар. Яна мазкур киши иккинчи даъфа жинойт қилса 15 кундан бир ойгача ҳибисга ҳуқум қилинсунлар. Нонни хом ва куйганлиги, аччиғ ва шўрлиги учун, нонвойхонадор қиммат сотган ва ё тарозига нон олувчи рози бўлмагани учун нонфуруш жазога мустаҳиқ бўлур. Уй нони ва ё Осёки нонни сотатургон кишилар ҳар икки ҳолатда ҳам жазога мустаҳиқ бўлурлар.

Шўро Исломотарафидан

Садрий Мулломахмуд

ИСОХУЖА

Ширинхўжа ўғли.


Мусулмон Ижроия қўмитасининг иккинчи раиси М. Бехбудий»

Бехбудий Туркистоннинг келажagini, унинг истиқболини асосан миллий кадрларни етказишда деб билди. У айтадики: «банкларга мусулмон саркорлари... керакду». Бунинг учун ҳар кунни ғанимат билиб, иқтисод ва маданий ютуқлар сари боришимиз кераклигини таъкидлади. «Биз хоҳласакки, ўзимизни бошқаларнинг маданий ва иқтисодий ютишидан сақланилса, юқоридаги айтилган кишиларни ҳозирлаб, яъни илм замона тайёрламоқ керакду.»

Илм ва иқтисод. Бу Бехбудийнинг бош муаммоси. Чунки, ҳамма нарса иқтисодга бориб тақалади. Бехбудий айтганидай. «илмларни ўқимоқ ақча ила бўлур».

Хуллас Бехбудийнинг «Ўқувчиларга ёрдам керак», «Бизни кемирувчи одамлар», «Ешларга муурожаат», «Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққиёт йўли», «Майда қарз», ва шунга ўхшаш ўнлаб мақолалари борки, улар Туркистоннинг тарихий иқтисодини ўрганишга ёрдам беради.

Нормурод АБАЗОВ,
Тошкент Давлат дорилфунуни
журналистика факультети
ўқитувчиси.



Тарихий обидалардан — Лабӣ ҳовуз.

ЎРТА ОСИЁНИНГ БАЪЗИ ХАЛҚЛАРИ ВА ЕРЛАРИ ҲАҚИДА

Қўқон давлати аввал шимол томондан — тоғорти қирғизларига қарашли ерлар, ғарбдан — Бухорога қарашли кўчманчи араблар ва туркманлар маскани билан, жанубдан — ғолча (ғонча) ёхуд қоратегин деб аталувчи шарқий тоғ форслари истиқоматгоҳлари ва шарқдан Қашқар билан чегарадош эди. Энди бўлса, Туркистон ва Тошкент ерлари Қўқон давлатига қўшилгандан сўнг, чегара анча кенгайди. Худди шулар европаликларга мустақил Татария номи билан маълум бўлган мамлакатлар, бир вақтлар дунёни даярли босиб олаётган халқларнинг бешигидир ва уларнинг авлодлари ҳалигача Осиёга ҳукмронлик қилишади. Шарқ ва жануби-шарқ томондан Қўқонга чегарадош халқларнинг кўп қисми 1789, 1790 ва 1791 йилларда босиб олган хитойлар қарамоғида.

Қўқон давлатига яқин ерлардаги энг диққатга сазовар шаҳарлар шарафли Темурунинг пойтахти — Самарқанд, Балх ва Бухоро, Амур Темур вафот этган Уттор ва Чингизхон ўзининг империясидаги вилоятларнинг ҳокимлари ва ҳарбий қўмондонларини тўплаб қурултой ўтказган Тўқмоқ шаҳарларидир. Ушанда бу қурултойга у босиб олган ерлардан 500 элчи унинг ҳузурига келган, ўғилларидан бири бўлса 100 минг от совға қилган! Бу ернинг об-ҳавоси жуда иссиқ ва шарқ томонга юрган сари чидаб бўлмас даражада исийверадики, ҳатто қушлар ҳам чидолмай, узоқ-узоқларга учиб кетади; шунинг учун бунда фақат тошлар ва қамишлар орасида беркиниб юривчи кичкина чўл товукларини ва қирғовуларни учратасан, холос. Одамлари табиатан тошкентликларга ўхшаб кетар эди-ку, лекин ғалабалар уларни тақаббур қилиб қўйган. Маишатни яхши кўриш, фаровонлик ва бойлик уларни турли-туман айш-ишрат усулларини ўйлаб топишга мажбур этган. Шунга қарамай, уларнинг аёллари камтарлигиданми, ёхуд бошқа сабабданми, билмадим, бутун Қўқон давлатида битта ҳам исловатхона йўқ, ўз нозларини сотадиган бирорта ҳам аёл йўқ. Қўқонликлар Қошқария, Хитой, Хива, Бухоро ва шарқий тоғ форслари билан савдо-сотик қиладилар.

Қўқон шаҳрининг чегарасида казакларга тўлик

ҳарбий кийим кийгиздик. Шаҳарга киргач, бизни элчилар билан бирга сарой олдидан олиб ўтишди ва биттагина уйи бор боғга олиб киришди. Дарҳол элчиларни ажратиб олиб, казакларга 2 та ўтов беришди; мен ва юзбоши Безязиков бирга чодирни тиклаб олдик, отларни бўлса, боғдаги қозикларга бойлаб қўйдик. Бизга 15 та соқчи тайинлашди ва боғдан чиқмаслигимиз заруригини айтишди; отлар куни билан емишсиз қолдилар.

Кечаси олдимга вазир ташриф буюрди, аввалига «нега келдингиз?», деб сўради. Мен унга савдо алоқасини ўрнатиш ва элчиларни кузатиб бориш учун келдим, деб жавоб бердим. Сўнгра қолган иккита асосий элчиларни сўради. Мен уларнинг Россия подшоси томонидан меҳрибонликда қабул қилинганликларини ва совғалар билан ватанларига қайтариб юборганликларини, бири Петропавловск қалъасида хасталаниб вафот этганини, бошқаси эса, мансабига нолайиқ равишда сургундаги солдат билан танишгани, натижада ўлим топганини ва ўша солдат ҳозир подшонинг қаттиқ жазосини кутиб, қамоқда кишанланган ҳолда сақланаётганини тушунтиришга мажбур бўлдим. Ниҳоят, карвоннинг қаердалигини сўради. Унга Тошкент ҳокими карвонни Тошкент шаҳрида қолдирди, ўзим эса давлатпаноҳ топшириғига кўра элчиларни кузатиб, хонга мактуб ҳамда совғалар топширгани келдим, — деб айтдим. Ушбу маълумотларни олгач, у кетди. Эртасига қайтиб келиб, хон томонидан бизга озуқа белгиланганини маълум қилди. Отлар ва туяларга белгиланган озуқа камлик қилганидан қўшимча бошоқли ўсимлик сотиб олишга мажбур эдик.

Биз Қўқонга октябрнинг бошларида етиб келдик. Ҳали қиш бошланмаган, ҳаво иссиқ бўлиб, дарахтларнинг барглари тўкилмаган ва ерда яшил майсалар бор эди. Эрталабдан то кечки соат 5 ларгача кун иссиқ, тунлар эса қоп-қоронғу ва анча совуқ эди.

Карвоннинг савдо алоқалари ўрнатишга юборилгани тўғри-нотўғрилигини ва у ҳақиқатан ҳам Тошкентда қолдирилганини аниқлаш учун эртасига олдимга бошқа маъмурни юборишди.

Биз маҳбусликда сақланган пайтимизда одамлар эртадан то кечгача ғаройиб ажойиботни томоша қилгандек тўпланиб туришарди; бизнинг ҳарбий кийимларимизга, казакларнинг қизил қалпоқларига, қилич, милтиқ ва тўппончаларимизга қизиқиб қа-

Давоми. Аввали мажалламизнинг ўтган сонларида.

рашарди: шу пайтгача улар битта ҳам русни кўришмаган экан! Отларимизни фақат ҳокимнинг аргумоқлари ўтлайдиган жойда ҳайдаб боқишга рухсат берганларидан сўнг, юқори лавозимдаги амалдорлар от билан ва пиёда бажариладиган турли ҳарбий машқларни кўрсатишни илтимос қилдилар. Офицер энг яхши казакларни танлаб олиб, сафда юргизди, тўпдан оттирди ва ҳужумларни намойиш қилиб қўқонликларни ҳайратга солди. Ҳарбий машқлар тугагандан сўнг, улар бир неча казакларни яқинроқдан кўрсатишимизни сўрашди. Улар бизга ҳурмат билан қарасинлар деб, учта одамни эгарнинг икки томонига боғланган ғилофда тўппончалари бўлган отларга ўтқаздик, казаклар ўзлари билан ҳам иккита тўппонча олиб юрганликлари учун уларнинг ҳар бирида тўртта тўппонча, найза, қилич ва милтиқ бор эди. Қўқон маъмурлари буларнинг ҳаммасини кўриб чиқиб ва ёзиб олганларидан сўнг, битта рус аскари юзта одам ҳужумини метин девордек қайтара олишини айтдилар.

Асирлигимизнинг 11 кунни ҳазрат амир Умархонга подшо олий ҳазратларининг мактуби ва совғаларини топшириш кунини белгилашди. Биз турган боғдан то саройгача, яъни 15 қақирим масофа йўлнинг икки томонида қилич, найза, пилтали милтиқлар билан қуролланган отлик аскарлар саф тортиб туришганди. Уларнинг қалъа ботирлари деб номланган махсус аскарлари энг яхши аргумоқларга минишган, қимматбаҳо чопонлар кийиб, қизил салла ўрагандилар: бошқа аскарларнинг салласи оқ рангда эди.

Соат 12 ларда зобит Безязиков билан отда йўлга чиқдик, пиёда казаклар 2 взводга бўлинишга ва уларнинг ўртасида бир урядник бошчилигидаги тўрт одам мўътабар ёрлик солинган қутича ва совғаларни кўтариб боришарди. Бизнинг олдимизда ҳарбий кийим кийган, қалқон кўтарган ҳарбий маъмур ва тинмай ногора чалаётган суворий борарди. Аҳоли казаклар кўчадан ўтган ариқчаларни кечиб ўтаётганларида ҳам (сув тўпиқдан баянд чиқмасада) сафларини бузмаганликларига ниҳоятда ҳайратланишарди ва рус аскарлари ўлимдан ҳам ҳайқмайди, дейишарди. Биз ҳар бир юзликка яқинлашганимизда юзбоши бизни кузатиб бораётган маъмурга қўшилиб кейин юзликкача унинг ёнида борарди, у ерда бошқа юзбоши унинг ўрнини эгалларди. Суворийлар сафидан ўтганимиздан сўнг, қоматлари адл, лекин милтиқлари турлича: бири оёғи ёнида, бири елкасида ушлаб турган пиёда аскарларни кўрдик. Вундай узок масофада аскар етишмаслигидан орқада қолганлар кўчаларни айланиб ўтиб, яна бизнинг йўлимизга тизилишаётганлари сезилиб турарди.

Саройга 150 метрча қолганда бизга отдан тушишни буюришди. Сарой дарвозаси олдида бошқа казаклар билан пиёда келдик, у ерда ярим соатча, токи биз ҳақимизда ахборот бергунларига қадар кутиб турдик. Халойиқ шу қадар кўп тўпландики, барча баланд жойлар, томлар, деворларнинг тепасигача томошабинлар билан тўла эди. Сарой олдида биз жуда кўп аравачасиз тўплар ва замбаракларни кўрдик.

Дарвозадан чиққан икки маъмур биздан мактуб кимданлигини сўради ва жавоб олишгандан кейин мени ичкарига бошлаб киришди. Ўзимнинг давлатпаноҳимни қандай муборакбод қилсам, амирни ҳам шундай қутлашим лозимлигини айтишди. Уларнинг одати бўйича бош кийим ечилмайди, мен шляпамни

ечиб унга таъзим қилдим. Гилам солинган шийпонларда вазирлар ҳамда ҳукмдорнинг маслаҳатчилари, асосий давлат арбоблари ўтиришарди.

Мен подшо олий ҳазратларининг мўътабар ёрлиги ва давлат канцлерининг мактубини бошим узра кўтарганимча ҳукмдор олдида кириб бордим, у зинали тахт устида ўтирарди. Ҳукмдорнинг ёши 25 лардан ошмаган, хитойи матодан олтин қўшиб тикилган зарбоф тўн кийган, бошида зарли матодан салла. Унинг ҳузурига мени икки вазир олиб киришди, учинчиси эшикларни очиб борарди. Тиз чўкишни буюришди: амир Умархон бошим узра кўтариб турганим ёрлиқни ва мактубни қабул қилиб олди-да, яқинида турган вазирга берди, сўнгра тахтдан сал кўтарилиб қўлини менга чўзди, мен уларнинг одати бўйича амирнинг қўлини икки қўллаб сиқиб қўйишим зарур эди. Шундан сўнг вазирлар қўлтиғимдан ушлаб эшик томонга етакладилар. Хон подшо олий ҳазратларининг соғликларини ва оғзаки бирор топшириқ олган-олмаганлигини сўради. Мен унга бундай топшириқ олмаганимни ва ҳамма нарса ана шу ёрлиқ ҳамда корпус командири генерал-лейтенант Глазенаннинг икки мактубида ёзилганлигини айтдим.

Шундан сўнг мени яна панжара ортига олиб ўтишди ва унинг деразаси қаршисидан 8 қулочча наридаги қимматбаҳо гиламга ўтқазди. Шу йўсинда казак офицери Безязиковни ҳам олиб чиқиб, чап томонимга ўтқазди. Бизнинг орқамизда, шийпон тагида Хитой, Хива, Вухоро, Шаҳрисабзнинг ва шарқий форсларнинг элчилари ўлтиришар эди. Қулфланган қутидаги совғалар билан бўлинмамизни саройга киритишга буйруқ берилди. Қўқонликларнинг одатлари бўйича, казакларни ҳам бизнинг ёнимизга ўтқазди, саккиз маъмур тўртта узун матони қути остидан ўтқазиб кўтариб, осёлик элчилар олди-дан унинг қанчалик оғирлигини намойиш қилганча, ҳукмдорнинг кўшкига олиб кириб кетишди. Қутининг калити менда бўлгани учун ҳукмдор олдимга мулозимини юборди.

Бироз вақт ўтгач, бош вазир Мирза Малла саройдан ёрлиқни ва таржима қилинган мактубни боши узра кўтариб олиб чиқди ва олий мажлисга кўрсатгач, яна қайтариб олиб кириб кетди. Ҳукмдор ўзининг мамнунлигини билдириш учун бизга ва осёли элчиларга тантанали зиёфат берди, зиёфатда қизғиш рангдаги гуруч¹ ҳамда от гўштидан (қазидан бўлса керак — тарж) иборат таом тортилди, аммо биз уни динимиз ман қилади, деган баҳона билан емадик.

Зиёфат тугагандан сўнг саройдан чиқдик, бизни отларга миндиришди ва ўша маъмур тагин боққача кузатиб қўйди.

Икки кундан кейин Безязиковни ҳукмдорнинг мирзоси чақиртирди ва мартабали амалдорлар мажлисида унга хоннинг номидан 2 та тўн совға қилди, урядникка (кичик сипоҳи) 1 та тўн берди, сўнгра, амирнинг истаги бўйича казаклар бўлинмаси уч кундан кейин Россияга қайтиши зарурлигини, мен эса савдо йўлини очиш учун юборилганим сабабли баҳоргача Қўқонда қолишим ва баҳор келиши билан Сибирь йўли орқали аввалги элчиларнинг ўлими сабабини аниқлашга борадиган вакиллар ҳамда карвонга қўшилиб ўз ватанимга кетишим мумкинлигини эълон қилди.

(Давоми бор).

1. Девзира бўлса керак (тарж).

الفارابى

تلخیص نوامیس افلاطون

Абу Наср ал-ФОРОБИЙ

Талхису Навомису Афлотун

«Афлотун қонунларининг моҳияти» асаридан

ЕГТИНЧИ БЎЛИМ

Афлотун бу бўлимни, соҳиби қонунлар ўз асрининг ва келгуси асрларнинг одамлари мурожаат этадиган таълимот жорий этишлари зарурлиги ҳақидаги масалани тушунтириш билан бошлайди. Бу энг муҳим иш эканлигини у эслатиб ўтади. Таълимотлар босқичма-босқич ва давлат ишларидаги бошқа тадбирлар билан бирга амалга ошириладиган асосий иш бўлиши зарур. Бу таълимот аввалан шу даврда урф бўлган одатларни сохталаштириш билан машғул одамларга нисбатан қўлланиши керак

Бу сохталаштиришлар қонунни яхши билмайдиган одамлар ва болаларда бир иллат пайдо қилиши мумкин. Агар таълимот ва қонунларга ўргатиш ишлари босқичма-босқич ва доимо олиб борилса, у ҳолда улар аъло натижалар берадилар.

Афлотун бу таълимотларни таҳлил қилувчи ва кўриб чиқувчиларга ёзилмаган урф-одатлар ҳалақит бермаслиги керак, деб эслатади. У мисол тариқасида қадимги соҳиби қонунларнинг бу одатларини ўрганиб чиққан ва баъзи аҳамиятсиз сўзларнинг кўп қиррали маъноларга эга эканлигини аниқлаган шоирларнинг сўзларини келтиради. У, қисқа ёки батафсил баён қилинадиган нутқлардан қайси бири афзалроқ эканлигини аниқлаш зарур бўлган бир неча хил нутқлар мавжудлигини эслатади. У яна панд-насихатлар тўғрисида гапириб ўтади. Агар шаҳар аҳолиси бу насихатларга қулоқ солсалар, улар-

нинг кўнгиллари юмшайди, уларда назокат ва қобиллик пайдо бўлади, ўзлари итоаткор бўлиб хомуш тартадилар. Афлотун, шаҳар аҳолиси ё ўтиб кетиб, номнишони қолмаган одамларни ёки ҳайвонотни, ёхуд ғайри оддий бирор нарсани тушунишни афзал кўриб, эъзозлари ҳақида мисол келтиради. Бу ишларнинг фойдали томонларини аниқлайди. Бу фойдалардан бири ўз табиатларига кўра тажрибасиз кўпчилик одамларнинг ёзилмаган одатлардан уларнинг моҳиятини зўрға тушунсаларда, бирор нарса билишга интилишларидир. Иккинчиси, бу одамлар бирор янгиликка ҳайратланиб қарайдилар. Ниҳоят учинчиси, улар бу ғаройботларнинг моҳиятига етишиш учун қонунни сақлаб қоладилар. У ўша шаҳарларнинг фуқароларига маълум бўлган ва туб маъносига етмоқчи бўлган китоблар ҳақида эслатиб ўтади. Ўз шеърларида буларнинг ҳаммасини тасвирлаган шоирлар туфайли бу воқеаларни билдик.

Гомер ва бошқалар шундай шоирлардирлар.

Афлотун соҳиби қонун ўз шаҳрининг аҳолисида ёзилмаган урф-одатларни сақлаш, ўрганиш ва уларга итоат этишни талаб этиши зарурлиги ҳақида гапирди. Ҳеч қайси соҳиби қонун, ўзидан олдинги соҳиби қонун томонидан амалга оширилган ишларни рад этмаслиги керак. Лекин, олдинги соҳиби қонуннинг қарорларидан баъзиларини ўзгартириш зарурати пайдо бўлса, у ҳолда шаҳар аҳолиси улардан (яъни ўзгартирилиши керак бўлган моддалардан — тарж) воз кечишлари зарур ва бу ўзгаришлар қонунларда ўз аксини топиши керак. Бу, уларнинг қонунларидаги маъноси бузилган моддаларга ҳам тааллуқли. Кейин Афлотун бунда моддаларни ўзгартириш ҳақида гапирди.

Давоми. Аввали мажалламининг ўтган сонларида.

Сўнгра соҳиби қонунлар ўрнига келадиган бошқа бир соҳиби қонун тўғрисидаги масала кўрилади. Соҳиби қонун ўзидан кейин бўладиган бошқа соҳиби қонун тўғрисида аҳолига маълум қилса, бу билан у шаҳар аҳолисининг кўнглига, айниқса тажрибасиз одамларнинг кўнглига гулгула солиб қўяди, улар нима бўлар экан, деб қалблари орзиқиб кутадилар ва кейинги соҳиби қонун жорий этган қоидаларга итоат этишга хоҳиш пайдо бўлишини (тангридан) илтижо қиладилар. Афлотун, ишлаб турган соҳиби қонунда, гўёки ундан кейин бошқа соҳиби қонун келмайди деган фикр пайдо бўлмаслиги учун унга эҳтиёткорлик билан уқдириш зарурлигини тушунтиради. Агар у шундай ўйласа ва бундан халқ хабардор бўлиб қолса, вақт ўтиши билан унинг ўрнига бошқаси келганини кўрган ҳолда халқ учун бу воқеа барча қонунларни: ўзининг соҳиби қонунининг қонунларини ҳам, ундан олдингисининг қонунларини ҳам, кейин келганининг қонунларини ҳам рад этишга сабаб бўлади. Соҳиби қонун халқ билан биргалликда қонунларни рад этиш ва тан олиш орасидаги ўрта йўлни белгилаб олмоғи даркор. Бунинг учун соҳиби қонун халқни, ўғитларни, қонунларни ва инсон иллатларини ўрганиш учун узоқ вақт ишлайдиган ёрдам берувчи одам пайдо бўлганлигини хабардор этиши керак бўлади. Агар ундан, хайрли ишларда ёрдамчи шахс унинг ўзига ўхшайдими, — деб сўрашса, у инкор этмаслиги, аксинча халққа зарар келтирмаслиги ҳақида огоҳлантириши зарур. Афлотун шаҳарларнинг аҳолиси ва соҳиби қонунларнинг ҳаётидан мисоллар келтиради.

У қонунларнинг икки хил бўлиши ҳақида гапирди. Биринчи хил қонунларга, ҳар қайси соҳиби қонунга қонунларни жорий этишда шаҳар аҳволи ва вақт зиклигидан шошма-шошарлик хос бўлган ҳолдагилари киради. Бошқа бир хили ўзгармайдиган ва асл ҳолини сақлайдиганлари, булар — табиий қонунлардир. Афлотун бу фикрини қандиндош-уруғлар, хайрия ишларни инкор этиш ва бошқа мисоллар билан тўлдиради.

САККИЗИНЧИ БЎЛИМ

Афлотун биринчи китобда ҳам ҳикоя қилинган байрамлар, уларнинг ташкил қилиниши ҳақида эслатади. У байрамлардан ажойиб фойда борлиги ҳақидаги қизиқ фикрни билдиради. Бу ерда гап, биринчи китобда айтиб ўтилган фойда ҳақида эмас, худоларни эъзозлаш ва уларнинг номларини янгилашдан келиб чиқадиган фойда ҳақида кетади. Чунки уларни эъзозлаш ва мадҳ этиш орқали қонунлар ҳам эъзозланади. Худоларнинг миқдорини белгилаш ва улардан ҳар бирига байрамлар ҳамда қурбонлик қилиш маросимларини ташкил қилиш лозим, шунда одамлар покланадилар. Худолар икки хил бўладилар: сизгилладиган осмонийлари ва эъзозланувчи ерлилари, ammo уларга сизгилмайдилар. Худоларнинг ҳар бир турини белгилаш учун, қурбонлик ва қонунларда кўзда тутилган ишлар билан уларнинг меҳрини орттириш зарур. Бу байрамларда қурбонлик қилингандан сўнг ёшлар турли жисмоний машқлар уюштиришлари керак бўлади. Байрам шод, хуррам ўтиши учун мадҳия ва танқиддан иборат бўлган қўшиқ турларидан фойдаланадилар. Буларнинг ҳаммаси, хурсанд ва шодона қонунлар йўриғига киришга тарғибот қилиш учун қилинади. Мадҳия ва танқидни эшитиш, агар у қонун талаб қилгани-

дай ҳаққоний бўлса, ёшларнинг қалбларига жо бўлиб, кураш орқали хайрли ишларга сазовор бўлишга ундайди, унинг раъйини кучайтиради, кўнглини тўқ ва газабини оширади. Байрамларда қатнашувчи ёшлар бажарувчи жисмоний машқлар ёшларнинг шаҳар учун фойдаси кўп бўлган кураш маҳоратларини ва улкан кучни ошириш учун зарурдир.

Шаҳар ҳокимлари ўз ишларига бепарво бўлишлари мумкин эмас. Бу, қурбонлик қилишлар ва шаҳарларнинг маълум бир таркибий қисми бўлган байрамларни безатиш санъати билан машғул бўлган одамларга тааллуқлидир. Ҳокимлар шаҳар аҳолисидан ҳаддан ташқари кўп одамларни санъатнинг бу тури билан шуғулланишига рухсат бермасликлари, шаҳар аҳолисини бузмаслик учун уларга шахсий эрк бермасликлари, бу санъатнинг ёмон томонларини кўриб одамларда нафрат пайдо бўлишидан сақлаш учун унинг ёмон жиҳатларини намойиш этмасликлари зарур, бу ерда, ўзи асли табиатан нафратли ва қонунларга зарар келтирадиган нарсаларга нисбатан бўлган нафрат туйғуси мустаснодир.

Сўнгра Афлотун байрам қонунларида бўладиган жисмоний машқлар ҳақида эслатиб, уларни номма ном санаб ўтади ва ўша даврларда маълум бўлган ўйинларнинг ҳар қайсисининг суворийлик, қурол билан машқ қилиш ҳамда курашнинг фойдали томонларини кўрсатиб беради. Ушбу байрамонга кўнгиликликлар байрам қони юракларига жо бўлганини эслатиб ўтади. Ёшлар бундай ўйинларга қизиқиб, оддий қонунлар ҳам шуғулланиб туришлари зарурлигини ва бу тадбирлар токи ёшлар байрам мусобақаларидан олган ҳузурларни, қонунга хилоф нарсалардан олган ҳузурларидан афзал кўрадиган бўлганларича давом этиши кераклигини уқтиради. Соҳиби қонун бу гоёни, айниқса ҳузурларга тааллуқли гоёни яхши эсда тутиши керак. Унинг (ҳузур, кўнгиликликнинг) фойдаси қанча кўп бўлса, зарари ҳам беҳад кўп. Афлотун бу ҳақда жуда кўп гапирди, сўнг ёшларнинг оқилона, хайрли ишлар юракка қандай жо бўлиши ҳамда қонунлаштирмаган кўнгиликликларнинг иллатли эканлиги ҳақида гапирди. Соҳиби қонуннинг энг асосий вазифаларидан бири юқорида эслатилган қонунларга катта аҳамият беришдир.

Афлотун, бу соҳадаги қийинчиликлар, яъни (бу маросимларни) ҳимоя қилиш ва назорат ҳақида эслатади. Ўсмирлар ва ёмон ниятли одамлар фақат ташқи гўзалликка ошиқдирлар, (шунинг учун) уларнинг бундай хоҳишларини таъқиқлашда ҳокимлар қийин аҳволда қоладилар. Бундай ўсмирлар то бир балага учрамагунча шундай қилаверадилар, охири оқибатда бу аҳвол шаҳарни нохуш фалокатга олиб келади. Соҳиби қонун бундай масалаларга доимо эътибор бериб туриши, уларни назарда тутиши зарур. Шу қатори соҳиби қонун, ҳунармаңлар, деҳқонлар, чекка жойларда яшовчиларнинг гуноҳ ишларига тегишли масалаларга ҳам эътибор бериши, уларни тўғри йўлга солувчи қонунларни ишлаб чиқиши керак бўлади. Ниҳоят, соҳиби қонун, тавоф қилинадиган ерлар, ибодатхоналарга катта эътибор бериши керак, токи улар нураб, бузилиб кетмасин, уларнинг ёмон аҳволга келиши шаҳар аҳолисини юракларини, ҳамда шаҳар ишларига мутасадди одамларнинг юракларини бузилиши, қабихлашишига олиб келади.

Урфон ОТАЖОН таржималари.

(Давоми бор).

ابن خلدون

“Муҳаггунмада”

МУҲАГГУНМАДА

МАМЛАКАТЛАР ШАҲАРЛАР СИНГАРИ БОЙЛИК ЕХУД КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИГА КЎРА ЎЗАРО ТАФОВУТ ҚИЛИШЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ БОБ

Шуни билки, шаҳар турмуши равнақ топган мамлакатларда аҳолининг турмуш шароити ҳам доимо яхшилана боради, давлатлари ҳамда сулолалари кучая боради. Буларнинг барчасига нималар сабаб бўлишини юқорида айтиб ўтдик, яъни аҳоли меҳнатининг мўллиги — бойликнинг асосидир, негаки аҳолининг зарурий эҳтиёжлари қондирилганидан кейин ортиқчаси йиғилиб қолади...

Биз форс Ироғи, Ҳиндистон ва Хитой савдогарларининг бойлиги ҳақида кўп ажойиб гапларни эшитганмиз: кўпгина кишилар бу бойлик шунинг учун ҳам пайдо бўлдики, улар ерида олтин-у, кумуш мўл деб ўйлашади... Аммо бундай эмас, чунки Яқин Мағриб ва Судан шаҳарларида ҳам олтинга бой конлар мавжудлиги бизга маълумдир.

Мунажжимлар Шарқ мамлакатларининг бойлигини кўриб, Шарқ халқлари зойичасида Ғарб халқлари зойичасигача нисбатан юлдузлар, сайёралар қулайроқ ўрнашган, деб даъво қиладилар. Юлдузларнинг таъсири жиҳатидан бу гап тўғри, ердаги шарт-шароитларга келсак (уларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас), бунинг сабаби Шарқ юртларида турмуш тарзи такомилга етмаганлигидаки, бу ҳақда юқорида эслатиб ўтдик. Ижтимоий турмуш равнақ топиши даромадларнинг ўсишига йўл очиб берадики, бу эса ҳар қандай даромад олишнинг сабаби бўлмиш маҳнатнинг мўллиги туфайлидир.

ШАҲАРЛАРДА МОЛЛАРНИНГ НАРХИ ТЎҒРИСИДА БАҲС ЭТУВЧИ БОБ

Шуни билки, барча бозорларда инсонлар учун зарур нарсалар, аввало, энг керакли моллар — озиқ-овқат, масалан, бугдой, сули, сабзавот, нўхат ва ҳоказолар, шунингдек дориворлар, масалан, пиёз, сассиқ саримсоқ ва бошқалар мўл бўлади. Камроқ керак бўладиган ҳамда зеби-зийнат

буюмлари — зирavorлар, мевалар, либослар, рўзгор жиҳозлари, аравалар ва бошқа хунармандчилик буюмларию бинокорлик воситаларини ҳам сотиб олиш мумкин. Шаҳар кенгайиб, аҳолисининг сони ўсиб бораверса, зарур буюмлар-ғамлаб қўйиладиган озиқ-овқат ва шунга ўхшаш молларнинг нархлари паст ва аксинча зирavor мева-чева ва ҳоказо тўкин-сочинлик аломати бўлмиш буюмларнинг нархи эса юқори бўлади. Шаҳар аҳолиси камсонли бўлиб, турмуш даражаси юқори бўлмаса бу ҳолнинг тескарисини кўрамиз. Бунинг боиси шундаки, дон—зарур озиқ-овқат ва шу туфайлидан уни топиш учун асос етарлидир, негаки, ҳеч ким ўзи ёки оила аъзоларининг бир ой ёки йил давомида ейиш-ичишига эътибор бермай иложи йўқ. Шундай қилиб, катта шаҳарда ёки унинг ёнида истиқомат этувчи аҳолининг ҳаммаси ёки кўпчилиги одатда озиқ-овқат топиш билан оворадир. Озиқ-овқат топувчи ҳар кимса ўзига ва оиласига керак бўлганидан кўпроқ егулик топадики, бунинг бирқанчаси нафақат ўзи, балки шу шаҳарда яшовчи кўпчилик кишиларнинг эҳтиёжини қондириш учун ҳам етиб-ортади. Шу тариқа бозорда шаҳар аҳолиси эҳтиёжини қондирадиган миқдордан ҳам кўпроқ озиқ-овқат бўлиши муқаррар, шу боисдан ҳам кўп ҳолларда унинг нархи паст бўлади, ҳосил яхши бўлмаган йиллар бундан истиснодир. Агар кишилар бирон-бир фалокат эҳтимолидан хавфсираб, олдиндан озиқ-овқат ғамлаб қўймаганларида эди, у ўз нархидан анча камига сотилган ва қиймати тенг бўлмаган бошқа нарсаларга алмашилган бўлур эди, чунки аҳоли кўпайгани сайин озиқ-овқат ҳам тобора кўпайиб бораверади.

Зирavor мева-чева каби молларга келсак, уларга умуман эҳтиёж туғилмайди ҳам, буларни топиш учун эса бутун шаҳар аҳолиси ёки жуда кўпчилиги ортиқча меҳнат ҳам қилмайди. Шаҳар кенг бўлиб, аҳолиси ҳам, зеби-зийнат буюмларига эҳтиёж ҳам катта бўлса, буларга талаб ҳам орта боради. Аммо мазкур буюмлар керагидан анча кам, уларга эгалик қилишни истаганлар эса аксинча кўп бўлади. Зеб-зийнатли, шинам ҳаёт кечирувчилар мана шу каби молларга бошқаларга нисбатан кўпроқ пул харж этадилар, чунки ўзларида буларга эҳтиёж сезадилар. Кўриб турибсизки, бу каби молларнинг нархлари ҳам ортаверади. Аҳоли зич яшайдиган шаҳарларда хунармандлар ясаган буюмлар қиммат туришининг уч сабаби бор: биринчидан, эҳтиёжнинг зўрлиги, чунки аҳолиси кўп бўлгани учун ҳам шаҳарда зеб-зийнат кенг тарқалади. Иккинчидан, хунармандлар ўз меҳнатларига юқори баҳо қўядилар, чунки шаҳарда ғамлаб қўйиладиган егуликлар мўл бўлганлигидан буларни топиш осон кечади. Учинчидан, ҳою-ҳашам ичда яшовчилар жуда кўп, улар хунармандлар ўз хизматларида бўлишини ва ўз буюртмаларини бажаришга мажбур этишни жуда-жуда истадилар. Бунда улар кўнгилларига ёққан буюмга

(Давоми. Аввали мажалламизнинг ўтган йил ноябрь, декабрь сонларида).

эга чиқиш учун ўзаро рақобат қилиб, ҳунармандларга ҳақиқий меҳнат ҳақидан ортиқча ҳақ тўлайдилар. Шу сабабли ҳам моҳир ҳунармандлар калондимоғ бўлиб кетиб, ясаган буюмларининг нархи устига нарх қўядилар ва шаҳарликлар уларни янада қимматроқ баҳода сотиб олаверадилар.

Кичик-кичик, камсонли шаҳарларда эса озиқ-овқат кам бўлади, негаки, уларни топиш йўлида кишилар кам меҳнат қиладилар, ундан ташқари аҳоли озиқ-овқат камчилигидан хатарга тушиб, ҳамма нарсага ёпишади, қўлига тушган егуликларни эҳтиёт қилиб сақлаб қўядиган бўлади. Шундай қилиб, уларда дон-дун кам бўлиб, нархи ҳам баланд юради. Аҳоли камчил ва камбағал бўлса, у зеб-зийнат буюмларига ўч бўлмайди, уларни харид ҳам қилмайди. Шу боисдан бу каби буюмлар нархи айниқса, пастдир. Баъзида озиқ-овқат нархи устига солиқ ҳамда йиғимларнинг қиймати ҳам қўшилади, булар бозорларда ва шаҳар дарвозалари ёнида ҳукмдор фойдасига ёхуд солиқ йиғувчилар томонидан уларнинг ўз фойдасига ундириб олинади. Шу сабабли ҳам қишлоқ жойлардаги нисбатан шаҳарларда нарх-наво юқори бўлади, қишлоқларда солиқ, ўлпон ва йиғимлар жуда оз ёки умуман ундириб олинмайди, шаҳарларда эса аксинча, юқори бўлади, айниқса сулола умри тугаб бораётган пайтда...

ҚИШЛОҚ АҲЛИНИНГ ГАВЖУМ ШАҲАРЛАРДА ЯШАЙ ОЛМАСЛИГИ ТУҒРИСИДАГИ БОБ

Бунинг боиси шундаки, биз юқорида айтганимиздек, аҳоли гавжум шаҳарларда ҳою-ҳашам, зеб-зийнат кенг расм бўлади. Оқибатда шаҳар аҳолисининг зеб-зийнатга эҳтиёжи узлуксиз орта бориб, одатий бир ҳолга, эҳтиёжга айланиб қолади. Маҳсулот ва ҳунарманд ясаган буюмлар нархи жуда юқорилашади, чунки зеб-зийнат туфайли, шунингдек ҳукмдорлар бозор ҳамда молларга бож солиши натижасида уларга зўр эҳтиёж туғилади. Бу ҳол нарх-навога таъсир этиб, зеб-зийнат буюмлар, турмуш воситалари ва ғамлаб қўйиладиган озиқ-овқат қимматлашиб боради. Шу сабабли ҳам шаҳар аҳолиси турмуш даражаси юксалгани сайин харажати ҳам ўса боради? Улар ўз турмушлари, ўз оилалари билан турмушни таъминлаш ниятида барча зарур нарсаларни сотиб олмоқ учун пулга тобора кўпроқ эҳтиёж сезадилар. Қишлоқ аҳолиси кишининг даромади эса оз, чунки у савдо-сотиқ ҳамда даромаднинг асосий манбаи бўлмиш ҳунарлар кам ривожланган жойда яшайди. Шу туфайли даромад ҳам, пул ҳам бўлмайди. Шу тариқа катта шаҳарларга кўчиб ўтиш улар учун мушкуллик туғдиради, чунки бу ерда буюмлар, унга зарур нарсалар шаҳарда қиммат туради, айни вақтда қишлоқ жойда у озгина меҳнат сарфлаб ҳам яшashi мумкин, сабаби унинг турмуш шароити ва эҳтиёжи шундайки, бой-бадавлат турмуш кечиришга одатланмагандур. Шу боисдан ҳам у бемалол пулсиз-nessиз ҳам яшashi мумкин.

Кимда-ким шаҳар ҳаётидан хабардор бўлиб, у ердаги қишлоқдан чиққан аҳолини кузатса, шу аҳоли шаҳарда яшай олмаслигига жуда тез орада амин бўлади.

Қишлоқда яшаган пайтдаёқ бойиб кетиб, даромади эҳтиёжидан юқори бўлган кишиларга келсак, бу — бошқа масала. У шаҳарлик учун табиий бўлмиш турмуш тарзига, қулайлик ва зеб-зийнатларга эришгач, шаҳарга кўчиб ўтиб, шаҳар аҳолисига хос одат ва ҳою-ҳашамларга кўникиб кета-

ди. Катта шаҳарларнинг турмуш тарзи шу тариқа юзага келади.

ШАҲАРЛАРДАГИ КЎЧМАС МУЛК ҲАМДА ЕР МАЙДОНЛАРИНИНГ БИР ҚЎЛДА ЖАМЛАНИШИ ТУҒРИСИДАГИ БОБ: УЛАРДАН КЕЛАДИГАН ФОЙДА ВА ДАРОМАД

Шуни билки, катта ва кичик шаҳарларда аҳолиси ўз қўлларида кўплаб кўчмас мулк ва ерларни жамлаган бўлсалар, буларнинг ҳаммасини бирдан, бир авлод ҳаёти мобайнида йиғмайдурулар; чунки ҳатто ҳашаматли турмуш кечирган тақдирларида ҳам уларнинг бирортасида ўзлари учун жуда қиммат турган ана шу ерларни сотиб олиш учун етарли маблағ бўлмайди.

Улар шу ерларни ўз қўлларида аста-секинлик билан ё ўз аждодлари ва қариндош уруғларидан мерос қолган ерларни эгаллаш (кўпинча уларнинг кўпчилигига қарашли ерлар бир одамнинг қўлига тушмагунча шундай бўлади) ва ёки ер сотиб олиш йўли билан оладилар. Негаки, бир сулоланинг умри битган ва бошқа сулоланинг даври бошланган замонда мамлакат мудофааси заифлашиб давлат кучига путур этиб, шаҳар хароба бўлиш арафасида турган пайтда кўчмас мулкга талабгор чиқмайди, боиси — бу бефойда бир иш, барибир ҳамма нарса инқирозга юз тутган бўлади, шу сабабли кўчмас мулкнинг нархи тушиб, уни арзимас пулга сотиб олиш мумкиндир. Кейинчалик ушбу мулк мерос сифатида бошқа бир одамнинг ихтиёрига ўтади. Шаҳар эса янги сулола раванқ топган вақтда яна гуллаб яшнаш бошлайди. Шундай пайтларда қулай шарт-шароит етилиб, кишиларда кўчмас мулк ва ер сотиб олиш истаги туғилади, чунки булар энди даромадгир бўлиб қолади. Шу туфайлидан нархи кўтарилиб, энди аввалгидан ҳам қимматроқ баҳоланади. Кўчмас мулк ва ер сотиб олишнинг маъноси ҳам шундаки, уларнинг эгаси шаҳарнинг энг бой кишиларидан бирига айланади, ваҳоланки у буларни сотиб олиш учун бирон-бир заҳмат чекмаганди ҳам, чунки унинг бу ишни бажариш учун имкони ҳам йўқ эди. Кўчмас мулк ва ердан келадиган даромад эса энди шуларнинг эгасида пайдо бўлган эҳтиёжларни қондириш учун етмай қолади, негаки, ҳашаматли турмуш тақозо этадиган харажатларни қоплай олмайди. Биз майда шаҳарларда истиқомат қилган кекса одамлардан шундай бир гап эшитганмиз: кўчмас мулк ва ерларни сотиб олишдан мақсад одамнинг ўз авлодларини таъминлаш учун зарурдир, токи булар шу туфайли турмуш воситаларига эга бўлсинлар, токи ўзлари овқат топиб ейдиган даражага етгунларига қадар шу даромадлар ҳисобига тирикчилик қилсинлар. Пул-даромад топа оладиган ёшга етганларидан эса ўзлари меҳнатга киришадилар. Жисмоний заифлиги ёхуд руҳий камчиликлари туфайли меросхўр турмуш воситалари топишга лаёқатли бўлмаган айрим ҳолларда бундай кўчмас мулк чиндан ҳам унинг таянчига айланади.

Бойлар ер сотиб олишларининг сабаби ҳам шунда. Аммо уларнинг мақсади ер сотиш орқали бойиб кетишдан ёки шу туфайли ҳашаматли турмуш кечиришдангина иборат эмас. Бундай ҳол жуда камдан-кам, яъни улар кўплаб ерларни чайқовчилик қилиб сотиб олган ёки шаҳарда ер баҳоси ошиб борган пайтдагина содир бўлади...

Илҳом Султонов таржимаси.





6-дарс

35. Сотувчи харидорга бу молни маъқул қилса, фалонча тангага, масалан, ўн тангага олурсиз, деб берса, сўнгра у мол харидорнинг қўлида нобуд бўлса, харидор бозор баҳоси билан тўлайди. Икковлари келишган баҳо ўтмайди.

36. Харидор молнинг ҳақини 3 кун давомида бериш шarti билан сотиб олса, сотиладиган мол сотувчи мулкидан чиқади.

37. Сотувчининг мулкидан чиққан бўлса ҳам, ихтиёр ботил бўлгунга қадар харидор молга эга бўлмайди.

38. Ихтиёр ботил бўлур, яъни бузилур:

1. Унинг муддати, яъни уч кун ўтганда;

2. Сотиладиган мол ихтиёр қилувчининг қўлида айбли бўлиб қолса;

3. Олишига далолат қилувчи нарса топилса.

39. Харидорнинг ихтиёри вақтида сотиладиган мол, харидорнинг қўлида ўзининг феъли билан ёки ўзганинги феъли сабаб, табиий офат етибми айбли бўлиб қолса, икковлари келишган баҳони тўлаш мумкин бўлади.

40. Ихтиёри шарт хоҳ сотувчи тарафидан бўлсин, хоҳ харидор тарафидан бўлсин савдони бузиш уч кун давомида ҳамроҳига билдириш билан мақбул бўлади.

41. Ихтиёри шарт ворисларга ўтмас. Балки, ихтиёр

қилувчининг ўлими билан соқит бўлади.

7-дарс.

(*Хиёри райъат — кўриш ихтиёри*)

42. Кўриш ихтиёри-харидор ўзи кўрмаган молни сотиб олиб, кўрган вақтда байни бузиши ёки дурустроқ кўришга ихтиёрли бўлишидир?

43. Аммо, сотувчи харидор кўрмаган молни сотса, кўрган вақтида байни бузиши ёки дурустроқ кўриши харидорнинг ихтиёрида бўлмас.

44. Харидор ёқтирмайдиган далил топилгунча хиёри райъат дурустдир.

45. Ихтиёри райъат қуйдаги ҳолатларда бузилади:

1. Сотиладиган мол харидорнинг қўлида айбли бўлиб қолса;

2. Харидор сотиладиган молни кўрмасдан аввал ё кейин хиёри шарт қилиб ёки қилмай сотса (Ихтиёри шартнинг маъносини 30-масалада кўрдик).

3. Сотиб олаётган молни харидор яна қайта сотиш учун кўрсатиб баҳосини айтса.

46. Сотиладиган молларнинг ҳамма жойини кўриш узрли бўлгани учун, даркор жойларни кўриш билан бай дуруст бўлади.

47. Мисол учун: Тўрт оёқли ҳайвоннинг юзини ва сағрисини; кийимларнинг нақш ва гулларини, нақшлари бўлмаган кийимларнинг сиргини кўришга ўхшаш. Агар ичи, таши ва атрофи тенг бўлмаса, ичини ҳам кўрмоқ лозимдир.

48. Ихтиёри райъат билан

савдо қилган одам бай тамом бўлмасдан илгари вафот қилса, хиёр бузилиб, бай тамом бўлади. Ворисларга ўтмас. Яъни, байни қайтариш ворисларнинг ихтиёрида бўлмайди.

8-дарс

49. Ҳовли сотиб олишда мақсад қилган жойларни кўриш лозим ва мўътабардир. Мисол учун: ёзги ва қишки уйлارни кўришга ўхшаш.

50. Сотиб олишга вакил қилинган одам ёки сотилган молни олиб кетишга вакил қилинган одам молни кўриш билан бай тамом бўлиб, дуруст бўлади:

Изоҳ: Яъни сотиб олишга ёки олинган молни келтиришга харидор ўзининг ўрнига бир одамни қўйган бўлса, харидорнинг ўрнида турган одам молни кўрса бай тамом бўлади. Харидорнинг молни кўрганда байни бузиш ёки дуруст кўришга ихтиёри бўлмайди.

51. Харидорнинг мол олоқчи эканини сотувчига етказиш учун борган одам, молни кўриши билан бай тамом бўлмайди. Балки, харидор кўрганда ихтиёр ўзидадир.

52. Кўр одамнинг сийпаш, искаши ва мазасини татиб кўриши билан бай дуруст бўлади. Изоҳ: Искаш,

сийпаш ва мазасини тотиш билан билинадиган нарсалар бўлса. Энди ҳовли-жойларни бир одам томонидан кўрнинг олдида сифатлаб, катта-кичкиналигини баён қилиш билан бай тамом бўлади. Булар кўр ҳаққида яъни кўр учун кўрган ҳисобдадир. Бас, кўр одам ушбу баён бўлган кўрсатмалар билан савдо қилиб олгандан кейин, олмай қайтаришга қудрати етмас.

53. Бир одам бир молни кўриб, сўнгра бай вақтида кўрмай сотиб олса, у мол кўргандаги ҳолидан ўзгарган бўлса, у одамдан ихтиёр соқи бўлмайди.

54. Харидор келиб ўзгарибдир деса, сотувчи ўзгаргани йўқ деса, сотувчининг сўзи олинади, ўзгармаганига қасам ичади.

55. Харидор кўрмагандим деса, сотувчи кўрган эдинг деса, харидорнинг сўзи олинади, кўрмаганига қасам ичади.

9-дарс

(Хуёри айб)

56. Хиёр айб — сотилдиган молнинг айби борлиги сабабли харидор молни олиши ёки олмасликка ихтиёрли бўлишидир.

57. Сотилган эҳтиёж молнинг айби сотиш пайтида

кўринмай қолиб, сўнгра айби топилиб, савдогарларнинг олдида ўша айб сабабли молнинг баҳоси тушса, уни қайтариб беришга ёки буткул олишга харидорда ихтиёр бордир. Лекин, харидор молнинг баҳосини кам беришига ихтиёрли бўлмас.

58. Сотилган нарса таом бўлиб, бир қисмини ёки барчасини еганидан кейин айби билинса ёки эритгандан сўнг куйиб, кам бўлиб, айби билинса, харидор сотувчидан камини қайтариб ололмайди.

59. Сотилган мол аввалдан айбли бўлиб кейин ўша айби топилса, камини сотувчидан қайтариб олса бўлади. Аммо, молнинг ўзини қайтаролмайди. Агар сотувчи қайтиб олишга рози бўлса, қайтарса бўлади.

60. Агар сотиб олинган молнинг айбини билгач харидор молига аралашмасдан илгари бошқага сотса, қайтаришнинг иложи бордур.

61. Сотилмаётган мол харидорнинг молига аралашгандан кейин қайтаришнинг иложи бўлмагани учун харидор сотувчидан камини ололмай.

Эски ўзбек ёзуvidан
Жамолiddин МУСЛИМ
ўгирган.

(Давоми бор).

Сўз Вангелия Гуштерова ёки унинг уйида ва хорижда алқашган-дек Ванга ҳақида бормоқда. Менинг омадим келди десам муболаға бўлмайди. Чунки Софиядаги фаолиятим давомида

ларнинг ва ашёларнинг қаердалигини аниқ айта оладиган ожизанинг бунчалар ғаройиб қобилиятига ҳам унчалик ишонқирамадим.

ТАССнинг Софиядаги мухбири бўлиб ишлаётганимда, 1983

кечирдим. Уша пайтда навбат расмий рўйхат бўйича бир йилга чўзилганди! Бироқ таниш - билишларни «иш»га солдик, ана шу туфайлигина Петрич шаҳрига эрталаб соат 6.00 да етиб боришимизни айтишди.

зиб, ожиза билан суҳбатлашиш чанқоғидаги кишилар биринкетин асталик билан тушишарди. Шу пайт Ванганинг ёрдамчиси анчагина қартайган, баджаҳлроқ эркак пайдо бўлиб, бир онда тирик навбатни пайдо қилди. Навбатдагилар орасида кимдир олдинроқ ёзилиб кетган ва ўша куни келганлар бор эди. Ундайлар йигирмага яқин чиқди. (Ванга бир кунда йигирмадан ортиқ киши қабул қилмасди, бунга унинг анча ёшга борганлиги ҳам сабаб бўларди.)

Навбатга турганларнинг барчаси 10 левдан (ўша вақтда 10 сўм) тўлаб, квитанция олишди. Мен ўзга юртлик бўлганим учун 20 лев тўладим. 7-бўлиб навбатга ёзилдим. Тўғриси айтиш керак, ҳозирги кунда тўлов пули анча ошган: хорижликлар 78 доллар тўлашади. Совет фуқаролари лев билан тўлашлари мумкин (30 лев), болгарлар учун тўлов ўшандайлигича қолган.

Биз кутардик. Чама-си бир соатлар ўтгач, уйдан жуссаси кичкина, анчагина тўла, қолюқ шаҳарларда унинг ёшида кийинадиган болгар аёллари каби оддий кийинган кампир чиқди. Зеро, у 72 ёшли кампирлардан анча ёш кўринар эди. Қандайдир аёл



бу ғаройиб аёл билан ўн беш мартаба учрашиш насиб этган. У билан бўлган учрашувларим ҳақидаги қисқача ҳикояларни муштарийлар ҳукмига ҳавола этмоқчиман.

Ванганинг номини мен Москвадаги лекцияларнинг бирида эшитгандим. Аслида унча-мунча нарсага ишонмайман. Шунинг учун касалликларнинг аниқ диагнозини, йўқолган одам-

йили Болгария журналистлари уюшмаси мени мамлакат жанубига бўладиган саёҳатга таклиф этди. Ванга яшайдиган Петрич шаҳри Греция ва Югославиянинг чегарасида эканлигини билардим, шу боис саёҳат маршрутига ўша шаҳарни киритишларини сўрадим. Келажакни айтиб берувчи ожизанинг олдига кириш учун анча қийинчиликларни бошдан

Биз шаҳарчага кириб борганимизда ҳали тонг отмаганди. Биз Болгариянинг энг жанубида эдик. Тор кўчалар, томига черепицалар тўшалган пастак уйлар, жимлик, иссиққина шабода бундан далолат бериб туради. Ванганинг уйи олдида аллақачон жимлик бузилганди. Дарвоза олдида ўнга яқин машина турар, улардан ғайриодатий кечани ўтка-

ҳамроҳлигида Ванга уйга тақаб қурилган иморат томон ўтди. Қабул бошланди.

Навбатда асосан аёллар туришар, уларнинг аксарияти ҳам йиғлаб, хун бўлганлар эди (Ванганинг олдига ким ҳам бирон-бир жиддий ишсиз, аниқроғи кулфатсиз келарди?). Дарвоқе, Ванганинг олдига шунчалик қизиқиб, ёки унинг мўъжизаларига ишонқирамай келганларни ожиза дарҳол сезиб, уларни тезгина эшик ташқарисига чиқазишини айтишди.

Мен болгариялик ҳамкасб-ҳамроҳим каби ҳаяжонда эмасдим (бир вақтлар Ванга унга отасининг ўлими ҳақида аниқ айтиб берган экан). Лекин ўта даражада босиқ ҳам эмасдим. Шундай қилиб, бироз безовталаниб қабулхонага кирдим. Сўрашдик. Унчалик катта бўлмаган думалоқ столга, уй бекасининг рўпарасига ўтирдим. Пинҳоний боқиш, оқиш соч, анчагина баланд ва қатъий овоздаги одам эди у. Қўли остида телефон турарди. Унинг олдига кириш учун бир чақмоқ қанд тайёрлаб кечаси билан қоғозга ўралган ҳолда ёстиқ остида ушлаш кераклигини менга олдинроқ айтишганди. Қанд ўзимда эди, лекин Ванга мендан квитицияни сўради, уни қўлида бир оз ушлаб тургач менинг бу ерга қандай қилиб келганлигим билан қизикди. Ҳамкасабам бу уйга келишим учун таниш-билишлар қан-

дай ҳаракат қилишганини аниқ айтиб берган эди. Жавобим уни қониқтирди чоғи қўлимдаги қандни олди.

Ванга ҳақида аниқроқ маълумотга эга бўлиш учун мен у билан бўлган суҳбатимизнинг аниқ, лекин бироз қисқартирилган ҳолдагисини сизларга айтиб бераман.

— Сен бўридек соғсан, — гапини бошладу ожиза. — Нима учун менинг олдимга келдинг?

Мен қариндошларим тўғрисида бир неча савол бермоқчи эканлигимни тушунтирдим.

— Сен ўз онанг ҳақида кўпроқ ўйлаган, — давом этди у. — Отанг ҳақида умуман ўйламас экансан.

— Ҳа, у дунёдан ўтган, — тасдиқладим мен.

— Ўлганлигини биламан. Ҳозир мен уни сенинг олдингга кўраяпман. У сен ҳақингда ўйлапти.

Ванга ҳозир менинг отам қаердалигини қўли билан кўрсатди. Отамнинг касби ҳақида аниқ маълумотни айтиб, у сўзида давом этди:

— Сибирни кўраяпман ўша ер билан боғлиқ воқеа борми?

— Ҳа бир пайтлар у ўша ерда яшаган.

— Нега унинг олди-га шам ва гулларсиз борасан?

Мен у нима ҳақда гапираётганини билмай, елкамни қисдим. Бир неча кундан кейин — Москвага борганимда қабристонга кечикаётиб гул олишга улгурмаганимни, шамни эса умуман

олиб бормаслигимни эсладим...

— Онангнинг исми Мариями?

— Йўқ, Лариса!

— Қизик, — гўлдиради Ванга.

Софияга қайтгач, мен онамга қўнғироқ қилиб Петричга борганлигим ва унинг исми билан бўлган тушунмовчиликни айтдим. Онам бу ҳақда ҳеч нарса демади. Бир неча кундан кейин у қўнғироқ қилиб, тушунмовчилик борасида бувим билан суҳбатлашганини айтди. Бувимнинг айтишича, онамга аввал Мария деб исм қўймоқчи бўлган экан...

Ванга онам ҳақида сўзлашда давом этарди:

— Ҳаммаси яхши бўлади... Илнинг охиригача тузалиб кетади...

Шундай бўлди ҳам: операция яхши ўтди, айтмоқчи бу воқеа Ванга айтган муддатда бўлди. У бувамнинг ҳам диагнозини аниқ айтиб, қанча яшаши ва қай тарзда ҳаётдан кўз юмушини белгилаб берди. Ванганинг бу хомчўтлари ҳам аниқ муддатда бўлиб ўтди...

Навбат энди менга келди:

— Уттиз саккиз ёшга тўлганингда ўқишга кирасан...

Ўша гаплардан беш йил ўтгач, бирданига менга ижтимоий фанлар Академиясига кириб ўқишимни таклиф этишди.

Биринчи бор бўлган учрашувда шулар ҳақида суҳбатлашгандик. Уч йил ўтгач, мен яна Петричга келдим.

Буни қарангки. Ванганинг ҳузурига кириш энди нафақат мушкул, балки бунинг умуман имкони йўқ эди. Чунки у узоқ бетоб бўлиб, шифокорлар зиёратчиларни қабул қилишни таъқиқлашганди. Тўғри, у анча тузалиб қолганди, шу боис шифокорлар тетиклик учун бироз пул «ишлаш»га рухсат беришганди.

Эндиги гал Ванганинг ҳузурига киришда Петричнинг ўша вақтдаги мери менга ёрдам берди. Бундан ташқари у бир қанча қизиқарли ҳолларни айтди. Буни қарангки, шаҳар газнаси Вангадан жуда катта даромад оларкан — бир йилда 100 минг лев. Келаётганларнинг оқими шунчалик катта бўлганлиги учун Петричда меҳмонхона қуришибди. Давлат Вангага каттагина пенсия тўлаб, ёрдамчи, қоровул, машина билан таъминлабди. Бундан ташқари Петричдан қабул ўтказиладиган уйгача асфальт йўл ётқизибли, телефон ўтқазиб беришибди.

Мени Ванганинг таржимаи ҳоли жуда қизиқтирарди, у эса доим бу мавзуда суҳбатлашишдан қочарди. Тўғри, энди бу қизиқувчанлигимни Ванганинг жияни Красимир Стоянованинг «Эхо планети» мажалласида чикқан асари қондирди, лекин шундай бўлса ҳам ўша чиқишга қўшимчам бор: Ванга жуда художўй, у черковнинг барча байрамларида иштирок этади, бироқ черковдагилар

уни ёқтиришмайди, чунки худо бундай «фолбин»ларни хушкўрмас экан.

Ванга сиёсат ҳақида гапиришни ёқтирмайди, шундай бўлса ҳам икки йил бурун бу одатни чеккага «субли» Совет Иттифоқидаги қайта қуриш ва М. С. Горбачев ҳақида қуйидагиларни айтди:

— У черков учун кўп иш қилмоқда. У бундан ҳам юксак даражага эришади! Давлат тўнтариши эса бўлмайди...

Давлат тўнтариши бўлмаслигини эшитиб, анча ўзимга келдим. Лекин Ванганинг «юксак даражага эришади» деган гапи мени лол қолдирди (ўша вақтда давлат раҳбаримиз барча лавозимларга эга эди). Бир йил ўтгач, мамлакатимизда Президентлик лавозими таъсис этилди.

Ўша учрашувимиз вақтида Ванга Россияга бориш ниятида эканлигини, у ердаги черковда ибодатни кўрмоқчилигини ва Горбачёв билан суҳбатлашиш иштиёқидалигини айтди.

Ванганинг соғлиги ўша пайтда анча ёмон эди, шунинг учун у ҳеч кимни қабул қилмас, биз ҳам бор-йўғи йигирма минут суҳбатлашдик. Мен унинг юриш-туриши ҳақида бироз билиб олдим. Ванга шаҳардаги уйида тунар, эрталаб соат тўққизда эса махсус «Волга» машинаси қабул ўтадиган «вилла»га олиб борарди. Ёзги ва қишки вақтларни у тан олмайди, соат милларини уму-

ман ҳеч қаёққа сурмайди, шу билан бирга уйдаги тартибини ўзгартирмайди. Кампир пазандачиликни, бир рюмка сув билан аралашган ликер ичишни ёқтиради, қаҳва унинг жонуди. Тўқиш, қўғирчоқ ва соатлар йиғишни хуш кўради.

Ванганинг ҳузурда бундан 15-20 йил аввал бўлганларнинг фикрларини эшитиб, унинг қобилияти вақт ўтган сайин ўз кучини йўқотишига амин бўлдим. Илгарилари у умуман савол бермай гапиравераркан, эндиликда суҳбат қизийдиган бирор савол билан мурожаат этиш керак.

Хуллас, бир марта мени қизиқтирган саволлар ёзилган қоғозни чўнтагимга солиб, Ванга билан суҳбатлаша бошладим. Кетар пайтимда эса унинг ўзи ўша саволлар ҳақида гапира кетди...

Охирги учрашувимизда мен бу суҳбатларимизни нашр эттиришимга қарши эмасмикан, деб сўрадим. У «йўқ, фақат икки йилдан сўнг» деб жавоб берди.

Икки йил ўтди. Нега у бу муддатни айтди экан? Бу фикр мени тинч қўймасди. 1991 йилнинг 31 январида Вангелия Гуштерова 80 ёшга тўлади, балки шундай айём кунлари у ҳақида гапиришларини хоҳлагандир?..

«Эхо планеты»
мажалласининг
1990 йил декабрь
сонидан.



Калвак МАХСУМ

Московдан биринчи нома

Ушбу номаи безабонни узоқ Москов шаҳрига иқтисодни ўрганмоқ, бозор сиёсати хусусида сабоқ олмоқ ниятида келгон ва айни дамда мусофирлиқ ситамин тортиб тургон Калвак ибн Махсумдан деб биладурсизлар.

Эмди Москов шаҳрин таъриф-у тавсиф этадургон ўлсам, анинг бисёр серғалва ҳамда нотинчлигини битмоғим ҳам қарз, ҳам фарздур. Уруссия шаҳарлари аросинда кўҳнадир; урусмачитлар(алар черков деюрлар)кунжак-кунжакдан жой олгон ўлиб, савобталаб бандалар ижобат истаб, зўр бериб чўқинурлар, бисёр ҳокисор, мўмин; мўрчага озор бермаслар.

Шаҳр кесиб наҳр ўтур — отини Москов река деюрлар, чиллада ҳам яхбаста эмасдур: ичинда оҳанин қайиқлар сузур. Бу қаттол шаҳрнинг савуқини ман қоғозга битмай, сизлар ўқиманглар. Шабу рўз изгирин эсар, қорёғар, локинда чапдаст фаррошлар пешма-пеш

бартараф этурлар. Савуқдан бандаси дилхун бўлиб, озор кўрур, кўча кўйдаги жониворлар гужанак бўлиб кетур. Ўзбекистон офтобининг қадри бирам ўтурки, ҳеч нимарсага баробар эмас.

Дарахтларини қаламга оладургон бўлсам-эман, арча, акас, қарағай; паррандаларичумчуқ, зоғ, қарға, қаро кабутар.


Кўчалари бефайзроқ, мардумлари мудом саросар, мусафир бирла иши йўқ; гоҳинда бадмаст бандалар ҳам учраб турур ва фақат бундоқ пайтда ўзумни бир бурчакка олурман.

Шаҳарда одам бисёр. Замин ёрилган-у жами бандалар рўёбга чиққан деб хаёл қилурсан. Тупроқ тагинда ҳам равон йўллар бордурки, алар метро деюрлар. Кўрмушнинг уйддек чор тарафга лаҳмча қилиб кавлаб кетверганки, поёни бесарҳаддур. Яқо тутуб, ё қудратингдан, демоқдин ўзга имкон топмағайсан.

Алқисса, хобгоҳим хусусинда эки оғиз калом. Ул шаҳар илкиндаги ғарибгина мусофирхона бўлиб, мисол кафтархона, банди мўминлар кириб-чиқиб ётурлар. Каминаи камтаринни еттинчи қаватга чиқориб, катакдай ўйчани лозим кўрдилар. «Пажалиста» деди хизматчи хотун калит тутқозиб. Ман ҳам хушодоблик таомилини бузмай «Спасиба» дедим; бисёр сарафро ўлди. Хобгоҳга эки каравот қўюлган бўлиб, мисли авахта-хона-таҳоратхона-ю ҳожатхона ҳам шу каттададур. Пастга назар солсанг, одамлар бамисоли мўрча, зир-зир югурарлар.

Хулосаи калом, ҳамхонам пайдо бўлмайдива мисоли маҳбус ялғуз тонг оттурдим. Туш кўрсам ўғулларим шашқатор ёш тўкуб йиғлар эрдилар. Бисёр дилғаш-у дилтанг бўлдим. Бад кўча кезиб, бир фолбин жўгига дедимки гап шундоқ-шундоқ... Таъбирини гапурсанг бир сўлкавой санга садқаи сар. Бу маҳмадона заифа қўлумни тутиб, таъбир айтмоққа киришди. Бисёр жаврашидан шу нарса аён бўлдики, кўз ёши рўшнолик экан.

Саҳармардонда чалахоб ўйғотиб, «по автобусам» деб авоз бердилар. Камина, иншоллох, қўл-юзимни ювуб, аламонга қўшулдим. Йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик, охир-оқибат бир пурҳашам саройга олиб кирдилар, Кофирми, мусулмонми қўйдек қилиб қироатхонага қамадилар. Бадазон бир оқсоч мўйсафед, қайсики, бармоқлари ларзадан тин олмас эрди, минбар миниб ваз айтди. Фақат сукут бирла қулоқ бердим, локинда ҳарчанд зўр берган бирла, ҳеч нимарсани фаҳмига бормадим. Фикри ожизимча ул зот ислоҳат ва бозор иқтисодиёти хусусинда



Бир маротаба мириқиб кулган киши бир ботмон қанд егандек бўлади.

Содиқжон МАҲКАМОВ тасвир лавҳаси.

қуйиб-пишиб сафсатавозлик қиларди. Ушбу номани машғулот маҳалинда битдим.

Боз давомини битурман.

Котиб — Нусрат ибн Раҳмат аз
САМАРҚАНДИЙ

Мундарижа:

С. ҒУЛОМОВ «Бозор иқтисодиёти ва жамиятни информатизациялаш»	2.
<i>ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ</i>	
Қ. АБДУРАҲМОНОВ, А. ЭРДОНОВ «Товарлар биржаси»	4.
Қ. ЯХЕЕВ «Бозор иқтисодиётида молия ва кредит»	6.
<i>РОСТ ГАПЛАР</i>	
В. МАДИМАРОВА «Меҳнатни халқ баҳолайди»	10.
<i>СЎЗ — ЕШ ОЛИМЛАРГА</i>	
Ш. ЭШОНҚУЛОВА «Қадрсизлик нимадан?»	16.
Э. ЮСУПОВ, А. БАҲРИДДИНОВ «Ҳолва деган билан»	18.
З. ХУДОЙҚУЛОВ «Ютуқлар гарови...»	21.
Ш. ҚОБИЛОВ «Ишсизлик муаммоси...»	22.
<i>ЕЧИМИНИ КУТАЕТГАН МУАММОЛАР</i>	
М. АБСАЛОМОВ «Хом ашё тоғлари...»	26.
<i>ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЯНГИ УСУЛЛАРИ</i>	
Ф. ШОДИМОНОВ «Ўлгуржи савдо»	28.
<i>ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ ИЗИДАН</i>	
И. МАНСУРОВ «Чорвачиликда нима гап?»	32.
О. ДОСПАНБЕТОВ «Режалар катта, аммо...»	34.
<i>ИҚТИСОД ВА СИЕСАТ: СЎЗ-ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИГА</i>	
Н. САИЙДОВ «Менеджер — ишбилармон раҳбар»	42.
<i>НУҚТАИ НАЗАР</i>	
И. ЎСАРОВ «Тежам ҳақида сўз»	44.
Н. ХОЛЛИЕВ «Ўзбек бозорлари»	48.
<i>БИР ОИЛА ФАРЗАНДАРИМИЗ</i>	
Ш. АЪЛОЕВ «Маданият кўзгуси»	57.
<i>УТГАН СОНЛАРИМИЗДА...</i>	
Н. РАҲМАТОВ «Сен неча пулсан?»	58.
<i>ТЎҲХАТ ЎРНИДА</i>	
О. БАҲОДИРОВ, Ғ. ҒАҒУРОВ «Ям-яшил дарахт...»	61.
<i>ИҚТИСОД ВА ТАРИХ</i>	
Н. АВАЗОВ «Банкаларга мусулмон саркорлари керакдур...»	64.
Ф. НАЗАРОВ «Ўрта Осиёнинг баъзи халқлари ва ерлари ҳақида»	68.
<i>ЖАҲОН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИ</i>	
<i>ХАЗИНАСИДАН</i>	
Абу Наер ал-ҒОРОБИЙ «Талхису Навомису Афлотун...»	70.
Ибн ХАЛДУН «Ибрат китоби» муқаддимасидан	72.
<i>ҚУРЪОН ВА ИҚТИСОД</i>	
Ж. МУСЛИМ «Шариатда савдо илми»	74.
<i>ДАМ ОЛИШ САҲИҒАСИ</i>	
«Ванга»	76.
<i>ТАБАССУМ ТАРОЗУСИ</i>	
Калвак МАХСУМ «Московдан бир нома»	78.

Келгуси сонда:

Абдуҳошим МУТАЛОВ:
«Инсон омили диққат марказида»;
Нодир САҒАЕВ:
«Меҳнат фаолиятида миллий омил»;
Дилором ТОЖИБОЕВА:
«Ижтимоий мулкчилик зиддиятлари»;
Ғайрат МАШАРИПОВ:
«Мустақиллик нони ширин»;
Баҳодир УМАРОВ:
«Аҳоли иқтисодий ислоҳ ҳақида»
ва бошқа мақолаларни ўқишингиз мумкин.

Муқованинг биринчи саҳифасидаги «Лолазор» номли тасвири сураткаш Анатолий Вайштейн олган.

«Ҳаёт ва иқтисод» («Жизнь и экономика») — социально-экономический журнал комитета по экономике Узбекской ССР.



Манзилгоҳимиз: Тошкент, 700000
Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 29.

Телефонлар:

Бош муҳаррир — 39-11-25, бош муҳаррир ўринбосари — 39-11-26,
масъул котиб — 39-12-32, бўлимлар: иқтисодий ислоҳот ва бозор муносабатлари — 39-12-30, халқ хўжалиги иқтисодиёти — 39-12-34, фан, маданият ва ижтимоий масалалар — 39-12-30, хатлар ва омма билан алоқа — 39-12-30, бухгалтерия — 39-12-33.



Техник муҳаррир

Саидахмад САИДОРИПОВ.



Бадий муҳаррир

Дилрабо ПАРПИЕВА.



Мусахҳиҳ

Меҳринигор АЛИМҚУЛОВА.

Босмаҳонага 19.02.91 да туширилди. Босишга 4.04.91 да руҳсат этилди. Қоғоз ҳажми 84×108¹/₁₆. Офсет усулда чоп этилди. 1-офсет қоғози. Шартли босма тобоқ 8,4. Нашриёт тобоқ ҳисоби 8,45. Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 10,08. Буюртма 4984. Баҳоси 70 тийин.

Журнал мустақил равишда 60.200 нусхада нашр этилди.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган мақолалар муаллифга қайтарилмайди. Журналдан олинган мақолага «Ҳаёт ва иқтисод» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент, 700000, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.